

405

Ўттинч тўртинчи йил чиқиши  
Шаввол 1441ҳ – июн 2020м



Кенг қўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Al-Bayy

**Америка Хитойни етакчиликдан маҳрум қилиш мақсадида у билан мусулмонларни тўқнаштиришга асосланган янги халқаро курашни келтириб чиқаришга ҳаракат қилмоқдами?**



«Аср келишуви»-  
нинг муҳим  
жиҳатлари

13

Америка таҳ-  
лилий марказ-  
лари ва тадқиқот  
институтлари

33

Қурувони қарим-  
даги тафаккур  
андозалари

41



405

Ўттиз тўртинчи  
йил чиқиши  
Шаввол 1441ҳ  
Июн 2020м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Америка Хитойни етакчиликдан маҳрум қилиш мақсадида у билан мусулмонларни тўқнаштиришга асосланган янги халқаро курашни келтириб чиқаришга ҳаракат қилмоқдами? ..... 3
- «Аср келишуви»нинг муҳим жиҳатлари ... 13
- Ҳудайбия сулҳи... Мабдаий сабот ва раҳбарлик маҳорати ..... 21
- 1919-1924 йиллар Ҳиндистонда бўлиб ўтган ва Халифаликни химоя қилиш учун ташкил қилинган Халифалик ҳаракатининг юз йиллик хотирасидан олинган сабоқлар..... 25
- Америка таҳлилий марказлари ва тадқиқот институтларининг дунёга ҳукмронлик қилиш ҳамда Ислом ва мусулмонларга қарши уруш олиб боришдаги роли (2)..... 33
- Қуръони Каримдаги тафаккур андозалари. 41
- **Олам мусулмонлари хабарлари** ..... 53
- **Қуръони Карим суҳбатида** ..... 59
- **Жаннат боғлари** ..... 66
- Шаввол ойи ажр ва мукофот борасида рамозон ойини тўлдиради ..... 71
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Уқба ибн Абу Муайтнинг қизи Умму Гулсум: муҳожир мўмина аёллар ичида биринчи имтиҳон қилинган аёлдир ..... 74
- **Сўнги сўз:** Коронавирустан кейин... Хитой Ғарбнинг янги душмани сифатида Исломнинг ўрнини эгаллайдими? ..... 79
- «Соғлом ипак йўли» режаси ..... 80



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

**АМЕРИКА ХИТОЙНИ ЕТАКЧИЛИКДАН МАХРУМ ҚИЛИШ  
МАҚСАДИДА У БИЛАН МУСУЛМОНЛАРНИ ТЎҚНАШТИРИШГА  
АСОСЛАНГАН ЯНГИ ХАЛҚАРО КУРАШНИ КЕЛТИРИБ  
ЧИҚАРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАМИ?**

Коронавирус пандемияси юз беришидан олдин кўплаб Ғарб тадқиқотчилари ва стратеглари Ғарб ҳазоратининг муваффақиятсизликка учраши натижасида заволга юз тутиши кутилаётгани ҳақида баёнотлар беришган эди. Уларга кўра, бутун дунё миқёсида капиталистик мабданинг тўхтовсиз татбиқ этилиши кўплаб кризисларни келтириб чиқарди ва ҳамон келтириб чиқармоқда. Шунингдек, капиталистик мабданинг татбиқ этилиши офат ва фожиаларни келтириб чиқардики, бунинг оқибатлари бутун башариятга етиб борди. Пандемия юз берган пайтда Ғарбнинг ичкарисигача кириб бориб, унга муаммо туғдирди. Ғарб ҳукмдорлари унга қарши курашишга ожизлик қилишди, капиталистик система ҳам унга қарши туришга заифлик қилди. Мана шу пайтда халқаро система ҳамда халқаро вазиятнинг ўзгариши кутилаётгани ҳақида гап-сўз кучайди. Бу сўзлар олдин ҳам, кейин ҳам бекордан-бекорга келиб чиқмаган эди. Зеро, ушбу вабо иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларига тўғридан-тўғри фожиавий оқибатларни олиб келган бир пайтда олдин таҳлилга боғлиқ бўлган нарса оддий кўз билан кўринадиган бўлиб қолди. Айниқса, Ғарб давлатларида – агар вабо яна давом этадиган бўлса – бутун капиталистик системага хавфли оқибатларни олиб келишидан дарак бермоқда... Демак, бутун олам ўзгартиришга жуда муҳтож бўлиб қолди.

Коронавирус тарқалишининг илк лаҳзаларидан бошлаб, Трамп Хитойни айблади ва коронавирус тарқалиши жавобгарлигини унга юкледи. Трампга кўра, ушбу глобал ҳалокатли фожага ҳамда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг тўхтаб қолишига, шунингдек, улкан молиявий йўқотишларга Хитой сабабчидир. Натижада, Хитойга қарши халқаро душманлик ҳолатини шакллантириш ҳаракати бошлангани сезилди. Воқеаларни кузатиб борган киши биладики, Трампнинг Хитойга нисбатан

душманларча муносабатда бўлиши коронавирус тарқалишининг маҳсули эмас. Балки, бундай муносабат АҚШда ҳокимиятга Трамп келиши билан бирга келди.

Трампнинг янги йўналиши, яъни, Хитойга нисбатан душманларча муносабатда бўлишининг сабабига келсак, бунинг ўз тарихи бўлиб, шу тарих унинг сабабини баён қилиб беради. Бу тарих Совет Иттифоқи ва унинг фикрий тизими қулаган илк даврга бориб тақалади. Ўша пайтда Америка ўзини Совет Иттифоқининг ягона вориси, деб ҳисоблар эди. Катта Буш ҳокимиятга келиши билан Америка янги халқаро тартибни ўрнатишга ҳаракат қила бошлади ва бу тартиб коммунизм ўрнига Исломни душман деб қабул қилишга асосланган эди. Бу Америка учун зарурий танлов эди. Чунки у мусулмонларнинг исломий давлатни (Халифалик давлатини) барпо этишлари мумкинлигидан хавотирга туша бошлаганди. Бу масала катта Буш ва неоконсерваторлар бошқаруви даврида, шунингдек, 11 сентябр портлашидан кейин АҚШ бошчилигида сиёсий Исломга қарши «террорга қарши уруш» номи остида трансчегаравий халқаро уруш эълон қилиниши билан ривожланди. Шу билан бирга, кичик Буш «Америка асри» лойиҳасини қабул қилди ва бу лойиҳа дунёни рақобатсиз ёлғиз Американинг ўзи бошқаришига асосланган эди. Ушбу икки масаладан (яъни, Халифалик барпо этилишини олдини олиш ва Америка асри масаласидан) келиб чиқиб, Америка дунёни бошқаришга киришди. У минтақага келиб, Ироқ ва Афғонистонни босиб олди. Унинг режаси мусулмонлар юртлари кўринишини Сайкс-Пико шакллантирган кўринишга муқобил кўринишда шакллантириш эди. Лекин шамол унинг амрига мувофиқ эсмади. У Афғонистон ва Ироқнинг ҳар бирида кучли қаршиликка учради. Бу қаршиликлар уни улкан молиявий ва башарий йўқотишларга олиб борди. 2008 йилга келиб Америка жиддий молиявий кризисга учраб, унинг халқаро мавқеи беқарорлашди. Сўнг республикачилар бошқаруви яқун топди, кичик Буш ва у билан бирга республикачи консерваторлар ҳокимиятдан кетди, Обама тарафидан «Америка асри» лойиҳаси муваффақиятсизликка учрагани расман эълон қилинди...

Обама бошқаруви 2009 йили, яъни молиявий кризис авжига чиққан бир пайтда бошланди. Бу даврда Обама молиявий кризиснинг АҚШ молиявий тизимини ва Америка халқини вайрон қилувчи оқибатларини муолажа қилиш билан машғул бўлиб, Хитойнинг халқаро мавқеи кучайишини эътиборсиз қолдирди. Ҳатто Хитой Америка учун қабул қилиб бўлмайдиган даражада

ҳақиқий рақобатчи мавқега яқинлашиб қолди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Америка мусулмонларга қарши глобал урушни бошлашидан олдин халқаро система устида ёлғиз ўзи ўрнашиб олган эди ва у ўзининг шу ўрнини сақлаб қолиш ташвиши билан яшарди. Унинг халқаро сиёсати шу ўринга хавф солганларнинг барчасини йўқ қилишга, унга яқинлашишга ва рақобатчи бўлишга уринганларнинг барчасига тўсиқ қўйишга асосланган эди. У сиёсий Исломни ўзининг биринчи душмани сифатида танлаган пайтида, Хитой унга хавф туғдиришини билар эди. Бироқ, у бу хавфнинг даражаси паст бўлади деб ҳисобларди. Хулоса қилиб айтганда, ишлар у режа қилгандек кетмади. У сиёсий Исломга ва Умнатнинг уни ўз бағрига олишига қарши зарба бера олмади. Айни ўша пайтда Хитой ўзининг халқаро мавқейини кучайтирди.

Республикачилар Обама сиёсатини «буюк давлат даражасидаги сиёсат эмас» деб айблашди. Уларга кўра, Обама ўзининг президентлиги даврида қўллаган халқаро сиёсати билан Қўшма Штатларнинг империял салмоғини камайтирди... Дунёни ёлғиз бошқариш сиёсатини сақлаб қоладиган янги сиёсат билан чиқмади... У маънавий ёки моддий жиҳатдан Американинг таъсир доирасини кенгайтириш учун ҳеч қандай қарор қабул қилмади... Дунёда рўй берган ҳалокатли инқирозларга, шу жумладан араб баҳори кўзғолонларига яқун ясайдиган реал аралашувдан воз кечди... Саҳна ортидан етакчилик қилиш, дея танилган сиёсатни афзал кўрди... АҚШ сиёсати патриархи Генри Киссинжернинг унга маслаҳат беришига қарамай, унинг сиёсати дунё бўйлаб таъсир ва қувватдан, шунингдек, Американинг мавжудлигидан (иштирокидан) холи майдонлар пайдо бўлишига олиб келди. Киссинжер унга шундай деган эди: «Сенинг бошчилигингга Америка бўш қолдирган ҳар бир квадрат қувват майдонини келажакда ашаддий душманинг подшоҳ Путин бирданига тўлдиради».

Қисқа қилиб айтганда, республикачилар Обамани Американинг халқаро мавқейини сақлаб қоладиган президент бўлмаганликда, қолаверса, бошқа рақобатчи давлатларнинг (Хитой ва Россиянинг) рақобат поғонасидан кўтарилишларига ва Американинг бу поғонадан тушиб кетишига йўл берганликда айблашди. Шундай қилиб, Америка Трамп билан биргаликда бу ерда тузатилиши керак бўлган бўшлиқ борлигини топди ва бу Хитойнинг Америкага халқаро рақобатчи давлат даражасига кўтарилишига йўл қўймасликдир.

Ҳа, Трампнинг халқаро сиёсати Обама давридаги сиёсатга зиддир. Трамп ўз номзодлигини кўрсатганидан бошлаб, ўзининг халқаро сиёсатини Хитой билан курашишга қаратди. 2016 йилги сайлов кампанияси пайтида Хитойни АҚШ иқтисодини «тортиб олганликда» айблади. Унинг баёлотларини ва Хитой билан муносабатлари кескинлашиб бораётганини кузатган кишига бу масала сир эмас. У ўзини Хитой билан курашишга бағишлаш учун Исломга қарши урушни тез ҳал қилишни истади. Шунинг учун у Бағдодийни ўлдириш орқали Давлат ташкилоти тугатилганини эълон қилди.

Шундай қилиб, коронавирус мавзусида Американинг ҳужумни Хитойга қаратиши мана шу доирада бўлди ва у ҳеч қачон бу доирадан четга чиқмайди. Ҳатто Трамп ва унинг маъмурияти коронавирусни «Хитой эпидемияси» деб атади. Лекин, Американинг ушбу сиёсатига қўшилган янги нарса шуки, бу сиёсатга коронавирус эпидемияси ҳақидаги шовқин-суронли гаплар ҳамроҳлик қилди. Трамп Хитойни вирусни яширганликда айблади. Унга кўра, ўлганлар сони ҳақида Хитойнинг ёлғон маълумот бериши глобал фожиага, хусусан Америка фожиасига сабаб бўлган. Ғарб оммавий ахборот воситаларида эпидемия натижасида халқаро системанинг ўзгариши кутилаётгани ва коронавирус эпидемиясидан кейин дунё олдингидек бўлмаслиги ҳақидаги гаплар кўпайди. АҚШнинг собиқ давлат котиби Генри Киссинжер Уол Стрит Журнал газетасида берилган мақоласида «коронавирус пандемияси халқаро системани бутунлай ўзгартиради» деб айтди. Бунга «халқаро сахнада энг катта ғолиб Хитой бўлади» деган гаплар ҳамроҳлик қилди... Хитой Ғарбнинг янги биринчи стратегик душмани сифатида кўрсатилди ва оммавий ахборот воситаларида «Хитой бутун дунёга хавф солади», деган тасаввур пайдо қилинди. Коронавирус пандемияси мавзусидаги янги нарса шудир. Коронавирус пандемияси Хитойни террорда айблаш ва унга қарши халқаро кураш майдонини очиш учун баҳона бўлиб қолди.

Бу йигирма йил олдин 11 сентябр портлашларидан кейин юз берган ишларни эсга солади. Ўша пайтда Америка ва у билан бирга Ғарб давлатлари сиёсий Исломга ўзларининг душмани сифатида қарай бошлашган эди. Ғарб оммавий ахборот воситалари Исломга қарши шиддатли кампания бошлашгани ва уни террорчи дин, дея тасвирлаб, дунё давлатларини унга қарши урушга ундашгани. Бугунги кунда Америка ушбу эпидемияни Хитойга қарши халқаро курашнинг бошланиш нуқтаси қилиб олмоқда... Бу

Хитойга қарши қизғин кампанияни изоҳлайди ва уларнинг баёнотлари ҳам шунга қаратилган. Буни Британия бош вазири вазифасини бажарувчи Доминик Раабнинг сўзлари тасдиқлаб турибди. У шундай дейди: «Ҳеч шубҳа йўқки, вирусдан кейин Хитой билан ишлаш одатдагидек бўлмайди». Британиялик журналист Питер Оберн Middle East Eye газетасида «Хитой Ғарбнинг янги душмани сифатида Исломнинг ўрнини эгаллайдими?» сарлавҳаси остида берилган мақоласида шундай дейди: Бундан йигирма йил олдин Ислом душман сифатида кўрсатилганидек, бугун Хитой «янги экзистенциал (мавжуд) душман» сифатида кўрсатилмоқда. Унга кўра, бу иш газета ходимлари ва шарҳловчилари, интеллектуал (фикрий) институтлар, сиёсий партиялар ҳамда разведка идораларидан ташкил топган гуруҳ воситасида амалга оширилади. Чунки Исломга қарши ҳужум қилиш ва халқаро жамоатчилик фикрини «Ислом террорга чақирувчи дин», деган фикрга жалб қилиш жиноятида айни шу гуруҳ иштирок этган.

Оберннинг айтишича, АҚШ президенти Трамп ўзининг республикачи ўтмишдоши кичик Буш 2003 йили Ироққа ҳужум қилганидек, у ҳам Хитойга қарши ҳужумни бошлади. У Британиянинг «Ми-6» разведкаси ҳақида: «разведка идораси Блэрнинг оммавий қирғин қуролларига доир ёлғонлардан фойдаланиш орқали Ироққа қарши бошлаган фожиали ҳужумида асосий ролни ўйнаганидек, бугун Хитойни шайтон қилиб кўрсатиш линиясига кирди» – дейди. Унинг айтишича, мусулмонларга қарши мақолаларни босиб чиқарган Британия газеталари Хитой хавфидан огоҳлантирувчи газеталарга айланди. Шундай газеталардан бири 2003 йили Ироқ босқинига тарғибот қилган The Sun газетасидир. Бу газета нашр қилган бир мақолада даъво қилинишича, Хитой ҳалокатли касалликларга қарши курашишда Қўшма Штатлардан қудратлироқ эканини исботлаш учун вирусни қасдан ривожлантирган. Оберннинг билдиришича, Британияда ўтказилган сўнги сўров натижаларига кўра, британияликларнинг 80 фоизидан ортиғи бош вазир Борис Жонсоннинг вирус тақалишига қарши Хитойнинг дастлабки чораларига доир халқаро тергов ўтказилишини талаб қилишини иштади.

Унинг яна билдиришича, «радикал ислом»нинг доимий танқидчиси, таниқли мухбир Мелани Филлипс Ғарбни «Хитойга бепарво қарамаслик керак», дея огоҳлантириш учун «Таймс» газетасидан фойдаланган. Обернга кўра, «радикал ислом» ва

«исламизм»ни энг кўп танқид қилиб келган «Генри Жексон» жамияти бугунги кунда Хитойга хужум қилган бир қатор ҳисоботларни тарқатмоқда... У Сэмюэл Хантингтоннинг «Ҳазоратлар тўқнашуви» китобининг бир қисмидан мисол келтириб шундай дейди: Китоб «Ҳазоратлар ўртасидаги бўлиниш линияси келажак курашининг линияси бўлишидан» огоҳлантиради. Бу фақат Ислом ҳазоратигагина тегишли эмас, балки, Ислом билан бирга иккинчи рақобатчи ҳазоратга ҳам тегишлидир. Хантингтонга кўра, Хитой Ғарб учун энг кучли узоқ муддатли таҳдид бўлади.

Ҳа, халқаро саҳнада рўй бераётган бугунги воқеалар шуни кўрсатмоқдаки, Трамп Хитойга қарши халқаро кураш эшигини кенг очиб қўйишни истамокда. Хитойга қарши кампания халқаро кампания бўлиши учун, Американинг ўзи етакчилигидаги Хитойга қарши курашувчи коалицияни ташкил қилишга ва Хитойни қамал қилиб, унга тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилиши кутилади. Бундан мақсад Хитойнинг халқаро мавқеига таъсир ўтказиш ва уни ўзига рақобатчи бўлишдан узоқлаштиришдир. Демак, масаланинг кўлами коронавирустан каттароқдир. Мана шундан келиб чиқиб кўрмоқдамизки, худди кичик Буш 11 сентябрдаги шубҳали портлашлар ортидан Исломни террорда айблаганида қилганидек, Трамп ҳам ушбу эпидемия туфайли дунёга келган офатдан фойдаланиб қолишни истамокда. Трамп вируснинг пайдо бўлиши, тарқалиши ҳамда Америкада ва бутун дунёда юз берган башарий, иқтисодий ва ижтимоий йўқотишларга сабаб бўлишидан Хитойни жавобгар деб айблашида, шунингдек, ёлғиз Америкагагина эмас, балки, бутун дунёга вирус келтирган зиёнлар учун (зиёнлар Америкага ва бутун Европа давлатларига тегишлидир) компенсация талаб қилишида ўзининг ҳақлигига ўз халқини ва бутун дунёни ишонтиришни истайди. Компенсация рақамлари жуда катта рақамлар бўлиб, улар юз триллионга ёки ундан ҳам кўпроққа етиши мумкин. Бундан мақсад, Хитойни молиявий ва иқтисодий жиҳатдан ҳолдан тойдириш, унга нисбатан халқаро доирада ишончсизлик пайдо қилиш ҳамда унинг Қўшма Штатларга рақобатчи бўлиш имконидан маҳрум қилишдир.

Шунингдек, Америка Хитойни обрўсизлантириш учун халқаро қарорларга ва БМТ резолюцияларига таянади. Ҳатто Хитой унда қарорларни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган Хавфсизлик Кенгашида ҳам, Америка Хитойнинг позициясини халқаро адолатга зид ва у кенгаш қарорларини бекор қилиш учун вето ҳуқуқидан фойдаланмоқчи, дея кўрсатиши ҳам мумкин...



Республикачилар ўзларининг дунёдаги телбаларча ишларидан бирини қандай амалга оширишни исташаётгани очик кўриниб қолганга ўхшайди. Афтидан, бугун халқаро сахнада айни шу йўналишда тайёргарлик кўрилаётган кўринади.

Трамп шу йил охирида бўладиган келгуси президентлик сайловларида ғалабага эришишни таъминлаш учун бу масалада қисқа вақт ичида ютуққа эришишни истади. Бу масала Трамп ва республикачилар партияси учун ғоят аҳамиятлидир.

Ушбу сўзлардан кейин ташланиши мумкин бўлган савол шуки: Америка Хитойга қарши кураш эшигини очиб, сиёсий Исломга қарши кураш эшигини ёпадимми? Зеро, у Совет Иттифоқи қулаганидан кейин сиёсий Исломга қарши ҳарбий амалиётларни бошлади ва 11 сентябр портлашларидан кейин унга қарши шафқатсизларча уруш қилди. Оберн «Эҳтимол, бугун биз дунёдаги асосий нумутаносибликдан жавобгар, деган эътиборда ислом айбланиб келган узоқ даврнинг ниҳоясига етгандирмиз» деб айтганидек, биз шу даврнинг ниҳоясига етдикми?

Бу Оберннинг фикридир. Аммо биз мусулмон сифатида биламизки, Америка сиёсатда малъун шайтон бўлиб, унинг дини манфаат ва одати мутакаббирликдир. Унинг тарихи – мамлакат ичкарасидаги ҳиндулар ва қора танлиларга қарши бўладими ёки мамлакат ташқарисидами ҳеч бир фарқсиз – уруш ва қирғинларга тўладир. Бутун дунёда Америка олиб борган агрессив урушларнинг рўйхати узун... Биз биламизки, мусулмонларнинг бутун фожиаларига, уларнинг қирғин қилинишига, қувғин қилиниб юртлари вайрон этилишига, шунингдек, динлари экстремизм ва терроризмда айбланишига Америка сабабчидир. Мусулмонлар масалаларига, энг аввало Фаластин масаласига қарши турган ҳам Америкадир. «Америка сиёсий Исломга душманлик қилишдан воз кечади», деб ўйлаган киши узокни кўра олмайдиган кишидир. У қандай бундан воз кечиши мумкин. Ҳолбуки, у ҳамон сиёсий Исломнинг ўзи учун экзистенциал (мавжуд) хавф солади деб билади. Яна у биладики, сиёсий Исломга қарши шунча макр-хийла ишлатишига, жиноятлар содир этишига қарамай, Уматнинг қўллаб-қувватловини ундан узиб қўйишга ҳамда уни Халифалик давлатини барпо этиш лойиҳасидан узоклаштиришга эриша олмади. Шунинг учун Америка Хитойга қарши халқаро сиёсий кураш эшигини очган бир пайтда, баҳс «Исломга қарши уруш қилишда Американинг янги режаси қандай бўлади», деган мавзуга қаратилиши лозим.

Америка сиёсий Исломга душманлик қилишда давом этар экан, бу нарса янгича шаклга кириши мумкин. Бу шакл сиёсий Исломга Хитойнинг қўли билан зарба бериб, «Хитой ва сиёсий Ислом ўртасида кураш», деган нарсани пайдо қилишдан иборат. Айниқса, бугун Шарқий Туркистонда Ислом билан Хитой ўртасида қонли чегара мавжуд бўлиб турган бир пайтда буни амалга ошириши мумкин. Зеро, Хитой Шарқий Туркистонда мусулмонлар бошига тасвирлаб бўлмайдиган даражада фожиаларни солди. У уларни қирғин қилди, қувғин қилди ва динлари учун улардан ўч олди... Американинг у ердаги мусулмонларни ҳимоя қилиш баҳонасида куролли исломий ташкилотларни қўллаб-қувватлаш учун бундай зулм ва агрессиядан фойдаланиши эҳтимолдан холи эмас. У Афғонистонда Совет Иттифоқига қарши шундай қилган эди. Ўшанда исломий ҳарбий қаршилиқнинг Совет Иттифоқини ҳолдан тойдиришда ва империяси қулашининг тезлашишида таъсири кучли бўлган эди. Бизга маълумки, Американинг афғон кўзғолончиларини «стингер» ракеталари билан таъминлаши уруш натижаларида кескин рол ўйнади ва бу Совет Иттифоқи қулашининг тезлашишига олиб борди. Шундай қилиб, Америка ўзининг икки стратегик душманини бир-бири билан овора қилиб қўйди ва улар ҳолдан тойиб, бошқарувда Американинг ўзи ёлғиз қолгунига қадар парда ортидан туриб улар ўртасида уруш оловини ёқди.

Шу ўринда мусулмонлар ҳукмдорларининг ушбу жаҳаннамий режада Америкага хизмат кўрсатиш учун ўйнашлари мумкин бўлган ифлос ролга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Улар Америка ва Европа давлатларига хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида Афғонистон, Косово, Босния, Герцеговина, Ироқ ва Сурияда куролли ташкилотларни тузишга ҳомийлик қилишди ва уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашди... сиёсий мақсадда бериладиган ифлос пуллар билан ёрдам кўрсатишди... шартлар асосида бериладиган куроллар билан таъминлашди... улар учун қизил линияларни ва мақсадларни белгилаб беришди... ҳатто динни бўйсундириб, уларга мос фатволарни чиқариб беришди.

Қудсул Арабий газетаси 2018 йил 27 мартда билдиришича, (Саудия валиаҳди Муҳаммад ибн Салмон Американинг «Вашингтон Пост» газетасига ўзининг мамлакатиде ваҳҳобийлик фикрининг тарқалиши совуқ уруш даврига бориб тақалишини фош этди. Унга кўра, ўша пайтда иттифоқчи давлатлар Ислом олами давлатларига Совет Иттифоқининг кириб келишига йўл қўймаслик

учун Саудиядан ўз маблағларини ишга солишни талаб қилишган)... Америка айти шу ўйинни яна такрорлаши мумкинми?

Агар Америка айти шу режа бўйича юрса, кўпроқ эҳтимолга кўра, ўзини Хитойга қарши мусулмонлар билан бирга қилиб кўрсатади ва халқаро форумларда Хитойга қарши мусулмонлар билан бирга туради. Оммавий ахборот воситалари Американи мусулмонларнинг химоячиси сифатида кўрсатади. Мусулмонлар юртларидаги ёлланган ҳамда бошқарув режимларига қарам бўлган оммавий ахборот воситалари ҳам бу масалада Ғарб оммавий ахборот воситаларига эргашади. Бу оммавий ахборот воситалари ва сунъий йўлдош каналларининг одатидир ва уларнинг мавжуд бўлиб туришининг сабаби ҳам шудир. Улар Ислому юртларидаги ҳукмдорларга ва Ғарб ҳукмдорларига хизмат қилишади. Медиа индустрияси худди фильм тайёрлашга ўхшайди. Унинг хабарлари ҳақиқатларни бузиб кўрсатишга, сохта қаҳрамонларни ва хоинларни яратишга асосланади. Уларнинг ўртасидаги фарқ шундаки, фильмдаги воқеалар хаёлий, курбонлари сохта бўлади. Аммо медиа соҳасига келсак, ҳодисалар воқеий ва фожиалар ҳақиқий бўлади. Биз режалаштириш бундан бошқача бўлмайди деб тахмин қиламиз. Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари коронавирус масаласида ўзларининг макрли ўйинларини анча эрта бошлашди. Биз мусулмонларни мойил қилишга қаратилган мақолалар ёзилиб, хабарлар тарқатилганига гувоҳ бўлдик. Мисол учун, коронавирусга қарши курашда Ислому таълимотларининг қўшган ҳиссаси макталди ҳамда Росуллуллох ﷺнинг бундан 1400 йил олдин карантинни қўллашга ва мусулмонларни кундалик шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишга буюрганлари ҳақида мақолалар ёзилди... Ғарбдаги мусулмон шифокорларнинг коронавирусга қарши курашда олдинги сафда туриб, фидокорлик кўрсатганларига эътибор тортилди... Трамп марокашлик олим Мунсиф Муҳаммад Салойни вирусга қарши самарали вакцина ишлаб чиқиш саъй-ҳаракатлари бўйича етакчи маслаҳатчи этиб тайинлади... Франция президенти Макрон коронавирусга қарши дори воситаси устида ишлаётган профессор Дидя Раул олдига ташриф буюрганида, у билан ишлаётган тадқиқотчи гуруҳ аъзоларининг араб ва Африка мамлакатларига мансублигини кўриб жуда ҳайратга тушди. Бу гуруҳ аъзолари Франциянинг собиқ мустамлакалари бўлган, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливан, Мали, Буркина-Фасо ва Сенегал каби мамлакатлардан эди... Буларнинг барчаси Трампнинг янги режасига қаратилган бўлиб,

унинг бу режаси ушбу янги курашда мусулмонларни ўз сафига жалб қилишни ўз ичига олган бўлиши ҳам мумкин.

**Эй мусулмонлар:** Бизга келаётган нарса хавфлидир. Агар биз Америка ва Фарбнинг янги режаларидан огоҳ бўлмасак, у бизни янада ёмон аҳволга олиб келади. Биз халқаро кураш даражасида бўлмоғимиз ва уни ўз фойдамизга юргизмоғимиз лозим. Ушбу халқаро кураш биздан ўзи истаганини олиши учун бизни юргизмаслиги керак. Барчамиз биламизки, фожиаларимиз фақат Халифалик давлатини барпо этиш ва ҳаётимизда Аллоҳнинг шариатини ҳукмрон қилиш билангина тўхтайтиди... Марҳаматли Пайғамбаримиз Мадинада давлатни барпо қилгунларига қадар Маккада қилган иш мана шудир. Зеро, мусулмонларнинг воқелиги Мадинада Маккадаги ҳолатдан бутунлай ўзгарди. Ундан кейин мусулмонлар Халифалик қулатилганига қадар ўн уч аср давомида дунёга саййидлик қилдилар. Мусулмонларнинг йўқотилган азизлиги фақат Халифалик барпо бўлиши билангина қайта тикланади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ أَنْ يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا  
وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

*«Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида, мўминларнинг сўзи «эшитдик, бўйсундик», (демоқдир). Ана ўшаларгина нажот топгувчилардир»*

[Нур 51] □

## «АСР КЕЛИШУВИ»НИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Шайх Исом Ғоним

Биз ушбу мақолада фаластинликлар ва араб давлатлари билан яҳудий вужуди ўртасида тинчлик ўрнатиш учун тақдим этилган Америка режасининг маълум нуқталарига қуйидагича ойдинлик киритмоқчимиз:

1 – Трамп таклиф этган режага назар ташлаш.

2 – Бу режага нисбатан Фаластин маъмурияти ва араб давлатлари тутган позиция ҳамда бундан кейин араб давлатлари лигаси йиғилишига назар ташлаш.

3 – Ислом Уммати АҚШ режасига уч жиҳатдан қандай қарайди:

Биринчи: (Куфр миллати битта) тушунчасини мустаҳкамлаш.

Иккинчи: Ақсо масжиди масаласининг қалтислиги ва яҳудий вужудининг ҳалокатли хатолари.

Учинчи: Америка меъзони (баланси)да малайлар вазнининг энгиллиги.

4 – Режа яҳудий вужудининг хавфсизлик масаласига бағишланган.

5 – Яҳудийларга ва Америкага қарши Ислом асосида сафларни бирлаштириш.

Трамп 2020 йил 28 январда Нетаньяху билан бўлиб ўтган тантанали учрашувда баён қилган Америка режасининг воқелигига келсак, бу режада 1967 йили босиб олинган Ғарбий Қирғоқ ерларини яҳудий вужуди беш ўн йиллик давомида барпо қилган ноқонуний аҳоли пунктлари, йўллар ва ҳарбий базаларга асосан парчалаб ташлаш, шунингдек, Йорданиянинг пастки қисмларини ундан узиб қўйиш орқали Йордания билан бўлган чегараларини парчалаш кўзда тутилган. Ушбу режа бу ерлардан сунъий равишда кўприклар ва тоннеллар орқали боғланган ғоят кичик ерларни узиб қўйиб, уни географик жиҳатдан тарқоқ бўлакчаларга бўлиб ташлаши ҳам мумкин.

Ҳудуд жиҳатидан олиб қараганда, у яҳудий вужуди ичидаги «давлат» бўлиб, унинг Йорданияга ўтиш йўлларини яҳудий вужуди назорат қилади. Бу давлат на портга ва на аэропортга эга. У Ғазода ўзи учун порт ва кичик самолётлар учун аэропорт куриш имконига эга бўлишига қарамай, Асдуд ва Ҳайфадаги яҳудий вужуди портларидан фойдаланади. Яъни, у Осло келишувидагига нисбатан, яъни, автономия деб номланиб, у учун порт ва аэропорт бўлган пайтдагига нисбатан жуда ҳам оз ўтиш йўлларига эга бўлади.

Қурол жиҳатидан олиб қараганда, у тўлиқ қуролсизлантирилган давлат бўлиб, бу давлатда фақат икки йўналишдагина хавфсизлик фаолиятига рухсат берилади. Биринчиси рухсат берилган йўналиш бўлиб, у ички хавфсизлик (полиция) масалаларидир. Иккинчиси шартли йўналиш бўлиб, у яхудий вужуди хавфсизлигини сақлашдир. Америка режасида аниқ ва қатъий таъкидланадики, Америка ва яхудий вужуди томонидан бу давлат эътироф этилиши учун, у Ҳамас ва Жиход ҳаракатини ҳамда бошқа қуролли ташкилотларни тўрт йил ичида тўлиқ қуролсизлантириши ҳамда бу жараён ташқи кузатувчилар назорати остида амалга ошиши керак.

Ҳаво ва денгиз бошқаруви жиҳатидан олиб қараганда, бошқарув тўлиқ яхудий вужудиникидир. Фақат бугина эмас, балки, яхудий вужуди у ерда куруқлик бошқарувига ҳам эга. Режада кўрсатилишича, яхудий вужуди армияси ва унинг хавфсизлик хизматлари «Келажақдаги Фаластин давлати» ерларида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлади. Аммо бу янги давлатнинг сувни назорат қилишига келсак, регионал деб номланган сув яхудий вужуди ва унинг хавфсизлиги учун қалтис бўлгани боис, ушбу янги давлатга сув қолдирилмайди.

Пойтахтга келсак, Араб давлатлари тинчлик режасига ҳамда Хавфсизлик кенгашининг қарорларига мувофиқ Озодлик ташкилоти ва итоаткор Араб давлатлари Шарқий Қуддусни пойтахт деб эълон қилишган эди. Қуддусдан бўлиб олинган бу қисм яхудий вужудининг тўлиқ назорати остида бўлади. Америка режасида Қуддус яхудий вужудининг бўлинмас пойтахти, деб аталган. «Келажақдаги Фаластин давлати»нинг пойтахти Абу Дийс, Кафр Ақоб ва Шафотнинг шарқий қисмида жойлашиши мумкин. Буларнинг барчаси девор ташқарисида жойлашган. Америка режасида фаластинликларнинг «пойтахт» қилинган ушбу қисмни Қуддус номи билан ёки ўзлари танлаган бошқа ном билан аташларига рухсат берилган.

Ақсо масжидига келсак, Америка режаси уни «маъбад тоғи» деб номлаган. Масжид – Иорданиянинг ундаги мақоми сақлаб қолиниши шarti билан – яхудийлар хавфсизлик кучлари назорати остида бўлади ва унда ҳамманинг ибодат қилишига рухсат берилади. Биринчи навбатда яхудийлар уни ўзларининг тахминий ибодатхоналарига айлантиришади. Шунингдек, яхудий вужуди маълум турдаги мусулмонларнинг ўз вақтларида (намоз вақтларида) у ерда намоз ўқишларига рухсат бериш мажбуриятини олади. Бу турдаги мусулмонлар «тинчлик билан келган

мусулмонлар»дир. Аммо, яҳудий вужуди томонидан тартибсизлик қўзғовчилар деб ҳисобланган шахслар, масалан, мавъиза қилган ва дарс берганлар масжидга киритилмайди. Аммо ўз вақтларида дегани, мусулмонларга намоз вақтида намоз ўқишга рухсат берилишини англатади. Сўнг улар майдонни яҳудийлар ибодат қилиши учун бўшатиб берадилар. Бу – мусулмонларнинг шанба куни масжидга киришлари тақиқланишини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Шундай қилиб, қатъий айтиш мумкинки, Америка режасида тақдим этилган «келажакдаги Фаластин давлати» давлат эмас ва у давлат тушунчасига ҳам яқин келмайди. Аммо унинг аҳолини ва уларнинг фуқаролик ишларини ҳамда хавфсизлик масалаларини идора қилишига келсак, бу муниципал масалалардир. Ташқаридаги элчихоналарга келсак, улар Озодлик ташкилоти ваколатхоналари сифатида Америка режасидан, қолаверса, Осло келишувидан олдин ҳам мавжуд эди. Уларнинг элчихона деб аталиши аҳамиятсиздир. Чунки ташқи алоқаларнинг барчаси суверен (мустақил) алоқалар эмас. Шунинг учун бу маъмурият ёки «давлат» келажакда ҳеч қандай давлат билан иттифоқ тузиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Модомики, у ўз ери ва ўтиш йўллариини бошқармас экан, у ҳақда «ўз ташқи алоқаларининг эгаси эмас», деб айтиш тўғрироқдир.

Шу маънода «таклиф қилинган Фаластин давлати» мутлақо давлат эмас, балки, у чекланган ва ҳатто кенгайтирилмаган автономиядир. Американинг Фаластиндаги ечим ҳақидаги кўз-қараши ва жинойтчи Трамп тақдим этган режа мана шудир.

Фаластин маъмуриятининг АҚШ режасига нисбатан тутган позициясига келсак, Аббос режани рад этишга шошилди ҳамда Ҳамас ва араб давлатларини ҳам рад этишга ундади. У шундай деди: «Биз жудоликка рози бўлдик, жудолик биздан рози бўлмади», «Биз уларга Фаластиннинг 80 фоизини бердик, бироқ, қолган 40 фоизи ҳам уларга керак бўляпти». Аббос Араб Давлатлари Лигаси йиғилишида: «Тарих мени Қуддусни сотган, деб қайд этишини истамайман» – деди. Бизга маълумки, 1995 йили бўлиб ўтган Йоси Бейлин-Абу Мозин келишуви ҳужжатида Абу Дийс ва Азарийя каби муқаддас жойларнинг Ватиканга ўхшаган пойтахт бўлиши, давлатнинг қуролсизлантирилган бўлиши, аҳоли пунктларининг қандай бўлса шундайлигича қолдирилиши ва буларнинг барчаси, албатта, яҳудийлар ҳукмронлиги остида бўлиши кўрсатилган. Ўша пайтда Аббос бош музокарачи ва Озодлик ташкилотининг ташқи алоқалар раҳбари бўлган. Шу

маънода, Аббоснинг хиёвати қатъийдир. У хиёнатга розигина эмас, балки, унинг ташаббускоридир. Шунинг учун, у эълон қилган позициялар ҳамда муносабатларнинг, айниқса, хавфсизлик масалаларини мувофиқлаштиришнинг тўхтатилиши куруқ гап бўлиб, уни билган одам унга рози бўлмайди. Демакки, хиёнат Аббоснинг хусусиятидир.

Араб давлатларига келсак, уларнинг ҳукмдорлари Озодлик Ташкилотига тегишли бўлган айни ўша хиёнат тизимидандир. Бу ҳукмдорларнинг яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш учун сўлаги оқади. Кўрфазнинг учта давлати элчилари Трампнинг режаси ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган ҳолда, уни эълон қилиш учун уюштирилган тантанали йиғилишда иштирок этишди. Бу шу даражада хавфлики, улар ўз тахтларини сақлаб қолишда ҳамда ўз халқларидан ҳимояланишда Америкага эҳтиёжи кучли бўлганлиги туфайли ҳеч нарса ёзилмаган оқ қоғозда ҳам Американи кўллаб-қувватлашади. Трамп «улар Американинг ҳимоясиз ҳокимиятни икки ҳафта ҳам ушлаб қолишолмайди», деб айтиб уларни кўп ҳақорат қилган. Бу ғоят аниқ тавсиф ва очиқ манзарадир. Мисол учун Америка Россияни ҳамда Эрон ва унинг кўнгилли лашкарларини ишга солиб, Башар Асадни қандай ҳимоя қилганига... Туркия ва Саудияни долларларни ишга солиб, гуруҳларни жиловлашга ундаганига... гувоҳ бўлган ҳукмдорлар ўзларини сақлаб қолишда Америкага таянадилар. Ҳукмдорлар «бизни халқимиздан фақат Америка кутқаради» деб билишади. Чунки улар ўз халқларини душман, Американи эса, дўст деб билишади. Араб Давлатлари Лигасининг Америка режасини рад этишига келсак, бу маҳаллий истеъмолда қўлланадиган куруқ гапдан бошқа нарса эмас. Қолаверса, бу давлатларнинг барчаси Озодлик ташкилотини яҳудийлар билан музокара қилиб, «уни ҳал қилиб, бизни кутқаринглар», деган маънодаги мақбул ечимга келишига чақириб келишади. Чунки бу давлатларни кўпроқ ўз халқларининг уларга қарши кўзғалиши ҳамда Америка уларнинг бўйнига қадалиб турадиган қилич қилиб ўрнатиб қўйган Эрон хавфи ташвишга солади.

Америка террор каторига қўшган Ислом Умматига келсак, у бу режани албатта рад этади. Умматнинг Америка ва яҳудийларга душманлик қилишига оқил одам шубҳа қилмайди. Бугун исломий ҳолат Умматдаги энг кўзга кўринган хусусиятидир. Уммат қачон бош кўтарса, Америка ҳукмдорларни Умматга зулми кучайтиришга ундамоқда. Бугунги кунда Уммат Кэмп-Дэвид, Водий Араба ва Осло келишувлари пайтидаги Уммат эмас. Балки



Умнат кескин ўзгарди, масалан, унинг тирик эканлиги, Исломининг ҳаётлиги ўзининг энг яхши белгиларини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ҳукмдорларни рад этишга, яҳудий вужудини рад этишга, шунингдек, Америка ва Ғарбни ва уларнинг Ислом юртларига ҳукмронлик қилишларини рад этишга Умнатни тўлқинлантирган нарса аини шу ҳаётлиқдир. Умнатдаги ушбу ҳаётлиқ ва ушбу шиддат тўхтовсиз кучаймоқда ҳамда ўзи билан бирга Умнатни ўз динига қайтишнинг ва душманларни рад этишнинг энг юқори даражасига кўчирмоқда. Булар давомида Умнат кўплаб ниқобларни очиб ташлади. Масалан, Башар Асад ва Россия Маарратун Нўмонни эгаллаб, Идлибга ёриб кира олиши учун кўзғолончиларни Суриядан Ливияга кўчирган Эрдоғаннинг башарасини очди. Айниқса, Эрон ва унинг асосий қаршилик кўрсатувчи кучлари Сулаймоний ўлдирилиши масаласида жавоб қайтаришга заифлик қилганига Умнат гувоҳ бўлгач, Эрон ҳукмдорларининг бошқа ҳукмдорларга ўхшашини тушуниб етди.

Шуни таъкидлаш керакки, Америка бугунги кунда мусулмонларни масжидул Ақсодан маҳрум қилишни, уларнинг у ерда намоз ўқишини тартибга солишни, намоздан олдин уларнинг «яхши хулқларни намойиш қилиш» тартибига бўйсундиришни, тахминий ибодатхона номи остида масжидни яҳудийларга топширишни ва – худди қассоб курбонликка тайёрланган ҳайвонни жиноятчига чиқарганидек – мусулмонларни айблаб, қолган ерлардан ҳам маҳрум қилишни истамоқда. Қочоқлар масаласида, Америка режасида фаластинлик қочқинларни Бангладеш, Малайзия ва Чадга жойлаштириш талаб қилинмоқда. Бундай талабга яҳудий вужудининг Ислом ерларидан келган яҳудий қочоқларни қабул қилгани асос қилинмоқда. Албатта, бу ғалаёнга келиш ҳолатини кучайтиради. Аллоҳнинг изни ила, яҳудий вужуди ва Америка режасига қарши, қолаверса, Америка ва бугун Ғарбга қарши Умнатнинг туйғуларини жўштиради. Зеро, яҳудий вужудини Умнатнинг танасига санчилган ханжар қилиб ўрнатган мана шу Ғарбдир.

Бу нарса Ислом Умнатини сезиларли даражада бирлаштирмоқда. Чунки у кўпчилик одамларни исломий лойиҳани қабул қилишга ундамоқда. Айниқса, одамлар Трамп ва Нетаньяхунинг ўз мурожаатларида аслик таврот ва инжилдадир, дейишаётганига, Умнат билан эса, Қуръони ва илдизи йўқ умнатдек муомалада бўлишаётганига гувоҳ бўлишаётган экан, шунингдек, улар ўз кўзлари билан яҳудий вужудининг манфур қилмишларини, бу вужуддаги ўнг қанот партияларнинг

ҳукуматдаги таъсири кучайиб бораётганини, уларнинг бутун дунёдаги 2 миллиард мусулмон наздида муқаддас саналган даргоҳнинг учинчиси бўлган Ақсо масжидига ҳужум қилиб, у ердаги намозхонларга тажовуз қилиш орқали мусулмонларни провокация қилишаётганини кўриб туришган экан, буларнинг барчаси Ислом Умматига туртки бўлиб, уни Америка режасини бошқа асосларга таянмасдан фақат дин ва ақида асосида рад қилишга ундамоғи лозим. Зеро, «Хавфсизлик Кенгаши қарорлари», «Халқаро қонунчилик» ва булардан бошқа атамалар йўқолди. Уларнинг ўрнини шаръий аҳкомлар ҳамда мусулмонлар азизлиги, Ақсо, Фаластин ва муборак замин муқаддаслиги ва кофирларнинг динга душманлиги ҳақидаги тушунчалар эгаллади. Бу эса, ушбу тўғри тушунчалар атрофида Умматни бирлаштириш учун имкониятдир.

Хукмдорларга келсак, Америка режаси шуни кўрсатдики, Америка уларни салмоқли деб ҳисобламайди, халқлар олдида уларнинг обрўсини сақлаб қолишга мутлақо ҳаракат қилмайди. Шунинг учун уларга ҳеч нарса бермайди. Трамп яҳудийлар хавфсизлиги учун қайғуришини ва уларнинг хавфсизлигини издан чиқарадиган бирор нарсани улардан талаб қилмаслигини очик билдирди. Аммо Аббосга ва унинг 1988 йилдан бери музокаралар олиб борганига ҳамда араб давлатлари хукмдорларига келсак, Трампнинг зеҳниятида улар ҳеч қандай вазнга эга эмас. Яҳудийлар ҳам ушбу хукмдорлар ва Озодлик Ташкилоти етакчиларининг обрўсини сақлаб қолиш учун бирор қарич ердан воз кечишмайди. Аксинча, улардан ўзларига яна ҳам кўпроқ хизмат кўрсатишни талаб қилишади. Яҳудийлар армияси зобитларидан бир қанчаси Нетаньяхуни огоҳлантириб, Американинг ушбу режасига зиён етказиб қўймаслик лозимлигини, Иордан водийси «Исроил» учун стратегик аҳамиятга эга бўлгани боис уни албатта аннексия қилиниши кераклигини айтишди. Булар яҳудий оммавий ахборот воситаларида очик эълон қилинди, улардан баъзилари эса, Иордания қиролини хижолатга солиб қўймасликни талаб ҳам қилишди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Американинг хавфсизлик масаласидаги қарашлари яҳудий вужуди қарашлари билан бир хил бўлгани сабабли, у аини режанинг хавфсизлигини таъминлашда Фаластин хавфсизлик хизмати етакчиларига ишонмайди, Америка уларнинг садоқат билан хизмат қилишларини тажрибасида синаб кўрган бўлса ҳам, барибир ишонмайди. Қолаверса, у таклиф қилинган Фаластин давлати ичкарасида яҳудий вужуди армияси ва

хавфсизлик кучларининг эркин ҳаракат қилишини истайди. Шубҳасизки, улар Эронга ўхшаган давлат келиб Фаластин давлатида ракеталар ўрнатиши мумкинлигидан хавфсирашмайди. Чунки ўтиш йўллари ва портларни яҳудийлар назорат қилади. Лекин, Ғазода юз берган ҳолат яна такрорланишидан хавфсирашади. Чунки, Ғазода гуруҳлар энгил ракета имкониятларини яратишга муваффақ бўлишган эди. Яҳудий вужуди бунга тоқат қилолмайди. Чунки у ўргамчик тўридан ҳам заифдир. Иордан водийсини қўшиб олишдаги энг муҳим масала шуки, унинг қўшиб олиниши Фаластин давлатини қўшнилар билан чегарадош ерлардан маҳрум қилади. Бу билан Фаластин давлати учун таянч қолмайди. Фақат бугина эмас, яҳудий вужуди ўзининг аниқ заволга юз тутишини, агарда унинг вужудини сақлаб қоладиган араб давлатлари бўлмаса минтақада чўкиб йўқ бўлиб кетишини билади. Шунинг учун мусулмонларнинг келгуси ҳужумларини тўса оламан деган гумонда Иордан водийсига чирмашмоқда. У жангнинг тўғридан-тўғри Тель-Авив атрофида эмас, балки, водийда бўлишини истамоқда. Бу унинг ўзининг илдизи билан қўпориб ташланишидан қўрқаётганига далолат қилади. Биз водийнинг яҳудий вужуди учун стратегик мудофаа таянчи бўла олмаслигини, келгуси фатҳларимиз Фаластиндан ҳам катта ерларни қамраб олажагини биламиз. Шу боис, мусулмонлар билан суҳбатлашган пайтимизда яҳудий вужудининг заифлигига эътиборни тортмоғимиз лозим.

Яҳудийлар етакчилари ўз ҳисоботларида армияларининг амалий жангга киришга қодир эмаслигини айтишмоқда. Фаластин аҳли ҳам кўп ҳолатларда яҳудийларнинг қўрқоқлигини ва унинг аскарлари хатар пайтида қочиб кетишини билди. Агар ушбу амалий тушунчаларни мусулмонлар орасида кучайтирсак, улар Фаластинни озод этиш осонлигига ишонганлари учун уларни Трамп келишувини рад этишлари ҳам кучаяди. Бирок, Фаластинни озод қилиш учун яҳудийларни ҳимоя қилаётган давлатлар, қолаверса, Иордания каби яҳудий вужудини араблар ҳужумидан тўсиш мақсадида барпо қилинган зарарқунанда режимлар йўқ қилиниши лозим. Ушбу амалий тушунчалар одамлар руҳиятига ва уларнинг ўлчовларига таъсир қилади. Чунки Фаластинни озод қилиш жанги учун олти кун керак бўлиши ҳам мумкин. Яҳудийлар ўзларининг ҳарбий аэропортлари ва ядровий қурооллар жойлашган базалари курсовда қолганини кўришгач, бу уларга хавф туғдиради. Шунинг учун бу ҳолат фатҳ армиясига уларнинг таслим бўлишларини тезлаштиради.

Ва ниҳоят, музокаралар орқали, ҳатто бу йўлда юз йил юрилса ҳам бирор қарич ер, Ақсо ва Қуддус қайтариб олинмаслиги фош бўлди. Озодлик Ташкилоти бу йўлда 30 йил юрди. Трамп ўз режасини таврот ва инжил асосида тақдим этди. Шундай экан, мусулмонларни ўз Қуръони ва динига қайтишларидан, позициялари битта бўлишидан, «Трамп режасига ҳам, музокараларга ҳам йўл бермаймиз» деб, тинчликни ва тинчлик ечимини айтганларнинг барчасини рад этишларидан нима тўсаяпти?! Умнат етмишинчи йилларда шундай бўлган эди. Бироқ, бу сафар сулҳни ва тинчликни рад этиш Қуръон бизга кўрсатган шаръий ҳукм асосида бўлмоғи лозим. Кофирлар бизга қарши «яхудийлик давлати», «ваъда қилинган ер», «тарихий диний ҳуқуқ», таврот ва инжил номи остида курашаётган пайтда, нега биз ўз динимизни ва Парвардигоримиз китобини маҳкам ушламаслигимиз керак?!

Умнатнинг ушбу режани ва ҳар қандай музокараларни рад этиши Ислом асосида бўлган пайтда, ҳақиқий тошқин кўтарилади. Биз исломий ҳаракатлардаги биродарларимизга шундай деймиз: Куппа-кундузи, очикчасига музокараларга ва тинчлик ечимига чақираётган ҳамда Фаластин ерининг 80 фоизини сотиб юборган Озодлик Ташкилоти билан нега сулҳ тузмокдасиз?! Яхудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш ва сулҳ тузиш сари интилаётган, Парвардигорингиз китобини муҳим деб билмаган араб давлатлари, хусусан, Миср ва Қатар билан нега келишмокдасиз?! Бизнинг Ислом асосида Америка режасини рад этишимиз ҳақ билан ботил ўртасини ажратувчи чегара бўлмоғи лозим. Чунки, Умнат дипломатик сўзлардан, илтифотлардан, ортга суришлардан ва анавилар ҳақида яхши гумон қилинишидан тўйди. Шундай экан, қадамимизни тезлатиб, фикрларимизни ифодалайлик, акс ҳолда кофирлар Ақсони ўзларининг тахминий ибодатхоналарига айлантириш учун таврот ва инжилларини очик кўтариб чиқишади. Агар биз Қуръонни кўтариб чиқсак «террорчилар» деб айтишади. Улар нима деса дейишсин, биз уларнинг йўлидан юз ўгириб, Парвардигоримиз йўлига юрайлик ва бу йўлда сафларимизни бирлаштирайлик. Бу йўл Парвардигорни рози қиладиган ва фақат битта жамоагина эмас, балки, бутун Умнат унга эргашиши керак бўлган йўлдир. Умнат кофирлар оёғи остида ҳуқуқлар поймол қилинаётган айни шу пайтда баландпарвоз хитоблардан тўйди. У уни қўлидан тутиб, тўғри йўлга бошлайдиган йўлбошчини кутмоқда. □

## ХУДАЙБИЯ СУЛҲИ... МАБДАИЙ САБОТ ВА РАҲБАРЛИК МАҲОРАТИ

Устоз Рамзий Рожих – Яман

«Худайбия сулҳи» шундай позиция бўлган эдики, у бошидаёқ саҳобаи киромларда турли саволларни пайдо қилди. Улар Пайғамбаримизнинг ушбу сулҳга нима учун рози бўлганига ҳайрон бўлишган эди. Лекин ушбу позициядан кейин бўлиб ўтган ҳодисалар Пайғамбаримиз саҳобаларга катта дарс берганини очиб берди. Бошқача айтганда, бу позиция уларга исломий даъватни етказиш йўлида «Мабдаий сабот ва раҳбарлик маҳорати»нинг қанчалик аҳамиятли эканини кўрсатди. Шунингдек, бу позиция улар учун узоқ муддатли ҳимояни пайдо қилдики, натижада уларни адашганлар фитнасининг ва кофирлар билан тил бириктирган бузуқилар таъвилининг ёмонлигидан сақлади.

Ҳа, айрим саҳобалар ﷺ ўзларининг раҳбарлари бўлмиш Росулulloҳ ﷺ Худайбия сулҳига киришган чоғидаёқ турли саволларни ўртага ташлашди. Лекин Росулulloҳ ﷺнинг раддияси битта бўлди, у ҳам бўлса, у киши:

«إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ وَلَنْ يُّضِيعَنِي»

«Албатта мен Аллоҳнинг бандасиман, ва у зот мени (ёрдамсиз) ташлаб қўймайди» деди. Натижада, улар ҳабибимиз Муҳаммад ﷺнинг буйруғига рози бўлиб жавоб беришди. Уларнинг туйғулари Фатҳ сураси нозил бўлиши билан шод бўлди. Шундан сўнг Худайбия сулҳи уларнинг динлари борасида ноҳўя ҳаракат бўлмагани кўринди. Бу мустаҳкам позиция ва мабдаий ҳукмронлик бўлгани учун уқоб (бургут) номли ўз байроғига эга вужудни пайдо қилди. Бургутнинг қанчалик жасур қушлиги барчага маълум. Шунда ақлли мусулмонлар Бадр, Уҳуд, Аҳзоб ва бошқа урушларда тинкаси қуриган Қурайшнинг заифлиги ва чорасизлигини фош қилишди. Буюк раҳбар бўлмиш Росулulloҳ ﷺ бу нарсани ўзининг чуқур, кенг ва ўткир дунёқараши билан сулҳ ва музокаралар бўлишидан олдин билган эдилар. Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺнинг фаросати туфайли Қурайш сулҳда хорланган ҳолларида чекинишди. Росулulloҳ ﷺ Қурайшнинг бўшашган ҳолатидан моҳирлик ва удабуронлик билан фойдаландилар. Зеро, у киши Қурайшнинг мусулмонларга қарши ғаламислик қилишига йўл бермаслик учун араб қабилаларига ўзини ҳаж ва умрани адо этиш учун кетаётган қилиб кўрсатган эдилар. Шунинг учун Қурайш олдида уч эҳтимол қолган эди!!

Биринчи эҳтимол: Қурайш Росулulloҳ ﷺ ва мусулмонларга ҳаж ва умра қилиш учун Маккага киришга рухсат беради. Бундай ҳолатда Қурайш ўзининг ички сиёсати мусулмонлар фойдасига қалқилини билади. Иккинчи эҳтимол: Қурайш Росулulloҳга қарши уруш эълон қилади. Лекин бунда Қурайш икки томонлама ютқазади: Биринчиси: Араб қабилалари олдида Қурайшнинг ҳужжати заиф бўлиб қолади. Чунки улар Макканинг барча наздидаги муқаддаслигига бўлган ишончи сабабли Қурайшга ёрдам беришдан бош тортади. Иккинчиси: Қурайш Бадр, Уҳуд ва Аҳзоб жангларида тинкаси қуриб, қаҳрамонлари ўлиб кетган эди. Аммо учинчи эҳтимол: «Росулulloҳ ﷺ билан сулҳ тузиш» бўлиб, Қурайш қаршисида мана шу учинчи эҳтимолни қабул қилишдан бошқа илож йўқ эди. Лекин бу сулҳ Аллоҳ элчисининг раҳбарлик маҳорати босими туфайли Қурайш мажбур қабул қилаётган сулҳ эди. Зеро, Росулulloҳ ﷺ ўз фаросати орқали Қурайшдаги заиф аҳволни кўриб турган эдилар!! Росулulloҳ ﷺ шундай қилиб ўз маҳорати билан Қурайшнинг ҳолатидан фойдаландилар. Шунингдек, барча эҳтимолларни исломий давлатнинг ташқи сиёсати манфаатига юрадиган қилдилар. Қуйида ушбу манфаатларни келтириб ўтамыз:

– Араб ярим оролининг ичкараси ва ташқарисидаги қабила ва давлатлар раҳбарларига мактуб йўллаш учун вақт ажратиш ва исломий даъват муҳитини яратиш...

– Исламий даъват вужудига хатар туғдираётган бошқа кучли қабилаларнинг шавкатини синдириш учун тайёрланиш. Улар араб ярим ороли ичида Хайбар ва Тоиф бўлса, ташқарида Рим империяси эди...

– Росулulloҳ ﷺнинг Қурайш билан сулҳ тузиш орқали унинг бошқалар билан иттифоқ тузишига йўл бермасликка эришиш. Бу сулҳ ҳақиқатда бошқа кучли қабилаларни кўрkitиб қўйди. Чунки улар улкан тош остига боши қисилиб, у ердан бошини суғуриб ололмаётган илонга ўхшаб қолишган эди. Илоннинг боши Қурайш бўлса, қолган қисми бошқа қабилалар бўлиб, тош исломий давлат эди... Росулulloҳ ﷺ мабдадан чекинмаган ва ўз динида паст кетмаган маҳорат билан куфр кучларига бирин-кетин зарба бердилар. Аллоҳнинг фазли ҳамда мўминларнинг ўз етакчилари бўлмиш Росулulloҳ ﷺга бўлган ишончлари туфайли ғалабалар рўёбга чиқди. Ушбу буюк ҳодиса, яъни Худайбия сулҳидан кейин Аллоҳ очик фатҳ деб номлаган воқеа содир бўлди. Лекин афсуски кўпчилик мусулмонлар бугун бу сулҳни куфр кучлари билан келишиш ва Ислom мабдасидан чекиниш бўлган, деб

тушунишмоқда. Шунингдек, уни Америка ҳамда муборак Фаластин ерини босиб олган яҳудий вужудида ўз аксини топган куфр кучлари билан кун сайин тузишаётган иттифоқ ва чекинишларга далил қилишмоқда. Сўнгра уни раҳбарлик маҳорати ва позициянинг мустаҳкамлиги дея аташмоқда. Улар Ислом мабдаси қийматлари ва ҳукмларидан чекинар эканлар, бу – Аллоҳ тарафидан, дейишмоқда. Ҳолбуки, Пайғамбаримиз бирорта ҳам шаръий ҳукмдан чекинган эмас, бундан Аллоҳ сақласин. Аммо Ислом низомидан бош тортган ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларида куфр билан ҳукм юритишга руҳсат берган ва динни давлатдан ажратган демократик илмоний низом билан бошқарган кишилар ҳақида нима дейиш мумкин?! Улар мана шу замондаги хоин ва аҳмоқ ҳокимлардан иборат малай ва жиноятчи раҳбарлардир. Улар якка тартибдами ёки партия шаклидами фарқсиз, кўрлар каби итоат қилган ҳолда ва адашиб, кофирларга қўл беришди. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿وَمَثَلِ الَّذِينَ كَفَرُوا كَمَثَلِ الَّذِي يَنْعُقُ بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءَ وَنِدَاءَ صُمُّ بُكُمْ عُمَىٰ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ﴾

*«Куфр йўлидаги кимсаларнинг мисоли худди фақат овози ва чақириқни эшитадиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисolidир. Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар»*[Бақар  
Уларнинг аҳволлари қайтиш кунда Аллоҳ айтганидек бўлади:

﴿وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكُبَرَاءَنَا فَأَضَلُّونَا السَّبِيلًا﴾

*«Парвардигоро, дарҳақиқат бизлар бошлиқларимизга ва катталаримизга бўйсундик, бас улар бизларни (тўғри) йўлдан оздирдилар, дедилар»* [Аҳзоб 67]

Огоҳ бўлингки, ҳисоб-китоб кунда пушаймонлик фойда бермайди ёки одамлар итоат этган хоин ҳоким ёрдам бермайди.

Эй мусулмонлар, Ислом давлатини (Халифаликни) тиклашда исломий мабда йўлини тутган холис кишилар билан бирга ҳаракат қилмайсизми? Армиядаги куч ва қувват аҳли билан бирга халифага байъат қилмайсизми. Зеро, халифа мусулмонларни буюк Ислом низоми билан бошқаради, унда мабдай сабот ва раҳбарлик маҳорати мужассамлашади ҳамда Росулulloҳ ﷺ қилганидек, кофирлар ва Фаластин ерини босиб олган нажас яҳудийларга зарба беради. Мабда ва раҳбарлик маҳорати шундай намоён бўлиши ва қўшинларингиз Аллоҳ розилигини истаган ҳолда ҳаракатга келиши лозим. Қўшинлар лаънати ажнабий мустамлакачи

давлатлар режаларини ижро этиш йўлида бир-бирини ўлдирадиган малай қўғирчоқ раҳбарлар каби бўлмаслиги лозим.

Эй мусулмонлар жамоаси, албатта куч-қудрат ва бахтингиз ўз қўлингизда ҳамда давлатингиз Халифалик давлатидир. Кофирларнинг пасткаш ва ўткинчи манфаатларини рўёбга чиқарадиган куфр мабдалари ҳақида фикрлашни бас қилинг. Чунки сизлар қаршисида барча мабдалар синадиган ҳамда барча рақиблилар парчаланадиган буюк ақида соҳибларисиз... Бу буюк исломий мабдай давлат бўлиб, у тикланган кун фоҳишабозлик уйлари, маст қилувчи ичимликлар сотиладиган дўконлар, яланғочлар юрадиган соҳиллар ёки Аллоҳдан бошқасига ибодат қилинадиган ибодатхоналар қолмайди... Бу Ислому давлати бўлиб, бутун ер юзига буюк Ислому олиб чиққан. Дарҳақиқат, анави хоин ҳокимларнинг даври чўзилиб кетди, уларни Аллоҳнинг ҳузурини қаттиқ азоб кутмоқда. Ҳабибимиз Муҳаммад ﷺ башорат қилганидек ва Аллоҳнинг изни билан уларни иккинчи Иломий Халифаликни барпо этиш учун ҳаракат қилаётганларнинг қўлида қаттиқ жазоланиш кутмоқда. Қаламлар кўтарилган ва саҳифалар қуриган... Инсоният учун Пайғамбаримиз ﷺнинг:

«مَنْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جِئْتُ بِهَا»

**«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади»**, деган ваъдасидан кейин бирор тушунтириш ёки гап бўлиши мумкин эмас. Бу гапни Аллоҳнинг Росули айтган, биз эса уни тасдиқлаймиз, амал қиламиз ва кутамиз. Эй мусулмонлар, Пайғамбарингиз ваъдасидан шодланинг ва амал қилинг... Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. □



**1919-1924 ЙИЛЛАР ҲИНДИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН ВА  
ХАЛИФАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН  
ХАЛИФАЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИК ХОТИРАСИДАН  
ОЛИНГАН САБОҚЛАР**

**Абдулфаттоҳ ибн Форук – Ҳиндистон**

Уммат бошдан кечирган энг катта мусибатлардан бири Халифаликнинг кулатилиши бўлиб, бу воқеа ҳижрий 1342 йил 28 ражаб, (милодий 1924 йил 3 март)да содир бўлган эди. Шу пайтдан бошлаб Аллоҳнинг шариатига амал қилиш тўхтади ва Куръон ҳукмлари жамиятда татбиқ этилмайдиган бўлди. Шу кундан бошлаб Уммат ўз ҳимоячисини йўқотди ва кофир мустамлакачилардан иборат бўриларга ўлжа бўлиб қолди. Лекин Халифалик парчаланганига қарши исломий оламнинг турли жойларида натижасиз кўзғолонлар бўлиб ўтди. Чунки мусулмонлар оламини Халифаликсиз ва Аллоҳнинг ҳукмларидан холи тарзда тасаввур қила олмас эдилар. Шунингдек, улар Халифалик ўрнини демократия ва илмонийлик эгаллашини хаёлларига келтира олмас эдилар. Бу кун мусулмонлар тарихида энг қора кун бўлди ва Халифалик парчаланишига қарши Умматнинг овози кўтарилди. Ўша овозларнинг энг кўзга кўрингани Ҳиндистон ярим оролидаги (Халифалик ҳаракати) бўлиб, уни ака-ука жаноб Муҳаммад Али Жавҳар ва жаноб Шавкат Алилар 1919 йилда ташкил қилишган эди. Улар ўша пайтда Британиянинг Усманий Халифаликни парчалаш тўғрисидаги режасини сезишган эди. Биз ушбу мақолада Умматнинг мана шу буюк ҳаракатдан олган сабоқлари ҳақида айтишни хоҳладик.

**а) Халифаликнинг фарзлиги:**

Халифалик Ислом асосларидан биридир. Мусулмонлар Ислом тарихининг 1400 йиллик вақти мобайнида Халифалик Исломдаги буюк фарз деб ҳамда Халифаликсиз яшаш Исломни урф-одат ва руҳий туйғуларга чеклаб кўяди деб тушунишди. Дарҳақиқат, Ҳиндистон ярим оролидаги мусулмон уламолар Халифалик Исломдаги асосий фарз деб ҳисоблашган. Шоҳ Валийюллоҳ Дехлавий (1703-1762) ушбу кўзга кўринган уламолардан бири бўлган эди. Турли мазҳаблардаги мусулмонлар у кишини ҳурмат билан тилга оладилар. Шоҳ Валийюллоҳнинг (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) машҳур ишларидан бири «Халифалик низомларининг сирини очиш» китоби бўлган эди. Зеро, Шоҳ Валийюллоҳ бу китобда Халифалик Исломда марказий масала эканини чуқур ёритган. Валийюллоҳ ушбу китобда Халифаликни шундай таърифлайди: «Халифалик диний илмларни тирилтириш

орқали динни тиклаш, Ислом рукнларини тиклаш, жиҳод қилиш ва унга алоқадор армияни тайёрлаш, жанг қилиш, ўлжаларни бўлиш, суд ишларини тиклаш, жазо чоралари, зулмларни кўриб чиқиш ва маъруфга буюриб, мунқардан қайтариш ҳамда бу ишларнинг барчасини Пайғамбаримизнинг вакили сифатида адо этиш учун умумий раҳбарликдир». Дарҳақиқат, Халифалик ҳаракатидаги кўзга кўринган аъзолар ва ташкилотчилар илм меросини Шоҳ Валийюллоҳ Дехлавийдан ҳамда жаноб Мавдудий каби муфаккир, сиёсатчи, ислохотчилардан ва сўфи ва салафийлардан ўрганишди.

### б) Исломда биродарлик:

Бугунги Вестфалия давлати андозаси бўйича вало ва баро (дўст ва душманлик) бир юртдаги ватандошлар ўртасида бўлади. Аммо Ислом ватанпарварлик чегараларидан анча юксак диндир ҳамда дўстликни Ислом фикрлари ва тушунчалари билан уйғунлаштиради. Бу ҳақида Пайғамбаримиз ﷺ шундай дейдилар:

«مَثَلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادِهِمْ وَتَرَاحِمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثَلُ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضْوٌ تَدَاعَى لَهُ سَائِرَ الْجَسَدِ بِالسَّهْرِ وَالْحَمَى»

«Мўминлар ўзаро дўстлик, раҳм-шафқат ва ҳамдардликда худди битта танага ўхшайдилар. Чунки тананинг бирор аъзосига шикаст етса, унинг бошқа жойларида ҳам бедорлик ва иситмани пайдо қилади». Бухорий ривояти. Бугун мусулмонлар бузук ватанпарварлик тушунчаси билан адашиб юрган бўлса, Халифалик битта ҳоким, яъни халифа сояси остида Исломдаги биродарликни гавдалантирган эди. Дехлида мусулмонларга қарши бўлган ҳужум Туркияда мусулмонларга бўлган ҳужумдан фарқ қилмайди. Мусулмонларда реакция бир хил бўлди. Аммо Росулulloҳ ﷺ Исломий Умматни битта танага ўхшатган экан, дин ва дунёдаги мусибатларга қарши реакция қандай бўлиши керак?! Дарҳақиқат, биринчи жаҳон уруши Усманий Халифаликка улкан зарарлар олиб келди. Натижада, мусулмон биродарларини қўллаб-қувватлаш учун Ҳиндистонда кўзғолон бўлди. Бу Исломда биродарлик борасидаги ҳақиқий тушунчанинг табиий инъикоси эди. Макка аслзодасининг Усманий Халифаликка қарши исён кўтаргани ҳақидаги хабар Ҳиндистонга етиб боргач, у ердаги биродарлар ушбу хабарни ёлғон деб ўйлаб, унга ишонишмади. Халифаликнинг бутун Ҳиндистон кенгаши ўз йиғилишида Ҳиндистон кўшинлари Туркияга қарши урушда Британия ҳукуматига хизмат қилишдан бош тортиши лозим, чунки мусулмон киши ўз биродарига қарши қурол кўтариши ҳаромдир, дея эълон қилди.

### **Исломий сиймони (ўзликни) асраш:**

Ҳиндистон Халифаликнинг бир қисми эди. Британия 1857 йили уни мустамлака қилиб олди. Шундан сўнг у ердаги мусулмонлар Британияга қарши исён кўтаришди. Аини пайтда у ерда Британияни қувиб чиқиш учун ватанпарварлик уюшмалари ташкил этилди. (Ҳиндистон Миллий Конгресси ўша уюшмаларнинг энг кўзга кўрингани бўлиб, 1885 йили ташкил топди. Британияга қарши бошланган ушбу икки фронтнинг ичида мусулмонлар Британияга қарши кўпроқ жанг қилишди. Чунки мусулмонлар Ҳиндистонни Ислом диёри ва Халифалик вилояти бўлиб қолишини исташар эди. Шунинг учун Ҳиндистон аҳли исломий ўзликни маҳкам ушлаб ва ортга қайтмай сабот билан турди. Дарҳақиқат, (Ҳиндистон Миллий Конгресси) ҳаракати ҳам Халифаликка чақираётганларни қўллаб-қувватлашди. Чунки улар мусулмонларнинг қўллаб-қувватловига эришиш ва уларнинг ўз миллий ҳаракатлари сари юргизишнинг ягона йўли мана шу деб ҳисоблашди. Мусулмонлар эса, Британия босқинчиларига қарши курашда ҳиндлар билан бирга фаолият қилишар экан, ўзларининг исломий ўзлиги ва Ислом тушунчаларидан воз кечишмади. Чунки ҳиндлар билан бўлган ҳамкорлик Исломга душман бўлмаган ғайримусулмонлар билан сиёсий иттифоқ тузиш ва дўстона алоқалар ўрнатиш жоиз, деган фатво асосида бўлган эди. Фатвода яна мусулмонларнинг етакчилиги кофир қўлида бўлмаслиги лозимлиги ҳақида таъкидланган эди.

### **Мусулмонларнинг Халифалик асосида бирлашиши:**

Турли мазҳаб вакилларида иборат мусулмонлар Халифалик ҳаракати аъзоларига айланишди. Жаноб (Абул Калом Озод) зоҳирия мазҳабидан бўлиб, бошқа усул уламолари билан бирга Халифаликни асраш учун курашга отланди. Бу уламолар фақат Халифалик орқалигина татбиқ этиш мумкин бўлган Аллоҳнинг ҳукмларини асраб қолишдек ҳаёт мамот масаласи учун келишмовчиликларини ташлашди. Яна бир кўзга кўринган олим, жаноб (Маҳмуд Ҳасан) Дюбандий мазҳабидан бўлиб, 1920 йил Мальта қамоқхонасидан қайтгач, Халифалик ҳаракатига қўшилди. Бу ерда яна бир кўзга кўринган аъзо бўлиб, машҳур «Фаранжий Маҳал» мадрасаси вакили жаноб (Абдулборийдир). Жаноб Абдулборий сўфилик мазҳабидан бўлиб, 1911 йили (Автар Прадеш)лик шериклари билан Туркия учун маблағ йиғишда иштирок этган эди. Шунингдек, у мана шу фаолиятдаги икки биродари (иккаласининг исми ҳам Али бўлган эди) боғланиб, шундан кейин ушбу Халифалик ҳаракатига аъзо бўлди. Халифалик

ҳаракатида (Амир Али) каби шиа мазҳаби уламолари ҳам иштирок этган. Зеро, улар келишмовчиликларни ташлаб, аҳли суннага қўшилишди ва ўзлари бош устига дея байъат қилишган Усманий Халифаликни асраб қолиш учун ҳаракат қилишди. Халифалик ҳаракати Ҳиндистон ярим ороли ва унинг аксар вилоятларида тарқалди. (Кирла) вилоятидан бўлган (Али Мислиёр) ҳам ҳаракатдаги фаол кишилардан эди.

### Сиёсат диннинг ажралмас қисмидир:

Ислонда сиёсий тушунчалар мавжуд эмас, деган нарсалар илмонийликнинг мусулмонларга келтирган ҳалокатли таъсири бўлди. Ҳолбуки, Ҳиндистон мусулмонлари тарихида бу каби тушунча бўлмаган эди. Зеро, Халифалик ҳаракатида сиёсий фикрларнинг таъсири катта бўлган эди. Чунки сиёсат диннинг ажралмас бўлагидир. Бу ҳақда Росулulloҳ ﷺ шундай дейдилар:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءَ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَيَكُونُ خُلَفَاءُ فَيَكْفُرُونَ. قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوا بِيَعَةِ الْأَوَّلِ فَلَا أَوَّلَ، أَعْطَوْهُمْ حَقَّهُمْ، فَإِنَّ اللَّهَ سَأَلَهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса, пайғамбар бўлмайди, халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: **биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглари ва уларнинг ҳақларини беринглари.** Зеро, Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди». Жаноб (Абул Калом Озод) ўзининг «Ҳилол» номли машҳур журналида айтади: «Динни сиёсатдан ажратмоқчи бўлган мусулмон муртаддир. Лекин у жим ҳаракат қилади». (Маҳмуд Ҳасаннинг шогирдларидан бири, муфтий (Кифоятulloҳ) мусулмонлар робитаси ҳузурида қилган хутбасида шундай деган эди: «Ҳақиқий мусулмон дин ва сиёсатни бир-биридан ажралган алоҳида нарсалар деб ҳисобламайди».

### Халифалик йўлида қурбон бўлиш:

(Би Уммон) исмли бир аёлдан урду тилида бир иқтибос қолган. Бу аёл икки Алининг онаси бўлиб, ўз ўғлига: «Эй ўғлим, ҳаётингни Халифаликка бағишла» деган эди. У ўзи ҳам Ислонни кўллаб-қувватлаган бўлиб, мана шу иш учун қамалган аёлдир. Зеро, у ўз ўғилларига: «Эй ўғилларим, Ислонни куч билан ушланг, агар Ислон йўлида жонингизни қурбон қилиш керак бўлса, уни аяманг». Унинг ўғиллари онасининг сўзларидан куч олиб,

Исломдаги тақдирий масала, яъни Халифаликни асраб қолиш ҳаракатида олдинги сафларда юришди. Аллоҳ Таоло (Би Уммон) ва унинг икки солиҳ фарзанди жаноб Муҳаммад Али ва жаноб Шавкат Алини ўз раҳматига сазовор қилсин. Эй Аллоҳим, дуоларимизни қабул эт!

Таниқли олим (Маҳмуд Ҳасан) Усманий Халифаликни асраб қолиш учун шогирдларини йиғди. Унинг ҳаракати Хат ут-Таҳрир номи билан машҳур бўлди. Шунинг учун Британия уни Маккага ташриф буюрган пайт, Шариф Ҳусайннинг хиёнатини қўллаб-қувватламагани сабабли қамокқа ташлаган эди. Маҳмуд Ҳусайн уч йил Малтадаги қамокхонада ўтирди ва оғир қийноқлар ортидан вафот этди. Одамлар уни ювиш ва кафанлаш пайтида руҳий ларза (шок ҳолати)га тушиб қолишди. Чунки у кишининг танасида на гўшт ва на ёғ қолган эди. У Малта қамокхонасида ўтирган пайтда уни қизиган темир йўл рельеси устига ётқизишиб : «Эй Маҳмуд Ҳасан, Британия фойдасига фатво чиқар» дейишган эди. Шунда у оғриғи пасайиб, эс-ҳушига келгач: «Эй Британиялик, мен Билал меросхўрлариданман. Агар теримни шилиб олсанг ҳам, ҳеч қачон Британия фойдасига фатво чиқармайман», деган эди.

### **Сиёсий онг етишмаслигининг хатари:**

Халифалик кенгаши маблағларни йиғиб, 1921 йили Туркиядаги хоин Мустафо Камол раҳбарлигидаги Анқара ҳукуматига юборди. Чунки кенгаш унинг хоинлигини билмас эди. Халифалик ҳаракати аъзолари Мустафо Камол Халифаликни қулатганидан кейин унинг хиёнатини билишди. Хоин Мустафо Камол илмонийлик, либерализм ва ватанпарварлик фикрлари асосида ташкил топган Турк ёшлари ҳаракати ҳамда Бирдамлик ва Тараққиёт кенгаши фикрларидан таъсирланган эди. Зеро, Камол Усманий Халифаликни ичкаридан емириш ва миллий ўзлик асосидаги демократик давлатни тиклаш учун Британия билан тил бириктирган эди.

Мустафо Камол 1921 йили Анқарада параллел давлат тиклади. Сўнг халифани Британиянинг малайи дея айблаб, унга қарши жамоатчилик фикрини пайдо қилишга ҳаракат қилди. Ўзини эса, мусулмонларнинг халоскори ва Британиянинг душмани қилиб кўрсатди. Ҳолбуки, у Ислом ва мусулмонларнинг душмани бўлиб, турк миллати ва илмоний либерализм каби куфр фикрларига ишонар эди. Шундай экан, фақат сиёсий онгина Умнатни куфр режаларидан халос этади ҳамда Ислом ва мусулмонларнинг душманларини таниб олишига имконият яратади. Шунинг учун мусулмонларда «Вожиб нима билан адо топса, ўша нарса ҳам

вожибдир», деган шаръий қоидага кўра, сиёсий онг бўлиши вожибдир.

Хотима: Муслмонлар Халифаликни қутқариш учун ҳаракат қилган ушбу буюк ҳаракат олдида ҳамон қарздордирлар. Бу ерда холис ва камтар муслмонлар Исломни асраб қолиш учун олиб борган курашларидан намуналар мавжуд. Шунинг учун биз Ҳиндистон ярим оролида яшаб ўтган буюк уламоларимизнинг курашлари ҳақида фикрлашимиз ва исломий оламда Пайғамбарлик минҳожии асосидаги иккинчи рошид Халифаликни тиклаш учун ҳаракат қилишимиз лозим. Шунингдек, Уммат инсонларни демократия ва илмонийлик зулматларидан Ислом адолатига чиқариши учун уни ўзининг лойиқ ўрнига қайтаришимиз лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا﴾

*«Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир уммат қилдик»* [Бақара 143]

**Азиз биродарлар!** Ҳизб ут-Таҳрир олтмиш йилдан бери Пайғамбарлик минҳожии асосидаги иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш учун тинмай курашмоқда. Шунинг учун биринчи амиримиз Шайх Тақийуддин Набаҳоний (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин)нинг ижтиҳоди орқали ўзгармай ҳамда йўлдан адашмай ҳаракатимизни давом эттирайлик. Дарҳақиқат, бу қарвон Шайх Тақийуддин билан бошланди ва исломий оламдаги тоғутлар тахтларини титратди. Ҳизб ут-Таҳрирнинг аъзолари золим тоғутлар зиндонларида оғир қийноқларга гирифтор бўлишди. Лекин бу азоблар йигитларнинг азму қарорини янада кучайтирди ва Исломни тиклаш учун қилаётган фаолиятларини юксалтирди. Росулulloҳ ﷺ шундай деган эдилар:

«أَفْضَلُ الْجِهَادِ كَلِمَةٌ حَقٌّ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَائِرٍ»

*«Энг афзал жиход золим султон ҳузурда айтилган ҳақ сўздир».* Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можжалар ривоят қилишган.

**Азиз биродарлар!** Бир аср муддат вақт ўтибдики, ер юзида Аллоҳнинг ҳукмлари татбиқ этилмаяпти. Дарҳақиқат, Уммат етим бўлиб, кофир давлатлар ўлжасига айланган. Шунингдек, исломий

оламдаги Уммат устидан малай ҳокимлар ўз ҳукмини ўтказмоқда. Бу буюк Умматга қарши жиноят ва зулмлар кўпайди. Шунинг учун биз Росулulloҳ ﷺнинг:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ حُجَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيُتَّقَى بِهِ»

**«Имом қалқондир. унинг ортида туриб жанг қилинади ва ҳимояланилади»**, деган ҳадисини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

**Эй мусулмонлар!** Шариат халифа тиклаш учун руҳсат берган уч кунлик муҳлат тугаган. Шунинг учун мусулмонлар узок пайтдан бери гуноҳга ботиб келмоқда. Ҳадисда келган халифага байъат қилиш вожиблигининг вақти келди. Росулulloҳ ﷺ бу ҳақда шундай деган эдилар:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةٍ لَقِيَ اللَّهَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ. وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

**«Ким итоат қилишдан бош тортса, қиёмат куни Аллоҳга ҳужжатсиз йўлиқади. Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимини топади»**.

**Эй аслзода Уммат!** Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликнинг қайтиш замони келди ва Росулulloҳ ﷺ башорати рўёбга чиқишига оз вақт қолди. Шундай экан, асл курашнинг бир қисми бўлиш ва сиз орқали Пайғамбаримизнинг башорати рўёбга чиқиши учун яхшиликка шошилинг. Зеро Росулulloҳ ﷺ:

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ»

**«Сўнгра пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади»**, деганлар.

1 – References

2 – Izalatal-Khafa'an Khilafat al-Khulfa – vol 1, Pg 6

3 – Hardy, Peter. The Muslims of British India. Cambridge University Press – 1972 ,Pg 180

4 – Minault, Gail. The Khilafat Movement: Religious Symbolism and Political Mobilization in India. Oxford University Press, 1982 – Pg61

5 – Minault, Gail. The Khilafat Movement: Religious Symbolism and Political Mobilization in India. Oxford University Press, 1982 – Pg 57

6 – Minault ,Gail. The Khilafat Movement: Religious Symbolism and Political Mobilization in India. Oxford University Press, 1982 – Pg 139

7 – Minault, Gail. TheKhilafat Movement: Religious Symbolism and Political Mobilization in India. OxfordUniversity Press, 1982 – Pg 121

8 – Minault, Gail. The Khilafat Movement :Religious Symbolism and Political Mobilization in India. Oxford University Press – 1982 , Pg 34

9 – Abdul QadeemZallum, How the Khilafah was Destroyed. Al-Khilafah Publications, 2000 – Pg 147. □



**АМЕРИКА ТАҲЛИЛИЙ МАРКАЗЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ДУНЁГА ҲУКМРОНЛИК ҚИЛИШ ҲАМДА  
ИСЛОМ ВА МУСУЛМОНЛАРГА ҚАРШИ УРУШ ОЛИБ  
БОРИШДАГИ РОЛИ (2)**

**Наср Абу Иброҳим – Қилқилия**

Тадқиқот марказларининг сони ортиб бориши билан, ушбу тадқиқот институтларининг ҳукумат сиёсатларини белгилаб беришдаги ҳамда маҳаллий ва халқаро жамоатчилик фикрини – хусусан Америкада – шакллантиришдаги роли ҳақида гап-сўзлар кўпайди. Ушбу Америка тадқиқот институтларининг жамоатчилик фикрини чалғитишда... молиялаштирувчилар режаларини амалга оширишда... турли соҳаларда Ислом олами устидан ҳукмронлик ўрнатиш учун сиёсатлар ва стратегияларни белгилашда... хусусан, террорга қарши кураш номи остида Исломга қарши уруш олиб боришда... шунингдек, сиёсий Исломга ва бу соҳада фаол бўлган ҳизбларга қарши уруш олиб боришда... бундан ташқари, ғарблаштириш, исломий ўзликни ўчириб йўқ қилишда ўйнайдиган роли аҳамиятли бўлгани учун... ушбу институт ва марказларга бироз батафсилроқ ойдинлик киритиш муҳимдир.

Биз тадқиқот марказларининг роли ва мусулмонлар масалаларига таъсири ҳақида мисоллар келтириб ўтамыз:

**1 – Янги Америка асри лойиҳаси**

Янги Америка асри «PNAC» лойиҳасига 1997 йили неоконсерваторлар томонидан асос солинди. 1998 йили ушбу институт президент Билл Клинтонга хат йўллади ва Американинг дунёга ҳукмронлик қилиш режаси асосларини белгилаб берди. Бу институт БМТ олдида ўзини туб ўзгаришнинг ҳомийси сифатида кўрсатди ва Саддам Ҳусайн режимини ағдариш зарурлигини таъкидлади. У бунди: «Америка армиясининг минтақадаги хавфсизлиги, Исроил ҳамда мўътадил араб давлатлари каби дўст ва иттифоқчилар хавфсизлиги, шунингдек, дунё нефт захирасининг муҳим қисми хавф остида қолади», деб ифодалади.

Кичик Буш ҳокимиятга келиши билан «PNAC» гоёси амалда қўлланди ва 2003 йили Ироқ босиб олинди. Маълумки, Буш ушбу марказ ҳисоботлари ва 1998 йилги хат муаллифларини ўз гуруҳига қўшди. Бу эса, назарий тушунчаларни амалда рўёбга чиқишини осонлаштирди. Ироқдаги бир томонлама аралашувни, ҳукмронлик ўрнатиш зарурлигини ва глобал рақобатчини қабул қилмасликни маъқуллаган марказ ёлғиз ушбу марказ эмас. Бу ерда айти шу тушунчаларни қабул қилган бир қатор марказлар бор. Уларга

Гудзон институти, Хавфсизлик сиёсати маркази ва Давлат сиёсати миллий институти каби марказларни мисол қилиш мумкин. Давлат сиёсати миллий институти 2001 йилги ҳисоботларининг бирида ядровий арсеналдан кенгроқ фойдаланишни таклиф қилган ва 2001 йили Буш маъмурияти сиёсатини қайта шакллантириш учун айна шу ҳисоботдан намуна сифатида фойдаланилган. Бундан ташқари, Heritage институти ва Америка Тадбиркорлик Институти (АЕИ) институти ҳам бор. Бу иккиси консерватив марказ бўлиб, уларнинг президент кичик Буш қарорларига таъсири кучли бўлган.

«Экономист» газетасининг «Фикрий марказлар ваҳшийлиги» сарлавҳали бош мақоласида шундай келади: «Америка хавfli муфаккирлар армиясига эга. Бу армия Америка кучлари ҳар куни шиддат билан урушга ташланиши учун уларни жунбишга келтиришни ва кўзгаши пухта ўзлаштиришган. Улар Америка учун режаларни ва иш жадвалини белгилаб беришадик, бу иш жадвали бугунги кунда бутун Ўрта Шарқни ўзгартириш режасини ўз ичига олади. Америка капитализми йўлини йўқотган ва ҳатто фазо оламида (космосда) ҳам капитализмни татбиқ этишга интиладиган ушбу таҳлилий институтларни молиялаштиради ва қўллаб-қувватлайди. Сўнг, янги фикрлар билан ҳимояланган ушбу телба америкача мойилликни бутун дунё олқишлашини кутади».

2 – 2013 йили «Бирлашган ва кучли Америка» номи остидаги таҳлилий марказга асос солинди. Бу марказ Америка миллий хавфсизлиги янги стратегиясининг хомаки лойиҳасини чиқарди. Уни ҳар икки партиядан, ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик экспертларидан, шунингдек, Билл Клинтон, кичик Буш ва Барак Обама маъмуриятида ишлаган расмийлардан ташкил топган ишчи гуруҳ тайёрлади.

Муаммоларга қарши курашишнинг хомаки лойиҳаси сифатида ушбу марказ таклиф этаётган режа учта асосий принципга асосланади:

Биринчи: Асос сифатида Америка қувватини мустаҳкамлаш.

Иккинчи: Дунё етакчилигида Қўшма Штатларнинг фаол роли.

Учинчи: Глобал кадриятларни ривожлантириш.

Бу – ядровий ва бошқа курулларни ривожлантириб, Американинг ҳарбий қувватини кучайтириш орқали бутун дунёда Америка ҳукмронлигини мустаҳкамлашни англатади. Фаол ролга келсак, 11 сентябр ходисаларидан кейин бутун дунёга ҳукмронлик қилиб, етакчилик қилишнинг стратегияси сифатида унга таянилди ва унинг белгилари Афғонистон ишларига аралашишда ҳамда Ироқ босқинида гавдаланди. Бу эса, Американинг – агар у ҳар

қандай фаол душманни ўзининг миллий хавфсизлиги ва манфаатига хавф солади, деб шубҳа қилса – унга зарба беришга ҳаракат қилишини англатади.

Қўшма Штатлар ўз манфаатларини сақлаб қолиш ва нуфузини мустаҳкамлаш учун ўзининг турли сиёсатларини ҳамда иқтисодий ва сақофий қадриятларини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди. Буларнинг демократияни ёйиш, бозор сиёсати, тенглик, барқарор ривожланиш ва булардан бошқа Америка олға сураётган чалғитувчи шиорларга алоқаси йўқ. Булар барча соҳаларда Америка ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун давлатлар ишларига аралашиб қуролларидан бошқа нарса эмас.

### **3 – Халифалик қайта барпо бўлишига йўл қўймаслик учун исломий сиёсий ҳаракатларга зарба бериш ва уларни қулатиш:**

Ранд институти тавсиялари ва ҳисоботларида:

– «Демократик исломчиларнинг қонунчилик сайловларида иштирок этишларига йўл бериш» ҳақида айтилади. Бу тавсия 2004 йили (Демократик фуқаролик ислом) сарлавҳаси остида ёзилган.

– Шунингдек, унинг тавсияларида: «Демократик исломий оқимнинг ҳокимиятга кўтарилишига йўл очиш, сўнг уни қулатиш» ҳақида келади. Демократик исломчи оқимларга имкон бериб улардан фойдаланиш 2004 йили ўзининг чўққисига чиқди. Тадқиқотчи «Рей Такят» ва «Гвоздев» «Пайғамбар соясининг пасайиши – радикал сиёсий исломнинг кўтарилиб, қулаши» номли жуда хавфли китоб ёзишди.

Ранд марказининг 2003-2004 йилги ҳисоботида шундай келади: «Фундаменталистлар демократик қадриятларни ва замонавий Ғарб маданиятини рад этишади. Улар Ислом қонунлари ва ахлоқий қоидаларига қатъий риоя қиладиган соф авторитар давлатни хоҳлашади. Уларда ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун инновациядан ва замонавий технологиядан фойдаланишга мойиллик бор... Ушбу экстремист фундаменталистлар замонавий демократия учун ҳамда умуман Ғарб қадриятлари, хусусан, Америка учун хавфлидир. Улар бизга қарши, биз уларга қаршимиз».

Унда яна шундай келади: «Янгилек яратувчилардан (Ранд мусулмонларидан) намунавий шахсларни яратиш... уларни тарбиялаш ва замонавий исломнинг юзи сифатида тақдим этиш керак. (Куфрлари, муртадликлари ва хиёнатлари сабабли) қамокқа олиниши мумкин бўлган Ранд мусулмонларини фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш устида ишлайдиган етакчиларга айлантириш... уларнинг ишини кенгайтириб ёйиш ва ҳукумат

томонидан уларни қўллаб-қувватлаш... уларни омма ўқувчилар ва ёшлар учун мавзу ёзишга рағбатлантириш... уларнинг кўз-қарашилини исломий таълим кун тартибига киритиш лозим.

«Агар демократик ислом ғоялари аҳамиятга молик давлатлардаги ўқув программаларига ва оммабоп оммавий ахборот воситаларига киритилса, бу келгуси авлод мусулмонларига таъсир ўтказиши мумкин... Илмонийлик ва инновацияни қоникмаган мусулмон ёшларга қарши сақофий танлов сифатида аҳамиятга молик давлатлардаги оммавий ахборот воситаларига, ўқув дарсликларига киритиш ғайриисломий ва Исломдан олдинги тарихни, шунингдек, ғайриисломий ва Исломдан олдинги сақофатни ўрганишни осонлаштиради ва унга қизиқтиради. Бу эса, фуқаролик маданиятини кучайтириш учун муваққил фуқаролик ташкилотларини ривожлантиришга ёрдам беради».

– Ранд марказининг 2007 йили (Мўътадил мусулмон тармоқларини барпо қилиш) сарлавҳаси билан хавфли ҳисоботи чиқди. 2008 йили (Туркияда сиёсий исломнинг юксалиши) *The Rise of Political Islam in Turkey* сарлавҳаси билан Туркия режимини таҳлил қилиш ва Американинг у ҳақдаги кўз-қараши тўғрисида ғоят муҳим ҳамда хавфли китоб чиқарилди.

– **Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланилишидан хавотирга тушиш:**

Ранд маркази исломий фикрларнинг интернетдан фойдаланиб тарқатилишидан хавотирга тушмоқда. Чунки, оммавий ахборот воситалари қасддан ёпиб қўйилаётган бир манзарада, интернет зоҳир бўлишнинг ягона йўли бўлиб қолди. Тадқиқот айна пайтда Ўрта Шарқни ўзгартиришда фикрларнинг аҳамиятини ва муаммо ҳам шунда эканини баён қилган бўлса ҳам, кўзғолонларда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш фойдасиз эканини баён қилишга уриниб кўрди. Шунинг учун интернет ва фейсбукдаги исломий сайтларни, шу жумладан Ҳизб ут-Таҳрир сайтларини ёпиш кампанияси тўхтовсиз равишда давом этмоқда. Роя газетаси сайти ҳам ёпиб қўйилган бундай сайтларнинг охиригиси эмас.

• **Самуэл Тадрос – Hoover институти: Ижтимоий медиа... алдамчи умид**

Самуэл Тадрос Hoover институти нашр қилган мақоласида «Ўрта Шарқни ўзгартиришда ижтимоий медианинг ролига бўлган катта умид алдамчи» эканини хулоса қилади.

«Нью-Йорк Таймс» газетаси фаол «Воил Ғаним»нинг «Кўзғолон 2.0» китобини обзор қилиш учун «Миср кўзғолони фейсбукда қандай бошланди» сарлавҳасини танлаган бир пайтда, Тадрос

«ижтимоий медиа воситадан бошқа нарса эмас, муаммо доим фикрларда бўлиб келган», деб фикр билдиради.

– **Даъватни сиёсатдан ажратиш:**

Карнеги институтида тадқиқотлар бўйича президент ноиб Марвон Муашшир (У институтнинг Вашингтон ва Байрутда Ўрта Шарқ масалалари бўйича олиб бориладиган тадқиқотларига раҳбарлик қилади) «Даъватни сиёсатдан ажратиш миллий заруратдир» сарлавҳаси билан таҳлилий мақола ёзган. У ўз мақоласида хилма-хиллик ва тенгликни ўз ичига олган фуқаролик давлатини барпо қилиш учун даъват фаолиятини сиёсий фаолиятдан ажратиш лозимлигини баён қилади. У ушбу мақола билан исломий ҳаракатларнинг илмонийлик ва унинг партиялари фойдасига исломий сиёсий фикрлардан воз кечиш йўналишини қўллаб-қувватлашни ҳамда улар ҳаёт низоми сифатида ўзларининг мавжудлиги сири бўлган Исломдан воз кечганларидан кейин уларни сиёсий ҳаётдан чиқариб юборишни кўзлаган. У шундай даъво қилади: «Баъзи экстремистлар «Наҳза» партияси ва араб дунёсида мурожаат қилинадиган энг муҳим диний арбоб бўлган Рашид Ганнуший қарорини «диндан оғиш», деб тасвирлашни исташади. Бу диндан оғиш эмас, балки, бу ихтисослашишни тан олишдир. Сиёсатда фаолият қилишни истаган киши диний принципларга қимматли диний асос сифатида таяниши мумкин. Дунёвий қоидалар сиёсий фаолият учун қолади ва унга динни аралаштириш мумкин эмас. Модомики, Исломда диний давлат, динда мажбурлаш йўқ экан, даъват фаолиятини сиёсий майдондан бутунлай бошқа майдонга қолдириш табиий ва мантикийдир. Чунки сиёсий майдон жамиятнинг барча тузилмалари ўртасидаги уйғунликка бўйсунди ва хилма-хилликни ўз ичига олган тенг ҳуқуқли фуқаролик давлатини барпо қилиш учун зарурийдир».

– **Халифаликдан ва Ҳизб ут-Тахрирдан огоҳлантириш**

Ранд институти Ҳизбнинг номини атамасдан Халифалик даъватини кўтариб чикувчиларга қарши курашишга чақиради. У шундай дейди: «Уларга қарши уруш олиб бориш, уларни йўқ қилиб тугатиш лозим. Чунки улар демократияга ва Ғарбга душман бўлиб, жиҳодни ҳамда қуръоннинг ишончли тафсирини маҳкам ушлайдилар ҳамда исломий Халифаликни қайта барпо этишни истайдилар. Улардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки улар ўз мақсадларини рўёбга чиқаришда замонавий воситалардан фойдаланишга қарши чиқмайдилар. Улар баҳс мунозарада ва ҳужжат келтиришда қобилятлидир».

– 2015 йил 15 январда Ҳаёт газетаси Рейтер агентлиги Вашингтонда эълон қилган ҳисоботни нашр қилди. Бу ҳисобот дунёнинг беш қитъасидаги мингта эксперт билан ўтказилган маслаҳат асосида, уларнинг 2020 йилга қадар юз бериши кутилаётган тахминларига доир прогнозларни ўз ичига олади. Бу ҳисобот келгуси йиллардаги муаммоларга қарши курашишда разведка ходимларига ва сиёсатчиларга ёрдам беришга мўлжалланган. Ҳисоботда «террор ҳужумларининг давом этиши» кутилаётгани ҳамда дунёдаги вазият ўзгаришининг эҳтимолли тўртта сценарийси ҳақида айтиб ўтилади. Ҳисобот огоҳлантирган учинчи сценарий «Янги Халифалик»дир. Шунингдек, ҳисоботда «кучли глобал мафкуравий ҳаракатнинг таъсири»га тўхтаб ўтилади. Ҳисоботга кўра, бу таъсир «глобаллашувни курашга чорлаган экстремистик исломий ўзлик»дан қувват олади.

– «Кетрин ва Шелби Колен Дэвис» институтида Россия ва Россия-Европа тадқиқотлари бўйича мутахассис асл келиб чиқиши яҳудий бўлган америкалик тадқиқотчи Ариэл Коэн 2003 йил май ойида Истанбулда ўтказилган конференцияда ҳисобот тақдим этди. У ўз ҳисоботида Американи ва мусулмонлар юртларидаги ҳукмрон режимларни Ҳизб ут-Таҳрир тамсил этган катта хавфни англаб етишга ундади ҳамда уларни уни йўқ қилишга чақирди.

– Дэвид Оттавей 2004 йили Вашингтонда нашр қилинган мақоласида айтишича, икки консерватив стратегик тадқиқот институти, яъни «Никсон» ва «Heritage» марказлари АҚШ маъмуриятидан Ҳизб ут-Таҳрирни «террорчи ташкилот» сифатида кўришни талаб қилган.

– 2004 йил сентябр ойида Истанбулда Никсон тадқиқот маркази ҳомийлигида икки кун давом этган конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Ҳизб ут-Таҳрирнинг тузилиши, ақидаси, фикрлаш ва фаолият олиб бориш услуги ва глобал миқёсда тарқалиши муҳокама қилинди. Конференция «Ҳизб ут-Таҳрир масаласи – экстремистик исломий мафкурани тушуниш ва унга қарши уруш олиб бориш» номи остида бўлиб ўтди. Бу эса, мутахассислар Ҳизб ут-Таҳрирни хавфли, деб ҳисоблашларига далолат қилади. (Конференцияда Туркия адлия вазири Чичек иштирок этди).

### **Хотима:**

Америкадаги ва умуман Ғарбдаги тадқиқот институтларининг воқееси улар томонидан чиқарилган тадқиқот ва илмий хулосаларни шубҳа остига қўйди. Қолаверса, улар уч жиҳатга: сиёсатчилар ва уларнинг қўллаб-қувватловига, бизнесменлар ва

уларнинг ёрдамига ҳамда оммавий ахборот воситалари ва уларнинг кўрсатмаларига боғланиб қолгани учун ўзларининг ишончилиги ва холислигини йўқотди.

Ушбу тадқиқот институти ва марказларнинг ўз мамлакати ҳамда дунё жамоатчилигини чалғитиб алдаши халқларни сиёсатчилар, бойлар ва медиа институтлари қўлига ўлжа қилиб берди. Буларнинг барчасини ўз халқлари манфаатларини ҳисобга олмайдиган, ҳеч қандай ахлоқий қадриятга эга бўлмаган очкўз капиталистлар бошқаради.

Дунё бошдан кечираётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий инқирозлар капиталистлар бошқарувининг ҳамда ёлланган тадқиқот марказлари экспертлари томонидан олға сурилган (хукмронлик, кенгайиш, бозор сиёсати, террор ва исломий экстремизмга қарши кураш...) каби чириган гоё ва вайрон қилувчи сиёсатлар маҳсулидир. Тадқиқот марказлари экспертлари тақдим этган тадқиқот ва тавсиялар Америка ҳамда унинг трансконтинентал компаниялари хукмронлигини мустаҳкамлайди... Бутун дунёни урушлар ва инқирозлар гирдобига тушириб қўяди. Ушбу уруш ва инқирозлардан Ислом олами шер улушига эга бўлади, шунингдек, исломий терроризм ва экстремизмга қарши кураш, оммавий қирғин қуроallarини йўқ қилиш каби ботил даъволар, заиф исботлар билан вайронагарчилик, босқинчилик ва қирғинлар юз беради.

Ислом Уммати ўзи ва унинг дини учун нима мўлжалланганини англаб етиши лозим. Исломий майдонда фаолият олиб бораётган сиёсий ҳаракатлар ҳам ўзларини ўраб турган хавфларни, уларга қарши тузилаётган режаларни, шунингдек, ушбу ҳаракатларга зарба бериш ва уларни сиёсий саҳнадан четлатиш учун ривожлантирилаётган «даъват фаолиятини сиёсий фаолиятдан ажратиш» каби фикрларни тушуниб етишлари керак. Уларни сиёсий саҳнадан четлатишдан мақсад, уларнинг ўрнига илмоний ҳаракатларни, мўътадил ва ёлланган Ранд маркази мусулмонларини олиб келишдир. Исломий ҳаракатлар Умматнинг ҳазорий лойиҳасини, яъни Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик лойиҳасини маҳкам ушлаш орқали фурсатни ғанимат билишлари лозим.

Халифаликдан ҳамда уни барпо этиш учун фаолият олиб бораётган Ҳизб ут-Таҳрирдан огоҳлантириш, унга қарши уруш олиб бориш Пайғамбарлик минҳожии асосидаги иккинчи рошид Халифалик барпо бўлишида гавдаланадиган Аллоҳнинг қадари рўй беришига тўсик бўла олмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَنُرِيدُ أَنْ نَمُنَّ عَلَى الَّذِينَ اسْتُضِعُوا فِي الْأَرْضِ وَنَجْعَلَهُمْ أَئِمَّةً وَنَجْعَلَهُمُ الْوَارِثِينَ ﴿٦٦﴾  
وَنُمَكِّنَ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ وَنُرِيَ فِرْعَوْنَ وَهَامَانَ وَجُنُودَهُمَا مِنْهُمْ مَا كَانُوا يَحْذَرُونَ﴾

«Яна уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва (унинг вазири) Хомонга ҳамда икковининг лашкарларига (Бану Исроил) томонидан ўзлари кўрқувчи бўлган нарсани (яъни мулку-давлатлари қўлларидан кетиб, ҳукму-салтанат Бану Исроил қавмининг қўлига ўтишини) кўрсатиб қўйишни (истаймиз)»

[Қасос 6]

Дунё ушбу такаббур капиталистик давлатлар ҳукмронлигидан ва уларга қарамликдан халос бўлсагина ёвузликдан ва қулликдан халос бўлади. Шунинг учун дунё капитализмни ҳамда мустамлакачиликни кучайтирган, бутун сайёрага инқирозлар ва бахтсизликларни олиб келган ҳазоратни рад этиши, яратувчи томонидан келган ҳаққа ва илоҳий адолатли низомга эргашishi лозим. Зеро, адолатли илоҳий низом ер юзини парвардигор нури билан ёритади. Ислом низоми татбиқ этилиши натижасида бутун ер юзи бахтга эришади. Ислом бошқаруви, пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бошқаруви соясида бутун башарият тинчлик-омонлик, хотиржамлик ва гуллаб-яшнаш неъматидан баҳраманд бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنَّمَا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿١٢٤﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى﴾

«(Аллоҳ) айтди: Ундан (яъни жаннатдан) ҳар иккинги тушингиз. Айрим (зурриётларингиз) айримларига душмандир. Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирурмиз»»

[Тоҳа 123-124] □



## ҚУРЪОНИ КАРИМДАГИ ТАФАККУР АНДОЗАЛАРИ

Қуръони каримда келишича инсон бу дунёга илмсиз келади. Лекин у бирор воқелик ҳақида фикрлаши ва уни изохлаши учун воқелик кўринишини унга кўчириб берадиган ҳис аъзолари билан таъминланган бўлади.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاللَّهُ أَخْرَجَكُمْ مِنْ بُطُونِ أُمَّهَاتِكُمْ لَا تَعْلَمُونَ شَيْئًا وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْئِدَةَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

*«Аллоҳ сизларни оналарингиз қорнидан бирон нарса билмаган ҳолингизда чиқарди ва шуқр қилишингиз учун сизларга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди»* [Наҳл 78]

﴿إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلْكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَعُ النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَضْرِبُ الرِّيحُ وَالسَّحَابُ الْمُسَخَّرَ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ﴾

*«Албатта осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва ер орасидаги итоатгўй булутда- (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир»* [Бақара 164]

﴿وَلَقَدْ ذَرَأْنَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرًا مِنَ الْجِنَّةِ وَالْإِنْسِ لَهُمْ قُلُوبٌ لَا يَفْقَهُونَ بِهَا وَلَهُمْ أَعْيُنٌ لَا يُبْصِرُونَ بِهَا وَلَهُمْ آذَانٌ لَا يَسْمَعُونَ بِهَا أُولَئِكَ كَالْأَنْعَمِ بَلْ هُمْ أَصَلُّ أُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ﴾

*«Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганимиз муҳаққақдир. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмликда) чорвалардан ҳам баттардирлар. Ана ўшалар гафлатда қолган кимсалардир»* [Аъроф 179]

﴿أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَتَكُونَهُمْ قُلُوبٌ يَعْقِلُونَ بِهَا أَوْ آذَانٌ يَسْمَعُونَ بِهَا فَإِنَّهَا لَا تَعْمَى الْأَبْصَرَ وَلَكِنَّ تَعْمَى الْقُلُوبَ الَّتِي فِي الصُّدُورِ﴾

**«Ахир улар ер юзида сайр қилиб-айланмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун доно диллар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкракларидagi кўнгиллар кўр бўлур»**

[Ҳаж 46]

﴿إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ لَآيَاتٍ لِّأُولِي الْأَلْبَابِ ﴿٤٦﴾ الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَطْلًا سُبْحَانَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴿٤٧﴾﴾

**«Осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил!»**

[Оли Имрон 190-191]

﴿قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ وَسَلَامٌ عَلَىٰ عِبَادِهِ الَّذِينَ اصْطَفَىٰ ؕ إِنَّ اللَّهَ خَيْرٌ مَّا يُشْرِكُونَ ﴿١٩٠﴾ أَمَّنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ لَكُمْ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَنْبَتْنَا بِهِ حَدَائِقَ دَاتٍ بَهْجَةٍ مَّا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُنْبِتُوا شَجَرَهَا ؕ أَلَيْسَ مَعَ اللَّهِ بَلٌ هُمْ قَوْمٌ يَعْدِلُونَ ﴿١٩١﴾ أَمَّنْ جَعَلَ الْأَرْضَ قَرَارًا وَجَعَلَ خِلَالَهَا أَنْهَارًا وَجَعَلَ لَهَا رَوَاسِيًّ وَجَعَلَ بَيْنَ الْبَحْرَيْنِ حَاجِزًا ؕ أَلَيْسَ مَعَ اللَّهِ بَلٌ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٩٢﴾ أَمَّنْ يُجِيبُ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَاءَ الْأَرْضِ ؕ أَلَيْسَ مَعَ اللَّهِ قَلِيلًا مَّا تَذْكُرُونَ ﴿١٩٣﴾ أَمَّنْ يَهْدِيكُمْ فِي ظُلُمَاتِ اللَّيْلِ وَالْبَحْرِ وَمَنْ يُرْسِلُ الرِّيْحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ ؕ أَلَيْسَ مَعَ اللَّهِ تَعَلَىٰ اللَّهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿١٩٤﴾ أَمَّنْ يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَمَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ؕ أَلَيْسَ مَعَ اللَّهِ قُلٌ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٩٥﴾﴾

**«59. (Эй Муҳаммад,) айтинг: «Аллоҳга ҳамду-сано бўлсин ва Унинг Ўзи (пайгамбарлик учун) танлаган бандаларига дуою-салом бўлсин». Аллоҳ яхшироқми ёки улар (Макка муширклари Аллоҳга) шерик қилаётган бутларими?! 60. Ёки осмонлар ва ерни яратган ҳамда сизлар учун осмондан сув-ёмғир ёгдириб, унинг ёрдамида гўзал боғларни ўстирган зотми?! Сизлар учун у (боғларнинг) дов-дарахтини ўстириши имкони йўқ эди. Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, улар (Аллоҳга**

ўзгаларни) тенг биладиган қавмдирлар! 61. Ёки ерни (барча жонзотлар учун) қароргоҳ қилиб, унинг ўртасида дарёлар пайдо қилган ва унинг учун тутқи-тоғлар барпо қилган ҳамда икки (яъни шўр-чучук) денгиз-дарё ўртасида тўсиқ-тўғон ишро қилган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар! 62. Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушқулини осон қиладиган ҳамда сизларни ернинг халифа-эгалари қиладиган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар! 63. Ёки сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида тўғри йўлни кўрсатадиган ва Ўз раҳмати-ёмғири олдидан шамолларни хушхабар қилиб жўнатадиган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Аллоҳ уларнинг ширк келтирган нарсаларидан юксакдир! 64. Ёки бошлаб Ўзи яратиб, сўнгра (охиратда) қайта яратадиган зотми?! Ким сизларга осмон ва заминдан ризку-рўз берур? Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! (Эй Муҳаммад, кофирларга) айтинг: «Агар ростгўй бўлсангизлар ҳужжатларингизни келтирингиз!»» [Намл 59-64]

Биз юқорида айтиб ўтган оятлар яратувчига, унинг гўзал исмлари ва олий сифатларига бўлган қатъий ақлий имонга эришиш учун фикрлашга чақирган оятлар денгизидан бир томчидир.

Куръони карим ақидани ақл, фикр ва мулоҳаза юритиш асосига қуришга қаттиқ туради. Шунингдек, кўплаган оятларда ақидани куллийёт ва жузъийётларда гумон асосига қуришдан қайтаради Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا يَتَّبِعْ أَكْثَرُهُمْ إِلَّا ظَنًّا إِنَّ الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئًا﴾

«Уларнинг кўплари фақат гумонга эргашадилар, холос. Гумон эса, бирон нарсада ҳақиқатнинг ўрнини босолмайди» [Юнус 36]

Куръони карим ушбу оятда барча фикрлар ундан балқиб чиқадаган ва диннинг асоси бўлган ақидавий фикрларни гумон, шубҳа ва фароздан эмас, балки қатъий ва ишончли далиллардан олишга буюради. Шунингдек, ақидани тақлид асосига қуриш ва далилсиз эргашидан қайтаради. Шунинг учун ҳар бир мусулмон ўз ақидасига икки йўлнинг бири орқали етиши лозимдир:

Биринчиси: Ақлий баҳс орқали. Куръони каримда бир неча сийғалар, лафзлар ва турли маънолар орқали фикрлаш ва ақл юритишга чақирадиган оятлар кўп келган. Уларнинг барчаси ақлни назар юритиш ва фикрлашга бевосита ва очиқ шаклда чақиради. Бу оятлар онгли тафаккурнинг баъзи элемент ва

вазифаларини ўз ичига олади. Аллоҳ Таоло ўзининг азиз китобида ақл эгаларига шундай хитоб қилади:

﴿وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ لَأَمَنَّ مِنَ فِي الْأَرْضِ كُلَّهُمْ جَمِيعًا أَفَأَنْتَ تُكْرِهُ النَّاسَ حَتَّىٰ يَكُونُوا مُؤْمِنِينَ ﴿٩٩﴾ وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تُؤْمِنَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَيَجْعَلُ الرَّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٠٠﴾ قُلْ أَنْظِرُوا مَاذَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا تُعْبَىٰ الْأَيْدِ وَالْتُدْرُ عَنْ قَوْمٍ لَا يُؤْمِنُونَ﴾

**«99. Агар Парвардигорингиз хоҳласа эди, бутун Ер юзидаги барча кишилар имон келтирган бўлур эдилар. Ахир сиз одамларни мўмин бўлишга мажбур қилурмисиз? (Яъни бундай қилиш дуруст эмасдир. Чунки киши ўз ихтиёри билан келтирган имонгина ҳақиқий мақбул имондир). 100. Аллоҳнинг изну иродасисиз ҳеч бир жон мўмин бўла олмас. У (Аллоҳ) ақл юргизмайдиган кимсаларни азобга дучор қилур. 101. (Эй Муҳаммад, Макка мушрикларига) айтинг: «Осмонлар ва ердаги нарсаларни (яъни, ҳамма нарсанинг ягона яратувчиси бор эканлигига далолат қилувчи белгиларни) кузатинглар. (Чунки) имон келтирмайдиган қавм учун (ҳеч қандай) оят-мўъжизалар ва қўрқитувлар фойда бермас»** [Юнус 99-101]

﴿أَمْ مَنْ هُوَ قَنْتٌ ءَأَنَاءَ اللَّيْلِ سَاجِدًا وَقَائِمًا يَحْذَرُ الْأَخْرَةَ وَيَرْجُوا رَحْمَةَ رَبِّهِ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

**«Ёки кечалари сажда қилган ва қиёмат-тик турган ҳолда тоат-ибодат қилгувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳмат-марҳаматидан умид қиладиган киши (билан куфру исёнга гарқ бўлган кимса баробар бўлурми)?!»** Айтинг: **«Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!».** Дарҳақиқат фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар» [Зумар 9]

﴿أَفَمَنْ يَعْلَمُ أَنَّ أَنْزَلَ إِلَيْكَ مِنَ رَبِّكَ الْحَقُّ كَمَنْ هُوَ أَعْمَىٰ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

**«(Эй Муҳаммад), ахир сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса аниқ ҳақиқат эканини биладиган — иймон келтирадиган киши (кўнгил кўзи) кўр кимсага ўхшайдими? (Бу оятлардан) ақл эгалари эслатма олурлар»** [Роъд 19]

﴿كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ مُبْرَكٌ لِيَدَّبَّرُوا ءَايَاتِهِ وَلِيَتَذَكَّرَ أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

**«(Эй Муҳаммад, ушбу Қуръон барча одамлар) унинг оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун Биз сизга нозил қилган бир муборак Китобдир»** [Сод 29]

﴿لَوْ أَنْزَلْنَا هَذَا الْقُرْآنَ عَلَى جَبَلٍ لَّرَأَيْتَهُ خَاشِعًا مُّتَصَدِّعًا مِّنْ خَشْيَةِ اللَّهِ وَتِلْكَ الْأَمْثَالُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ﴾

*«Агар Биз ушбу Куръонни бирон тогга нозил қилганимизда, албатта сиз у (тоғ)ни Аллоҳнинг қўрқувидан эгилиб ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз. (Лекин айрим инсонларнинг диллари тоғнинг тошидан ҳам қаттиқроқ бўлгани сабабли уларга Куръон оятлари ҳам таъсир қилмас). Биз бу мисолларни одамлар учун, шояд улар тафаккур қилсалар, деб келтирмоқдамиз»*

[Ҳашр 21]

﴿إِنَّمَا مَثَلُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَاءٍ أَنْزَلْنَاهُ مِنَ السَّمَاءِ فَاخْتَلَطَ بِهِ نَبَاتُ الْأَرْضِ مِمَّا يَأْكُلُ النَّاسُ وَالْأَنْعَامُ حَتَّىٰ إِذَا أَخَذَتِ الْأَرْضُ زُخْرُفَهَا وَارْوَيْنَتْ وَظَنَّ أَهْلُهَا أَنَّهُمْ قَادِرُونَ عَلَيْهَا أَتَاهَا أَمْرًا لَّيْلًا أَوْ نَهَارًا فَجَعَلْنَاهَا حَصِيدًا كَأَن لَّمْ تَغْنَ بِالْأَمْسِ كَذَلِكَ نُفَصِّلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ﴾

*«Дарҳақиқат, бу ҳаёти дунёнинг мисоли худди Биз осмондан ёгдирган бир сувга ўхшайди, бас, одамзод ва ҳайвонот ейдиган нарсалардан иборат бўлган ер набототи у билан аралашиб, ҳатто ер чирой олиб, ясан-тусан қилганида ва ернинг аҳли унинг устида кучли-қудратлимиз, деб ўйлай бошлаганида, ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни гўё қуни-кеча обод бўлмагандек, вайронага айлантириб қўюрмиз. Тафаккур қила оладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз»*

[Юнус 24]

﴿وَسَخَّرَ لَكُمْ مَّا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مِّنْهُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ﴾

*«У Ўз томонидан (яъни Ўз хоҳиш-иродаси билан) сизларга осмонлардаги ва ердаги барча нарсаларни бўйсундирди. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят ибратлар бордир»*

[Жосия 13]

Мусулмон муфаккир ва уламолар соғлом фикрлашда нозик ҳиссий мулоҳаза аҳамиятли эканига қаттиқ эътибор бердилар. Чунки Ислом ақл юритиш, фикрлаш ва назар солиш дини бўлиб, у ақл юритиш ва фикрлашга тўсиқ қўймайди. Балки ақл эгаларини фикрлаш ва мулоҳаза юритишга қизиқтиради. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿كَذَلِكَ يَبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

**«Шундай қилиб, ақл юргизишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади»** [Бақара 242]

Усул олимлари мана шундан келиб чиқиб имонни «Далилдан келиб чиққан, воқега мос келувчи қатъий тасдиқ» деб таърифлашган. Шунинг учун имоннинг асоси қатъий тасдиқ, яъни (шак шубҳа ва гумон аралашмаган қатъий қаноат)<sup>1</sup> деб белгилашган. Қатъийлиги шундаки, унга гумон, шак шубҳа ва ёлғон аралашмаган. Уни бу даражага олиб борадиган нарса эса, далилдир. Бошқача айтганда, тасдиқ илмга олиб боради, илм эса ишонч ва қатъийликдир.

Талаб қилинган нарса нафақат тасаввур, балки воқеликка мос тасдиқдир. Бошқача айтганда, биз ишонаётган ҳақиқат мавжуддир, уни воқелик тасдиқлайди ва у унга мос келади. У фақат тадайюн ғаризасинигина қондириб қўядиган хаёлий фикр эмас. (Гумон эса, қатъийлик етишмаслиги ёки воқеликка мос келмаслиги ёки далилга таянмаганлиги учун заиф идрокдан пайдо бўлади).<sup>2</sup>

Кўриб турганимиздек, мусулмонлардаги фикрлаш манҳажини тасаввур қилиш, тасдиқлаш, қатъият, гумон, шак шубҳа, ишонч, ёлғон, имон ва куфр борасида баҳс юритади. Шунингдек, фикрнинг воқеликка мос келиши йўли унга қатъий ақлий ва нақлий далилларни келтиришдир. Буларнинг барчаси Қуръони каримдаги муҳкам оятларга суянади. Муҳкам оятлар барча тафсилотларида ушбу таъриф ва тушунчага далолат қилади. Аллоҳ Таоло бу ҳақда куйидаги оятларда шундай дейди:

﴿وَإِذَا قِيلَ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ وَالسَّاعَةُ لَا رَيْبَ فِيهَا قُلْتُمْ مَا نَدْرِي مَا السَّاعَةُ إِنَّ نَظْنَ إِلَّا ظَنًّا وَمَا نَحْنُ بِمُستَيِقِينَ﴾

**«Қачон (сизларга) «Дарҳақиқат Аллоҳнинг ваъдаси ростдир, (Қиёмат) соати шак-шубҳасиз (келувчидир)», дейилса, сизлар «Биз у соат нима эканини билмаймиз, фақат гумон қиламиз, холос. Биз (Қиёмат соати келишига) аниқ ишонувчи эмасмиз», дединглар»** [Жосия 32]

﴿وَجَحَدُوا بِهَا وَاسْتَيْقَنَتْهَا أَنفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ﴾

(1) Тафсир фи усулит тафсир. Шайх Ато Абу Рошта, 47 саҳифа.

(2) Нашрул бунуд ала марокис сууд китоби. Абдуллоҳ Шанқитий, 1 жуз, 62 саҳифа.

«*Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у (мўъжизаларни) инкор этдилар. Энди (эй Муҳаммад), у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг*» [Намл 14]

﴿وَمَا لَهُمْ بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنْ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ﴾

«*Бу тўғрида уларда бирор бир илм йўқдир. Улар фақат (шундай) гумон қилурлар, холос*» [Жосия 24]

﴿وَالَّذِي جَاءَ بِالصِّدْقِ وَصَدَّقَ بِهِ أُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ﴾

«*Рост Куръонни келтирган зот (яъни, Муҳаммад алайҳис-салом) ва уни тасдиқ этган (мўминлар) – ана ўшалар тақводор зотлардир*» [Зумар 33]

﴿نَحْنُ خَلَقْنَاكُمْ فَلَوْلَا تُصَدِّقُونَ﴾

«*(Эй инсонлар), сизларни Биз Ўзимиз яратдик-ку! Энди сизлар (охиратда яна қайта яратишга қодир эканлигимизни) тасдиқ этмайсизларми?!*» [Воқеа 57]

﴿وَالَّذِينَ يُصَدِّقُونَ بِيَوْمِ الدِّينِ﴾

«*Улар жазо-Қиёмат кунини тасдиқ этадиган зотлардир*»

[Маориж 26]

Иккинчиси: Нақл йўли билан келган нарсага таслим бўлиш орқали. Лекин бир шарт биланки, ўша нарса субути ва далолати қатъий бўлган далиллар билан нақл қилинган бўлиши ва асли ақл билан исботланиши шарт.

Ақидада тақлид қилиш ҳаромдир. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ ءِآبَاءَنَا أُولُو كَأَن ءَابَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ﴾

«*Қачон (муширикларга): «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар, ҳам-а?»* [Бақара 170]

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُو إِلَى اللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي ۖ وَسُبْحٰنَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«*Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга-ишончга*

**эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушириклардан эмасман»** [Юсуф 108]

﴿بَلِ اتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَهْوَاءَهُمْ بِغَيْرِ عِلْمٍ فَمَنْ يَهْدِي مَنْ أَضَلَّ اللَّهُ وَمَا لَهُمْ مِنْ نَاصِرِينَ﴾  
**«Йўқ, золим кимсалар бирон билим-ҳужжатсиз ҳавойи нафсларига эграшиб (Аллоҳга ширк келтирдилар). Бас, Аллоҳ йўлдан оздирган кимсани ким ҳидоят қила олур?! (Ҳеч ким ҳидоят қила олмас) ва улар учун (охиратда) ёрдам бергувчилар ҳам бўлмас»** [Рум 29]

Дарҳақиқат, барча ширклардан пок Аллоҳ Таоло кофирларни илмсиз эргашишда айблади. Шундай экан, Аллоҳ Таоло мўминларнинг илмсиз эргашишларига рози бўлмайди. Аллоҳ Таоло мўминларнинг ўз даъватларида Пайғамбар ﷺ га эргашишларини «аниқ ҳужжат ва ишонч асосида» деб, бошқача айтганда белгилари тиник йўлда деб сифатлади.

Аллоҳ Таоло ҳар бир мусулмонга ўз ақидасини қатъият, ишонч, илм ва имон даражасига етказишини вожиб қилар экан, шундай дейди:

﴿فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ﴾

**«Бас, (эй Муҳаммад), ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Аллоҳгина бор эканлигини билинг»** [Муҳаммад 19]

﴿اعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ وَأَنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

**«Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зот эканини ва албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон эканини билингиз!»** [Моида 98]

﴿وَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّكُمْ مُلْقَوَةٌ﴾

**«Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, сизлар Унга рўбарў бўлгувчисиз»** [Бақара 223]

﴿لِيَسْتَيْقِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَيَزِدَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِيمَانًا﴾

**«Токи китоб берилган кимсалар (яъни яҳудий ва насронийлар ўзларининг илоҳий китоблари бўлмиш Таврот ва Инжилда ҳам дўзах қўриқчилари бўлган фаришталар саногии ўн тўққизта экани айтилганини кўриб Қуръоннинг Аллоҳ томонидан нозил қилинган Ҳақ Китоб эканлигини) аниқ билгайлар ва имон келтирган зотларнинг имонлари эса янада зиёда бўлгай»** [Муддассир 31]

Ислоом ақидага далил кўп бўлишини вожиб қилган. Чунки далил қатъийликка олиб боради ва у орқали воқеликка мос келиш ҳосил бўлади.

Аллоҳ Таоло айтади:



﴿أَمْ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ ءَالِهَةً قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ﴾

**«Ёки Уни қўйиб (бошқа) «худоларни» топиб олдиларми?! (Эй Муҳаммад), айтинг:** «Эй мушриклар, мана шу ширкларингиз ҳақ эканлигига) **ҳужжат-далилларингизни кўрсатингиз!**» [Анбиё 24] Яъни воқеликда Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги аниқ. Сизларнинг Аллоҳдан бошқа илоҳлар бор деган даъвойингизга мос келадиган далилингиз йўқ.

﴿أَمْ يَبْدُوا أَلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَمَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَءَلِهَةٌ مَعَ اللَّهِ قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

**«Ёки бошлаб Ўзи яратиб, сўнгра (охиратда) қайта яратадиган зотми?! Ким сизларга осмон ва заминдан ризқу-рўз берур? Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! (Эй Муҳаммад, кофирларга) айтинг:** «Агар ростгўй бўлсангизлар **ҳужжатларингизни келтирингиз!**» [Намл 64]

﴿قَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحٰنَهُ هُوَ الْعَزِيزُ لَهُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ إِنْ عِنْدَكُمْ مِنْ سُلْطٰنٍ بِهٰذَا أَتَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

**«Аллоҳнинг боласи бор», дедилар. У зот (буларнинг бад гумонидан) мутлақо покдир. У беҳожатдир. Осмонлар ва ердаги бор нарсалар Уникидир. Сизларнинг ҳузурингизда бу тўғрида (яъни, Аллоҳнинг боласи бор, деган) ҳеч қандай ҳужжат йўқ-ку! Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсангизни айтаверасизларми?»**

[Юнус 68]

Қуръони карим Аллоҳнинг барча шериклардан пок илоҳлигига очик далилларни келтирар экан, шундай дейди:

﴿أَمْ اتَّخَذُوا ءَالِهَةً مِنَ الْأَرْضِ هُمْ يُنشِرُونَ ﴿۲۰﴾ لَوْ كَانَ فِيهِمَا ءَالِهَةٌ إِلَّا اللَّهُ لَفَسَدَتَا فَسُبْحٰنَ اللَّهِ رَبِّ الْعَرْشِ عَمَّا يَصِفُونَ﴾

**«Ёки улар (яъни мушриклар) ернинг ўзидан (яъни, тош, ёгочлардан), (ўликларни) тирилтира оладиган «худоларни» топиб олдиларми?! Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетар эди. Бас, ари эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) покдир»**

[Анбиё 22]

﴿قُلْ لَوْ كَانَ مَعَهُ ءَالِهَةٌ كَمَا يَقُولُونَ إِذَا لَا يَتَّبِعُونَ إِلَّا ذِي الْعَرْشِ سَبِيْلًا ﴿۲۱﴾ سُبْحٰنَهُ وَتَعٰلَىٰ عَمَّا يَقُولُونَ عُلُوًّا كَبِيْرًا﴾

«(Эй Муҳаммад), **айтинг:** *«Агар улар айтганларидек Аллоҳ билан бирга (бошқа) илоҳлар ҳам бўлса эди, у ҳолда ўша (илоҳлар) арш соҳибига (яъни, Аллоҳга) қарши йўл излаган бўлур эдилар».* (Аллоҳ) улар айтган нарсадан пок ва ниҳоят даражада юксакдир» [Исро 42-43]

﴿مَا آتَخَذَ اللَّهُ مِنْ وَلَدٍ وَمَا كَانَ مَعَهُ مِنْ إِلَهٍ إِذَا لَذَهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ وَلَعَلَّ بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُصِفُونَ ﴿٦٠﴾ عَلِيمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ فَتَعَلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ﴾

«Аллоҳнинг боласи йўқдир ва У зот билан бирга бирон илоҳ бўлган эмасдир. Акс ҳолда албатта ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан кетиб, бир-бирларидан устун бўлиб олур эдилар, (яъни ҳар бир «илоҳ» ўз ҳукмини ўтказмоқни устаб, натижада еру осмон бузилиб кетган бўлур эди). Аллоҳ улар айтаётган шериклардан покдир. У гайбу-шаҳодатни билгувчидир. Бас у (мушрикларнинг) ширкларидан юксакдир» [Мўминун 91-92]

﴿وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَٰئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا﴾

«(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил — буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшитган, кўрган ишонган ҳар бир нарсаси учун киши Қиёмат кунда жавоб беради)» [Исро 36]

Яъни билмаган нарсага эргашма, эшитмаган нарсани эшитдим дема, кўрмаган нарсани кўрдим дема ва билмаган нарсани биламан дема. Албатта қулоқ, кўз, дил буларнинг барчасидан сўраласан. Агар фосиқ хабар келтирса, уни аниқлаб исботламагунча олма.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَأٍ فَتَبَيَّنُوا أَن تُصِيبُوا قَوْمًا بِجَهَالَةٍ فَتُصْحَبُوا عَلَيَّ مَا فَعَلْتُمْ نَادِمِينَ﴾

«Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда, бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар!» [Хужурот 6]

﴿فَسْأَلُوا أَهْلَ الدِّكْرِ إِن كُنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Бас, агар ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар аҳли илмлардан сўранглар!» [Анбиё 7]

Булар Қуръоний манҳажнинг асос ва қоидаларидир. Бу манҳаж ақл ва фикрни ишлатишни, ақидани далилга қуришни, илмга эргашишни ҳамда ақидада далилсиз эргашмасликни асосий ўринга

қўяди. Шунингдек, ушбу Қуръоний манҳаж ҳис этиш ва маълумот ҳосил қилиш механизмини, яъни, ақл механизмини очиқ кўрсатиб беради: ақл шундай нарсаки, (уни қалб ҳам дейилади)<sup>1</sup> ҳис унга кўриш ва эшитиш орқали кўчиб ўтади. Далил келтириш эса, воқеликка берилган ҳукмнинг воқеликка мос келишидир. Бу билан илм ва имон ҳамда ҳаёт йўлида шу имонга асосланиш ҳосил бўлади.

Булар фикрлашдаги ақлий тариқатнинг асосларидир. Шунингдек, у аввалги мусулмонлар юрган манҳаждир. Улар далил ва ҳужжатларни келтиришда ҳамда фикрлашда ақлий тариқатни ишга солишди. Лекин мантиқ илми келиб, айримлари уни ишлатгач, улар баҳс қилиш, илм ўрганиш ва билим олиш учун Қуръон чизиб берган манҳаждан чекинишди. Лекин айти пайтда Қуръоний манҳаж фикрлаш ва далил келтиришда асос бўлиб қолди. Зеро, ўнлаб оятларда фикрлаш, ақл юритиш, далил ва ҳужжатни ишлатишга буюрилади ҳамда улар Аллоҳнинг борлиги ва Ислом рисолатининг тўғрилигига далолат қилувчи оятларда муфассал баён қилинган.

Энди, фақат битта нарсани айтишимиз қолди, у ҳам бўлса, Исломнинг катта тугунни ечиш ҳамда: Мен кимман? Қаердан келдим? Борлигимдан мақсад нима? Қаёққа бораман? – каби саволларга жавоб беришдаги манҳажини баён қилишдир. Қуръон яратувчининг борлиги ва коинотнинг пайдо бўлишига ақлий далиллар келтиради. Шунингдек, яратувчининг махлуқотларга ўхшатиб қўядиган ва натижада яратувчига муҳтож бўлиб қоладиган сифатлар билан сифатланиши мумкин эмаслигига далиллар келтиради. Бундан ташқари, коинотдаги пухта санъат ва тартибни яратувчининг ёлғизлиги ва қудратига боғлаш орқали Аллоҳ Таолонинг ақл билан исботланган сифатларига далиллар келтиради.

Сўнгра яратувчи билан махлуқотлар ўртасидаги алоқани билиш ҳамда яратиш алоқасини ва буйруқ ва қайтариқлар алоқасини билиш учун инсонлар элчиларга муҳтож экани тўғрисида далил келтиради. Элчиларнинг тўғрилиги эса, уларнинг мўъжизалари билан исботланади. Бошқача айтганда, Аллоҳ Таоло уларни қўллаб-қувватлаган ва Аллоҳдан бошқасининг қўлидан келмайдиган ҳамда коинот тартиб-қоидаларидан бошқача ғайриоддий ишлар билан исботланади.

<sup>(1)</sup> Феруз Ободий Қомусул мухит китобида: Қалб бу юрак, ақл ва ҳар бир нарсанинг асл-тозасидир, деган.

Агар Қуръон Аллоҳнинг каломи ва Муҳаммад ﷺ Аллоҳнинг элчиси экани ақлий ва қатъий далил билан исботланса, Ислому Аллоҳнинг дини экани исботланган бўлади. Шунда тугун баҳси ақлий далил келтиришдан нақлий далил келтиришга ўтади. Лекин бу нақлий далилнинг асли дин асосларидан бўлган қатъий далил билан исботланган бўлиши шарт. Чунки шундай бўлса, нақлнинг асли ақл билан исботланган бўлади. Шунингдек, ақл унга коинотнинг яратувчиси томонидан содиқ ва ишончли Элчисига ваҳий орқали келган деб қаноатланади. Бундан ташқари, Аллоҳ томонидан ёлғоннинг келиши мумкин эмаслигига хотиржам бўлади ва ваҳий олиб келган барча нарсага таслим бўлади. Мана шу манҳаж бўлиб, ундан ақл ва фитратга мос ақлий ақида келиб чиқади. Қуръон ва суннатдаги қатъий нусуслар ишонч учун манба бўлади. Шариатлар эса, хотиржамлик учун манба бўлади, чунки улар яратувчи ва яратишдан бўлган ғояга алоқадордир. Пировардида қалб ҳам уларга хотиржам бўлади, таслим бўлади ва уларга эргашади. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Саудия дарралаш жазосини бекор қилиб, унинг ўрнига қамаш ёки жарима солиш жазосини қўлламоқда</b>		
<p>Рейтер ахборот агентлигининг хабар беришича, агентлик Саудия олий суд томонидан чиқарилган ҳужжатни қўлга киритган. Ҳужжатда олий суд томонидан дарралаш жазоси бекор қилиниб, ўрнига қамаш ёки жарима солиш жазоси жорий қилиниши айтилган. Ҳужжатда жумладан шундай дейилади: «Бу нарса мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ислоҳотларга қўшимча равишда қилинмоқда. Шунингдек, бу қирол Салмон ибн Абдулазизнинг кўрсатмаси ҳамда валиаҳд шахзода Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазизнинг бевосита кузатуви ва етакчилиги остида амалга оширилмоқда».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу ўша Саудия давлати ҳамда унинг қироли Салмон ва ўғли шахзода Муҳаммадлар бўлиб, улар Аллоҳнинг динини ўзгартиришмоқда ва ўз жиноятларини очик равишда амалга оширишмоқда... Бу жиноятлар Ибн Салмоннинг мамлакатни замонавийлаштириш режалари доирасида Исломнинг шаклини ўзгартириш ва уни кўпроқ мўътадил қилиш ҳақида Ғарбга берган ваъдалари билан мос келмоқда.. Бу иш Саудиядаги уламоларнинг кўрсатмаси асосида юргизилмоқда. Саудия давлати инглизлар кўмаги билан ташкил бўлган кундан бошлаб, бу уламолар Сауд оиласининг хиёнати ва малайлигидан кўз юмиб келишади. Улар ўша кундан бошлаб, гоҳ Америка, гоҳ Британияга малайлик қилишади. Бугун эса, улар қабиҳликларини ўзлари фош қилишмоқда. Улар Саудия ҳукмдорларини ўзгартириш учун ҳаракат қилишлари ёки ўзгартириш учун ҳаракат қилаётганларга қўшилишлари вожибдир.</p>		
<b>Бу янги оламшумул динми... Коронавирус вабосини бартараф этиш учун «Инсоният учун дуо»га оммавий даъват</b>		
<p>Бирлашган Араб Амирликларининг меҳр мурувват вазирлиги 14 май пайшанба куни Гринвич вақти билан соат 13:45да «масофа сақлаган» ҳолда коронавирус хатари бартараф этилишини сўраб намоз ўқиш ва дуо қилишга чақирди. Шунингдек, пайшанба куни ўқиладиган намозда меҳр мурувват вазири шайх Ниҳён ибн Муборак оли Ниҳён ва олам миқёсидаги турли дин масъуллари иштирок этиши айтилди. Ибн Муборак ўзининг мактубида шундай баёнот берган: «Меҳр мурувват вазирлиги инсоний биродарлик олий кенгаши билан ҳамкорликда тили, ранги ва динидан қатъий назар барча инсонларни дуо ва намоз билан Аллоҳга илтижо</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>қилишларига чақиради». Ушбу чақирикқа Азҳар ҳам қўшилди ва бир неча мусулмон давлатлари фатво идоралари орқали уни қўллаб-қувватлашди... Иш нафақат диний ва сиёсий доираларга чекланди, балки уларга бир неча араб актёрлари ҳам қўшилишди. Дуо қилишга бўлган ушбу чақирик инсоний биродарлик олий кенгаши ташаббуси билан амалга оширилди. Бу кенгаш 2019 йил феврал ойида «Инсоний биродарлик ҳужжати» ғояларини амалга ошириш мақсадида Азҳар шайхи ва Рим папаси ташаббуси билан тузилган эди. Ҳужжатда халқаро тинчлик, ҳамкорликда ҳаёт кечириш ҳамда келгуси авлодлар учун меҳр мурувватли ва чароғон келажакни таъминлаш ҳақида айтилган...</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Дарҳақиқат, бугун олам ҳамма соҳада балога йўлиқди. Барча динларни йўқ қилиб, ўрнини ўзи эгалламоқчи бўлган глобализм ҳамма соҳада муваффақиятсизликка учради... Юқорида айтилган ишлар Исломга қарши қай даражада тил бириктирилганини кўрсатиб турибди. Чунки Ислом глобализмга қарши курашиб, унга зарба бера оладиган ягона диндир. Бу каби чақириклар ушбу динни йўқотишни хоҳлаётган қўллар борлигини фош қилмоқда.</p>		
<p><b>Сорос: коронавирус эпидемияси «Ҳазоратимизга хатар солмоқда»</b></p>		
<p>Машҳур ишбилармон Жорж Сорос Эндепендент газетасига берган интервьюсида бугунги вабони ўз ҳаётида кўрган «Энг катта инқироз» деб атади. Жумладан у шундай деди: «Мен вабо тарқалишидан олдин инқилобий онларни бошимиздан кечиряпмиз деб ўйлар эдим. Зеро, оддий вақтларда тасаввур қилиб бўлмайдиган ёки мумкин бўлмаган нарса гоҳида ғоятда зарур бўлиб қолади. Сўнгра covid-19 келди ва одамларнинг ҳаётини ишдан чиқарди ҳамда турли хатти-ҳаракатларни қилишга мажбур қилди. Бу каби ҳодиса олдин рўй бермаган ва айниқса бунчалик таъсир қилмаган эди. Бу эса, ҳазоратимизга ҳақиқий хатардир». У қўшимча қилар экан, шундай дейди: «Биз вирус пайдо бўлгач, олдин билган нарсаларни ўргандик. Лекин биз ҳозир ҳаракатланаётган нишонга ўқ узмоқдамиз. Чунки вирус жуда тез ўзгармоқда ва вакцина ишлаб чиқариш учун кўп вақт керак бўлади. Ҳатто у ишлаб чиқарилган тақдирда ҳам вирус йилдан-йилга ўзгараётгани учун унинг қанчалик ўзгарганини билишимиз зарур бўлади. Бу худди гриппнинг вакцинаси борасида ҳар йили амалга оширилаётган ишга ўхшайди». Сорос коронавируснинг</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------

капитализмга бўлган таъсири ҳақидаги саволга: «Биз пандемиядан олдинги ҳолатга ҳеч қачон қайтмаймиз. Бу аниқ, ҳа бу ягона аниқ бўлган нарсадир. Лекин бошқа барча нарсалар борасида баҳс ва муноқаша қилиш мумкин. Мен бирор киши капитализмнинг аҳволи нима бўлишини айтиб бера олади деб ўйламайман».

**Ал-Ваъй:** Албатта капитализм пайдо бўлганидан бери муваффақиятсизликдан бошқа нарсани билмаган ҳазоратдир. Капитализмнинг қулашига сабаб унинг ўзидир. Чунки унинг фикрлари заиф ва муолажалари нотўғридир. Балки аксинча, у доим инқирозларга дучор бўлаверади ва уларга қарши ечими йўқ. Капитализм фақат ямашни биледи... Агар ямоқ солиш уни ислоҳ қилганида тўғриланган бўлар эди. У ўзининг ваҳшийлиги, маккорлиги ва жиноятчилигини яширадиган ташвиқотларга суянади. Бугун олам капитализм туфайли шундай ҳолатга келдики, уни бузилган жойини тuzатадиган ва ўзгартирадиган ҳодиса рўй беришини кутмоқда. Бошқача айтганда, олам яроқли ҳазорат бўлмиш исломий ҳазоратга муҳтождир. Биз Аллоҳдан ўз изни билан Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳазоратни тиклашга муяссар қилишини сўраймиз... Бу эса, Аллоҳга осондир.

**Ле Монд: Нима учун Ўрта Шарқда коронавирус тарқалишига қарамай, кўп сонли ўлим ҳолатлари йўқ?**

Франциянинг Ле Монд газетаси тўрт нафар журналистларнинг қўшма мақоласида вафот этганлар сони озлигидан ҳайратлангани ҳақида ёзган (Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2020 йил 8 мартдаги ҳисоботида кўра, Ўрта Шарқда коронавирусдан вафот этганлар сони 1125тадан ортамаган) мақолада ушбу минтақа касаллиқнинг Хитойдан кейинги ўчоғи бўлмиш Эронга яқин бўлгани, Сурия, Ливан ва Ироқдаги соғлиқни сақлаш тизимида турли камчиликлар кўплиги, Мисрда бепоён демография, ҳаддан ташқари тўлиб тошган ва антисанитар уйларнинг кўплигига қарамай, вафот этганлар сони кам бўлгани ҳақида айтилган. Бундан ташқари, Фаластин ва Суриялик қочқинлар лагерлари ва муҳожир ишчилар орасида вазият ёмонлиги ҳамда қамоқхоналар маҳбуслар билан тўлиб тошганига қарамай, ўлим ҳолати камлиги айтилган... Шунингдек, мақолада Фаластинда касаллик туфайли ўлганлар сони (Исроил)дан 50 баробар озлиги ёзилган (239тага 4та тўғри келган). Унда яна ёзилишича, аҳоли сони 33 миллион бўлган Саудияда вирусдан ўлганлар сони аҳолиси 5 миллион бўлган

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Норвегияда вирус туфайли ўлганлар сони билан тахминан бир хил бўлган. (217га 219). Лемонд мухбирларининг айтишларича, Ўрта Шарқ ва Африкада вафот этиши тахмин қилинган миқдор рўй бермаган. Улар буни турли омилларга боғлашган. Масалан, фуқаролар ичида ёшларнинг кўплиги, ўтмишда турли ваболарни бошдан кечиргани, юқиш коэффицентининг пастлиги, зудлик билан карантин жорий этилиши ҳамда поезд ва автобус каби транспортларнинг етишмаслиги, шу туфайли одамларнинг аралашшига чек қўйилгани, бундан ташқари, ушбу юртларда ёши улуғ кишилар кўпроқ уйда қолишгани каби омиллар айтилган.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Албатта мусулмон юртларда коронавирус тарқалишини олдини олган энг муҳим омил бу аҳоли орасида ёшларнинг сони юқорилигидадир. Зеро, аҳоли орасида ёшлар сони аниқ ўсиб бормоқда. Зудлик билан карантин жорий қилиш, мусулмонлар ҳаётида тозалик ва санитария қоидаларига риоя қилиниши, буларнинг барчаси Ислом таълимотларидандир.</p>		
<p><b>Женевада минглаган одамлар бепул озиқ-овқат пакетларини олиш учун навбатда туришибди</b></p>		
<p>Рейтер ахборот агентлигининг хабар қилишича, Женевада минглаган одамлар 2020 йил 9 май эрталаб бепул озиқ-овқат пакетини олиш учун навбатга туришган ва уларнинг узунлиги километрлаб масофаларга чўзилган. Бу нарса коронавирус пандемияси ҳатто бой давлатлардан ҳисобланадиган Швецариядаги қашшоқ ишчилар ва ноқонуний мигрантларга таъсир қилганини кўрсатмоқда. Каритас хайрия ташкилотининг айтишича, аҳолисининг сони 8.6 миллион бўлган Швецарияда 2018 йили 660 минг камбағал рўйхатга олинган бўлиб, хусусан улар ўз оилаларининг ягона боқувчиси бўлишган. Ўрта таълимга эга бўлганлар иш ўринларини йўқотишгач, қайта иш топа олмайдилар. Мамлакат бўйлаб 1.1 миллион шахс қашшоқлик хатарига йўлиққан. Яъни, улар ўртача киримнинг 60 %ига эга бўлган кишилардир. Швецарияда 2018 йилдаги маълумотга кўра, ўртача кирим доимий иш жойида ишловчилар учун 6538 франк (6736 доллар)ни ташкил қилган.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Коронавирус капитализмнинг ёлғон ташвиқотлари яшириб турадиган айбларини фош қилди. Ҳар бир янги ва гуллаб-яшнаган кўча ортида эски ва увадаси чиққан тор кўчалар бор деган киши нақадар тўғри сўзлагандир. Жуда ҳам бой ва аҳолиси</p>		



ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------

нисбатан кам бўлган Швецариянинг аҳволи шу бўлса, Европадаги бошқа кексайган давлатларнинг аҳволи қандай бўлиши мумкин!

### **Хоманайнинг твитлари уни Америка босимларига таслим бўлганини кўрсатмоқда**

Эрон муршидининг твитлари Эрон Америкага таслим бўла бошлади деган кўплаган изоҳларни келтириб чиқарди. Изоҳларда келишича, бу икки давлат ўртасидаги яширин ўтказилаётган музокаралар давомида Эроннинг Америка шартларига бўйсунушига келишиб олинди. Хоманай ўз твитларида шундай деди: «Мен ўйлайманки, Имом Ҳасан мужтаба Ислом тарихидаги энг жасур инсон бўлган. Чунки у киши ҳақиқий манфаат йўлида асҳоблари ва яқинлари орасида ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган. Шунингдек, Исломни қўриқлаш, Қуръонни ҳимоя қилиш ва тарихда келажак авлодларни йўналтириш учун сулҳга рози бўлган». Хоманай 2013 йил сентябрда мана шу позицияни тутди ва бир неча кундан кейин АҚШ давлат котиби Жон Керри ва Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавод Зариф ўртасида яширин учрашув ташкил қилди. Учрашув Уммон салтанати ва Швецария ҳомийлиги остида ўтказилди ва 2015 йили ядровий келишувга имзо чекилди. Хоманайнинг айна пайтда ушбу позицияни такрорлаши икки давлат ўртасида музокаралар ўтказилаётганидан дарак беради. Шарҳларда айтилишича, Ироқда Эрон инкор қилган ва Қосим Сулаймонийга суиқасд қилишда айблаган Козимий ҳукуматининг ташкил этилиши Эроннинг чекинаётганига ишора қилади. Хусусан, Козимий Эрон кўрсатмаларига хилоф равишда зудлик билан хавфсизлик ва ҳарбий қарорларни чиқарган. Бу нарса Абдулвахҳоб Соидий бригадасини қайта тиклаш ва лавозимини кўтариш ҳамда намоийишда ҳибсга олинганларни озод қилиш орқали амалга оширилди. Бу эса Ироқ, Ливан, Сурия ва Яман ишларига тескари таъсир қилади.

**Ал-Ваъй:** Эрон-Америка кураши номли доирада Эроннинг ташқи сиёсати Америка сиёсати эканини унутилмаслик лозим. Чунки икки мамлакат ўртасида тузилган ядро иттифоқи Америка манфаати бўлган эди. Агар Америка уни бекор қилишни хоҳласа, демак бунда унинг манфаати бўлади. Американинг минтақада Эроннинг таъсир доираси кучайишига кўз юмиши Қўшма Штатларнинг Обама давридаги стратегик манфаати учун бўлган эди. Эроннинг минтақадан чиқиб кетишини исташи ҳам фақат Америка манфаати учундир... Шунинг учун ҳар икки ҳолатда ҳам

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Эрон сиёсати Американинг минтақадаги ташқи сиёсати манфаатига хизмат қилади.		
<b>«ФБР» Ливанда ишлаган Саудия масъулининг 11 сентябр ҳодисаларида айбланиши хато бўлганини фош қилди</b>		
<p>Федерал қидирув бўлими ФБР Саудиялик масъул 2001 йили 11 сентябр ҳужумларида хато айбланганини фош қилди. У Саудиянинг Вашингтондаги элчилигининг собиқ сақофий атташъеси Мусоид Аҳмад Жароҳдир. «Yahoo News» сайтида ёзилишича, Жароҳ ФБРнинг ҳисоботларида айрим ҳужум уюштирувчиларга ёрдам бергани айтилган. Жароҳ Амирликлар, Ливан ва Малайзия каби бир неча давлатларда Саудиянинг сақофий атташъеси бўлиб ишлаган. Бугун эса, Саудиянинг Марокашдаги элчихонасида мана шу мансабда ишламоқда. 11 сентябр ҳужуми қурбонлари ФБР ҳисоботларидаги сирларни ошкор қилишни талаб қилиб, федерал судга мурожаат қилганлар. Саудия ҳукумати эса, ушбу ҳужумларга алоқаси бўлмаганини бир неча марта айтган. Ўтган йили сентябр ойида Америка юстиция вазирлиги Саудия ҳукуматидаги сентябр ҳужумларига алоқадор шахс кимлигини аниқлаш учун кўп вақт кетишини айтган. Вазирлик яна сентябр ҳужуми қурбонлари ва унда мусибатланганлар оилалари томонидан 2003 йилда даъво аризаси тушгани ва унда Саудия ҳукуматидаги масъуллар билиб туриб уочларни олиб қочиш ишларига ёрдам бергани ҳақида ёзилганини айтган.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Ушбу хабар қасддан тарқатилгани аниқ. Трамп бу хабар ортидан Саудиядек соғин сигирини шантаж қилмоқчи. □</p>		

## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА



﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَعَاتَوْا الزَّكَاةَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٧٧﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٢٧٨﴾ فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِمَحْرَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ ﴿٢٧٩﴾

وَإِن كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ وَأَن تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٨٠﴾ وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَىٰ اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّىٰ كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٢٨١﴾

«277. Албатта имон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурда ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 278. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) 279. Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайгамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. 280. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. 281. Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди»

[Бақара 277-281]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Бақара сурасидаги рибо оятлари ниҳоясига етгач, энди мана шу муҳим мавзу ҳақида биров тўхталиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Аллоҳдан тавфиқ сўраган ҳолимда айтаманки:

1 – Рибо сўзининг луғавий маъноси умуман ортиқчалиқдир. Масалан, нарса ўсди, дейилганда унинг ортгани англашилади. Муслим ривоят қилган мана бу ҳадис ҳам шундан: Абдуррахмон ибн Абу Бакр айтди: «Аллоҳга қасамки, бир луқма олишимизга унинг тагидан олган луқмамиздан кўпроқ ўсиб чиқарди».<sup>1</sup> Бу ерда гап Пайғамбар ﷺ баракали бўлишини сўраб, дуо қилган таом устида кетяпти.

Араблар қиладиган рибо кўпинча мана бундай тарзда рўй берарди: Қарзни тўлаш муддати келгач, қарз берган одам қарздорга, қарзингни берасанми ёки яна ўстирасанми, дерди. Шундай қилиб, муддат узайиши билан мол ҳам ортиб бораверарди. Талаб қилинган мол ўша сармоя бўларди. Янги муддат учун яна янги ортиқча маблағ тўланарди. Қарзнинг кўпайишига сабаб унинг вақтида тўланмагани сабаб бўларди. Мана шуни улар рибо, деб ҳисоблардилар ва раво деб билардилар.

2 – Бу рибо сўзининг луғавий маъноси. Унинг икки турли шаръий маъноси ҳам бор.

Биринчиси насия рибоси. Унинг сабаби муддат билан боғлиқ бўлади. Яъни, насия бу кечиктиришдир. Араблар шу иш билан шуғулланардилар. (Тўлов маълум бир муддатга кечиктирилгани туфайли қарзнинг ортиши). Шариат бу луғавий номни ўз ўрнида қолдирди ва уни рибо деб эътибор қилди. Кейин унга янги бир шаръий маъно ҳам берди. У муайян хилли нарсаларни ўзининг хилига сотиш ёки ўз хилининг ярмига сотиш, лекин олди-сотди қўлга қўл бўлмасдан (яъни, бир вақтда бўлмасдан) маълум муддатдан кейин бўлишидир. Олинадиган миқдор сотилган миқдорнинг айнан ўзи бўладими, ундан озроқ бўладими, ҳар хил бўладими, фарқи йўқ. Яъни, насия рибоси шаръий ҳақиқат жиҳатидан икки турли бўлади:

- Тўлов кечиктирилгани туфайли қарзнинг ортиши.
- Рибога оид олти хил нарсани навлари бир хил ёки ҳар хил бўлишидан қатъий назар, қўлга қўл қилмасдан, (олди-сотди бир вақтда бўлмасдан) олдинма кейин қилиб сотиш.

Иккинчиси ортиқлик рибоси. Унинг сабаби муддат эмас, ортиқлик бўлади. Унда мана шу турдаги нарсалардан бири ўз хилига бир вақтнинг ўзида олди-сотди қилинадию лекин тенгма-тенгга эмас, кўпроқ миқдорига сотилади.

<sup>(1)</sup> Муслим 3833.

Бу олти тур нарсалар олтин, кумуш, буғдой, арпа, хурмо ва туздир. Бунга асосимиз Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилинган савдо ва қарз ҳақидаги саҳиҳ ҳадислардир.

3 – Муслим Абу Саид Худрийдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ  
مِثْلًا مِثْلُ يَدَا بَيْدٍ فَمَنْ زَادَ أَوْ اسْتَرَادَ فَقَدْ أَرَى الْآخِذَ وَالْمُعْطَى فِيهِ سَوَاءٌ»

«Олтинга олтин, кумушга кумуш, буғдойга буғдой, арпага арпа, хурмога хурмо, тузга туз миқдори бир хил ва қўлга қўл бўлсин. Ким қўпроқ ёки озроқ қилса, демак, у рибо қилибди. Бу ишда олувчи ҳам, берувчи ҳам баробар».

Абу Довуд Убода ибн Сомитдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ تَبْرُهَا وَعَيْنُهَا وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ تَبْرُهَا وَعَيْنُهَا وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ مُدِّيٌّ مُدِّيٌّ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ مُدِّيٌّ مُدِّيٌّ وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ مُدِّيٌّ مُدِّيٌّ وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ مُدِّيٌّ مُدِّيٌّ فَمَنْ زَادَ أَوْ أَرَادَ فَقَدْ أَرَى، وَلَا بَأْسَ بِبَيْعِ الذَّهَبِ بِالْفِضَّةِ وَالْفِضَّةِ أَكْثَرُهَا يَدَا بَيْدٍ، وَأَمَّا نَسِيئَةٌ فَلَا وَلَا بَأْسَ بِبَيْعِ الْبُرِّ بِالشَّعِيرِ وَالشَّعِيرِ أَكْثَرُهَا يَدَا بَيْدٍ وَأَمَّا نَسِيئَةٌ فَلَا»

«Олтинга олтин қуймаси ҳам, ясалгани ҳам, кумушга кумуш қуймаси ҳам, ясалгани ҳам, буғдойга буғдой миқдорга миқдор, арпага арпа миқдорга миқдор, хурмога хурмо миқдорга миқдор, тузга туз миқдорга миқдор, ким қўп ёки оз қилса, демак, у рибо қилибди. Олтинни кумушга сотишда кумуш қўпроқ олинса ҳечқиси йўқ, фақат қўлга қўл бўлсин, насия сотиш эса мумкин эмас. Буғдойни арпага сотишда арпа қўпроқ олинса ҳечқиси йўқ, фақат қўлга қўл бўлсин, насия сотиш эса мумкин эмас».<sup>1</sup>

(مدى) сўзи ўлчов бирлиги. (биз уни миқдор деб таржима қилдик). (تبر) сўзи олтин ёки кумушнинг дирҳам ёки динол зарб қилинмасидан олдинги қуйма ҳолати. Бирлиги (تبره) бўлади. (عين) сўзидан мулод эса зарб қилинган дирҳам ёки динол. Пайғамбар ﷺ нинг

«تَبْرُهَا وَعَيْنُهَا سَوَاءٌ»

«Қуймаси ҳам, ясалгани ҳам баробар», деган гаплари шу маънода.

Дорукутний Али ﷺ дан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

<sup>(1)</sup> Абу Довуд: 2907. Насоий: 4487.

«الدِّينَارُ بِالذِّينَارِ وَالذِّرْهَمُ بِالذِّرْهَمِ لَا فَضْلَ بَيْنَهُمَا، مَنْ كَانَتْ لَهُ حَاجَةٌ بِوَرَقٍ فَلْيُصْرِفْهَا بِذَهَبٍ وَإِنْ كَانَتْ لَهُ حَاجَةٌ بِذَهَبٍ فَلْيُصْرِفْهَا بِوَرَقٍ هَاءٌ بِهَاءٍ»

«Динорга динор, дирҳамга дирҳам, улар ўртасида ортиқлик йўқ. Кимга пул керак бўлса, уни олтинга майдаласин. Агар унга олтин керак бўлса, уни пулга майдаласин. Фақат мана сизга, мана сизга бўлсин». Яъни, олди-берди бир вақтнинг ўзида бўлсин.

Шундай қилиб, кимдир маълум навдаги хурмони ёқтириб қолса, ўзининг хурмосини бошқа нарсага сотиб, кейин ўша нарсага ўзи истаётган хурмони сотиб олиши мумкин. Лекин хурмога хурмо оладиган ёки сотадиган бўлса, микдорга микдор ва қўлга қўл бўлиши вожиб.

Муслим Абу Саид Худрийдан ривоят қилишича, Билол رضي الله عنه бир хурмони олиб келди. Пайғамбар ﷺ ундан, буни қаердан олдинг, деб сўрадилар. Билол, ўзимиздаги хурмо ёмон навли эди, Пайғамбар ﷺ есинлар деб, унинг икки соясига (соя ўлчов бирлиги) бир соя мана бу хурмони олдим, деб жавоб берди. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«أَوْه، عَيْنُ الرَّبَا لَا تَفْعَلْ، وَلَكِنْ إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَشْتَرِيَ التَّمْرَ فَبِعْهُ بَيْعَ آخَرَ ثُمَّ اشْتَرِ بِهِ»

«Ўҳ, айна рибонинг ўзи бўлибди, бундай қилма, агар хурмо сотиб олмоқчи бўлсанг, ўзингдагини бошқа нарсага сот, кейин ўшанга сотиб ол», дедилар.<sup>1</sup> Яна бир ривоятда:

«هَذَا الرَّبَا فَرُدُّوهُ ثُمَّ بَيْعُوا تَمْرًا وَاشْتَرُوا لَنَا مِنْ هَذَا»


«Бу рибодир, уни қайтаринглар, кейин бизнинг хурмойимизни сотиб, ўшандан бизга сотиб олинглар», деганлар.<sup>2</sup>

Бу ҳадис рибо савдоси фосид эмас, ботил эканига, яъни, уни бекор қилиш вожиблигига далилдир. Бунда рибога оид ортиқча қисм қайтарилишига мажбур қилинмайди, балки битим бутунлай бекор қилинади.

Пайғамбар ﷺ Билолга рибога оид ортиқча қисмни қайтариб олишни буюрмадилар. Балки ундан савдони бекор қилишни, сотиб олган ҳамма хурмони қайтариб беришини, ўзи сотган ҳамма хурмони қайтариб олишини, шундан кейин хурмосини дирҳамларгами, динорларгами сотиб, пулини ўша ернинг ўзида олиб, ўша пулга бошқа хурмони сотиб олишни буюрдилар.

(1) Бухорий: 2145. Муслим: 2985.

(2) Муслим: 2986.

Ўх сўзи киши хафа бўлиб ёки оғриб кетган пайтида айтиладиган сўз. Яъни, Билол  қилган иш қаттиқ инкор қилинапти.

Мана шу ҳадислардан аён бўладики, мазкур олти хил нарсанинг савдосида қўлга қўл бўлиши, яъни, бир вақтда бўлиши, шунингдек бири иккинчисидан кўп бўлмаслиги лозим. Агар бири иккинчисидан кўп бўлса, рибо бўлиб қолади. Бу рибо ортиқлик рибосидир.

Шунинг учун олтин савдоси билан шуғулланувчилар олтинга олтин ёки кумушга кумуш савдосида уларнинг навларига қараб, бирини оз, яна бирини кўп қилишлари дуруст бўлмайди. Бундай қилиш ортиқлик рибосига киради. Лекин улар олтинни кумушга ёки бошқа бир пулга истаган нархларида алмаштиришлари мумкин. Фақат савдо бир вақтнинг ўзида бўлиши лозим. Шу олти хил нарсалардан бир хил турдагилари савдоси бўладими (масалан, олтинни олтинга), ҳар хил турдагилари савдоси бўладими (масалан, олтинни кумушга), олди-берди бир вақтнинг ўзида бўлиши шарт. Акс ҳолда яъни, олди-берди бир вақтда бўлмаса, у насия рибоси бўлиб қолади.

Шуни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, бу олти тур нарсалар (олтин, кумуш, буғдой, арпа, хурмо, туз) мазкур ҳадисларда ҳужжат билан келган. Бу сўзлар жомид исмлар бўлиб, уларнинг мафҳуми йўқ. Уларнинг сабаблари ҳам кўрсатилмайди. Шунинг учун уларга бошқа нарсалар қиёс қилинмайди.

4 – Аллоҳ Таоло мана шу олти турдаги нарсаларнинг миқдори бир хил бўлиши ва бир вақтнинг ўзида бўлишидан салам савдосини истисно қилди. Салам савдосида пул нақд бўлади. (У пул, олтин, кумуш ёки бошқа нарса бўлиши мумкин). Товар эса насия бўлади. Бу савдо салаф савдоси, деб ҳам юритилади. Бу савдо жоиздир. Ундаги олди-берди кейинроққа қолдирилиши мумкин. Яъни, товар билан пул бир вақтнинг ўзида бўлиши шарт эмас. Бу ишда пул ёки товар ўша олти турдаги нарсалардан бўлса ҳам, рибо ҳисобланмайди. Яъни, масалан, пул олтин бўлиб, кейинга қолдирилаётган товар буғдой ёки арпа бўлса ҳам бу иш рибо дейилмайди. Бунга асос салам савдоси ҳақида ворид бўлган далиллардир.

а) Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدَيْنٍ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتَبُوهُ﴾

**«Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!»** [Бақара 283]

Салам қарздир. Чунки икки эвазнинг бири нақд, иккинчиси, товар эса насия. Бу оят салам савдоси ҳақида нозил бўлган. Уни Аллоҳнинг изни ила шу оят тафсирида баён қиламиз.

б) Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Пайғамбар ﷺ Мадинага келган пайтларида улар икки уч йиллик мевалар устида салаф савдосини қилардилар. Шунда Пайғамбар ﷺ,

«مَنْ أَسْلَفَ فَلَيْسَ لِفِ كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزَنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

**«Ким салаф савдосини қиладиган бўлса, уни аниқ ўлчов, аниқ вазн ва аниқ муддатга қилсин»,** дедилар.<sup>1</sup>

в) Бухорий Муҳаммад ибн Мужолиддан ривоят қилади: Мени Абдуллоҳ ибн Шаддод ва Абу Бурда Абдуллоҳ ибн Абу Авфонинг олдига бориб, Пайғамбар ﷺнинг замонларида саҳобалар буғдой устидан салаф савдоси қилардиларми, йўқми, шуни сўраб билиб келишга юбордилар. Абдуллоҳ, биз деҳқонлар Шом аҳли билан буғдой, арпа, ёғ устидан аниқ ўлчов ва аниқ муддатга салаф савдосини қилардик, деди. Мен бу ишда нимага асосланардинлар, деб сўрадим. У, бу ҳақда сўрамас эдик, деб жавоб берди.<sup>2</sup> Кейин мени улар Абдурахмон ибн Авфнинг олдига юбордилар. Ундан сўраган эдим, у, Пайғамбар ﷺнинг замонларида саҳобалар салаф савдосини қилардилар. Уларнинг экини бўлганми, йўқми, сўрамагандик, деб жавоб берди.

Маълум бир озуқа устидаги салам савдосида аниқ ўлчаш ёки тортиш билан муайян миқдордаги нақд пулга кейинроқ бериладиган нарса сотилади. Модомики, шаръий шартларга риоя қилинар экан, бу савдо дуруст савдодир.

Бу савдо рибога оид турдаги нарсалардаги олди-бердининг насия қилинмаслигидан мустаснодир. Шунингдек, у ўзингда бўлмаган нарсани сотишнинг ҳаромлигидан ҳам мустаснодир. Чунки салам савдосидаги сотувчи ҳали товарга эга бўлмай туриб, уни сотади.

Яна бир истисно ҳолати ҳам бор. У дарахтдаги хурмолар савдосига тегишли. Бунда хурмоси йўқ одам дарахтдаги хурмо мевасини маълум миқдордаги хурмога сотиб олади. Яъни, ўзидаги мавжуд хурмога дарахтдаги хурмо мевасини сотиб олади. Бу ерда гарчи ҳар икки синф ҳам (дарахтдаги хурмо, ҳўл хурмо, қуритилган хурмо) бир-бирига ўхшаса ҳам ўлчаш ёки тортиш ҳар хил бўлса ҳам дуруст бўлаверади. Чунки бу ҳолат истисноий

<sup>(1)</sup> Бухорий: 2085, Муслим: 3010, Насоий: 3004, Ибн Можа: 2271.

<sup>(2)</sup> Бухорий: 2088.



ҳолатга киради. У Пайғамбар ﷺнинг мана бу ҳадислари билан истисно қилинган:

«رَخَّصَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بَيْنَ الْغُرَيَّا»

«Пайғамбар ﷺ дарахт устидаги хурмолар савдосига рухсат берганлар».<sup>1</sup> (عربية) сўзидан мурод устидаги меваси ейилиши учун сотиб олинадиган хурмо дарахти.

5 – Шунингдек, рибо қарзда ҳам бўлади. Қарздаги рибо фақат юқоридаги нарсалардагина эмас, ҳамма нарсада бўлади. Чунки Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«كُلُّ قَرْضٍ جَرٌّ نَفْعًا فَهُوَ رِبَا»

«Ҳар бир фойда келтирадиган қарз рибодир».<sup>2</sup> Бу ерда қарз сўзи қайдланмасдан, мутлақ келяпти. Демак, у ҳамма нарсага тегишли. Бухорий ўзининг «Тарих»ида Анас رضي الله عنهдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا أَقْرَضَ فَلَا يَأْخُذْ هَدِيَّةً»

«Агар қарз берган бўлса, ҳадя олмасин».<sup>3</sup> Шунинг учун қарз тўланаётган пайтдаги ҳар қандай ортиқлик рибо ҳисобланади. Лекин қарзни яхшироқ нави билан қайтарса бўлади. Масалан, эски бир динорни қарз олган одам янги динор билан қайтариши, ёки бир туяни қарзга олган одам ундан кўра яхшироқ туя билан қайтариши дуруст. Фақат шундай қилиш шартлашилмаган бўлиши керак. Хуллас, шундай қилиш рибога кирмайди. Пайғамбар ﷺ бир туяни қарзга олиб, закот туялари келган пайтда ҳалиги туянинг эгасига ўзиникидан кўра яхшироқ туяни бериб:

«أَجُودُكُمْ أَجُودُكُمْ فَصَاءً»

«Сизларнинг энг яхшинглар (қарзни) энг яхши адо қиладиганинглар», деганлар.<sup>4</sup>

Шунга кўра, рибо мазкур олти турдаги нарсаларда ва қарзда бўлади. Қарздаги рибо фақат шу олти турдаги нарсалардагина эмас, ҳамма нарсага тегишлидир. □

(1) Бухорий: 2041, Муслим: 2841. Термизий: 1222, 1234. Насоий: 4456.

(2) Насоийнинг Сунани Кубро китоби: 5/350, у киши бу ҳадис мавкуф, деган, Ҳорис ибн аби Усома: 1/500, Тадхисул хабир: 3/34, Насбур роя: 4/60.

(3) Байҳақий: 5/350.

(4) Байҳақий: 5/350, аввалги ҳадиснинг охири.

### ТАҚВОДОР УЧУН СОҒЛИК БОЙЛИКДАН ЯХШИДИР

• Бухорий ўз саҳихида ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«نِعْمَتَانِ مَغْبُورٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ: الصِّحَّةُ، وَالْفَرَاغُ»

«Икки неъмат борки, кўпчилик одамлар улардан маҳрум бўлади: соғлик ва бўш вақтдир». Яна айтадилар:

«سَلُوا اللَّهَ الْمَعَاوَةَ، فَإِنَّهُ لَمْ يَأْتِ أَحَدٌ بَعْدَ الْيَقِينِ خَيْرًا مِنَ الْمَعَاوَةِ»

«Аллоҳдан саломатликни сўранглар. Чунки ҳеч кимга имондан кейин саломатликдан кўра яхшироқ нарса берилмаган». Расулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«لَا بَأْسَ بِالْغِنَى لِمَنْ اتَّقَى، وَالصِّحَّةُ لِمَنْ اتَّقَى خَيْرٌ مِنَ الْغِنَى، وَطِيبُ النَّفْسِ مِنْ

التَّعْبِمْ»

«Тақводорни бой бўлиш қизиқтирмайди, чунки соғлик тақводор учун бойликдан яхши. Кўнгил тозаллик бир неъматдир». Ибн Можжа ривоят қилган ушбу ҳадис санадини Албоний саҳиҳ деган.

• «اغْتَنِمَ حَمْسًا قَبْلَ حَمْسٍ: شَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ، وَصِحَّتَكَ قَبْلَ سَقَمِكَ، وَغَنَّاكَ قَبْلَ فُقْرِكَ، وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ، وَحَيَاتَكَ قَبْلَ مَوْتِكَ»

«Беш нарсдан олдин беш нарсани ғанимат билинг: Қариликдан олдин ёшликни, касалликдан олдин соғликни, фақирликдан олдин бойликни, машғулликдан олдин бўш вақтни ва ўлимдан олдин ҳаётни ғанимат билинг». Ҳоким бу ҳадисни Мустадракда ривоят қилган ва уни Албоний саҳиҳ деган.

• Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبَرَصِ وَالْجُنُونِ وَالْجُدَامِ وَمِنْ سَيِّئِ الْأَسْقَامِ»

«Эй парвардигор, моховдан, ақлдан озишдан ва касалликлар ёмонлигидан Сендан паноҳ сўрайман».

• Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ أَوَّلَ مَا يُسْأَلُ عَنْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ - يَعْنِي الْعَبْدَ - مِنَ الْعَيْمِ أَنْ يُقَالَ لَهُ: أَلَمْ نُصِحِّحْ لَكَ جِسْمَكَ وَنُرْوِيكَ مِنَ الْمَاءِ الْبَارِدِ؟»

«Қиёмат кунда бандадан сўраладиган неъматларнинг биринчиси унга: жисмингни соғ қилиб, сени совуқ сувга қондирмадимми, деб айтилишидир». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва Албоний уни саҳиҳ деган. Бу ҳадисда келишича, соғлик Аллоҳнинг инсонга меҳрибончилигидир.

• Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ مُعَافَى فِي جَسَدِهِ، آمِنًا فِي سِرْبِهِ، عِنْدَهُ قُوَّةٌ يَوْمَهُ فَكَأَمَّا حَبِزَتْ لَهُ الدُّنْيَا»

«Қим тани соғ, хотиржам ҳолда тонг отгирса, бир кунлик таоми бўлса, гўёки у дунёни қўлга киритибди». Термизий ва ибн Можжа ривоят қилган ушбу ҳадис санадини Албоний ҳасан деган.

• Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«عِبَادَ اللَّهِ تَدَاوُوا، فَإِنَّ اللَّهَ لَمْ يَصْغُ دَاءً إِلَّا وَضَعَ لَهُ شِفَاءً (أَوْ قَالَ دَوَاءً)، إِلَّا دَاءً وَاحِدًا، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا هُوَ؟ قَالَ: الْهَرَمُ»

«Эй Аллоҳнинг бандалари даво изланглар, албатта Аллоҳ бирор касалликни белгилаган бўлса унинг шифосини (давосини) ҳам белгилаган ва фақат битта касаллик бундан мустасно. Улар: Эй Росулulloҳ, у қандай касаллик? деб сўраганларида, қарилик, деб жавоб бердилар». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва Албоний уни саҳиҳ деган.

• Бухорий ва Муслим ривоят қилишича, Анас ибн Молик айтади: «Укал ёки Урайнадан одамлар келишган эди, уларга Мадинанинг хавоси ёқмади. Росулulloҳ ﷺ уларга бир туя келтириб, унинг сийдиги ва сутидан ичишга буюрдилар».

• Бухорий ривоят қиладики, Анас ибн Молик бундай деди: «Набий ﷺ хижома қиладиган йигитни чақирган эдилар, у

хижома қилди. Шунда Набий ﷺ йигитга бир ёки икки соя ё бир муд ёки икки муд беришларини буюрдилар...».

• Муоз ибн Жабал Набий ﷺнинг бундай деб айтганларини ривоят қилади:

«اتَّقُوا الْمَلَاعِنَ الثَّلَاثَ: الْبِرَّازَ فِي الْمَوَارِدِ وَالظِّلَّ وَقَارِعَةَ الطَّرِيقِ»

«Учта лаънатга лойиқ хатти-ҳаракатдан: сув манбаларига, йўл ўртасига ва сояли жойларга бавл қилишдан сақланинглар». Бу ҳадисни Ибн Можжа ўз сунанида Албоний ҳасан деган санад билан ривоят қилади. Бу ҳадисда Набий ﷺ сувга бавл қилиб булғашдан ҳамда инсонлар, ҳайвон ва бошқа махлуқотларга зиён етказадиган чиқиндиларни оқизишдан қайтаряптилар.

• Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«لَا يَبُولَنَّ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ، ثُمَّ يَغْتَسِلُ مِنْهُ»

«Сизларнинг бирортангиз (оқмай) турган сувга бавл қилмасин сўнг унда ювинмасин». Муслим ривояти.

• Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ مِنْ نَوْمِهِ فَلَا يَغْمِسُ يَدَهُ فِي الْإِنَاءِ حَتَّى يَغْسِلَهَا ثَلَاثًا فَإِنَّهُ لَا يَدْرِي أَيْنَ بَاتَتْ يَدُهُ»

«Сизларнинг бирортангиз уйқудан уйғонса қўлини уч бор ювмагунига қадар идишга сукмасин. Чунки, у қўли қаерда тунаганини билмайди». Муслим ривояти.

• Росулуллоҳ ﷺ «Мешнинг оғзидан сув ичишни қайтардилар, чунки бу уни айнилади». Бухорий ривояти. Бу Росулуллоҳ ﷺнинг таълимотлари бўлиб, ундан сув идишни тоза ва булғанмаган ҳолда сақлаш кўзланган.

• Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِذَا شَرِبَ أَحَدُكُمْ فَلَا يَتَنَفَّسْ فِي الْإِنَاءِ، فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَعُودَ فَلْيُنَحِ الْإِنَاءَ، ثُمَّ لِيَعُدِّ أَنْ كَانَ يُرِيدُ»

«Агар бирортангиз сув ичса идишга нафасини қайтармасин. Агар яна қайта ичишни истаса, идишни оғзидан нари қилиб турсин, сўнг агар ичишни истаса яна (нафасини қайтармасдан) ичсин». Бу Росулуллоҳ ﷺнинг мусулмонларга огоҳлантируви бўлиб, у зот уларни ўз таом ва

шаробларини булганмаслиги ва захарланиб қолмаслиги учун сақлашга эътибор беришга буюрмоқдалар. Шу боис, юкумли микроблар бошқаларга ўтмаслиги учун сув идишга нафас олиш ёки унга пуфлашдан қайтардилар.

• Ибн Можжа Албоний саҳиҳ деган санад билан Жобир ибн Абдуллоҳ رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадисда Жобир айтади:

«أَمَرَنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نُوكِيَ أَسْقِيَتَنَا، وَنُعْطَى آيَاتَنَا»

«Набий ﷺ мешларимиз оғзини бўғиб қўйишга ва идишларимизни ёпиб қўйишга буюрдилар». Бу – ушбу идишлар ичидаги сувни сақлаш учундир. Росулulloҳ ﷺ сув ва емак идишларига булғовчи ҳашоратлар тушиб қолмаслиги учун уларни ёпиб қўйишга буюрдилар.

• Мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها айтади:

«كُنْتُ أَضَعُ لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ ثَلَاثَةَ آيَاتٍ مِنَ اللَّيْلِ مُحَمَّرَةً (مُعَطَّاةً): إِيَّاءَ لَطْهَوْرِهِ، وَإِيَّاءَ لِسَوَاكِهِ، وَإِيَّاءَ لَشْرَابِهِ»

«Мен Росулulloҳ ﷺ га тунда усти ёпиқ учта идиш қўя эдим. Бир идиш таҳоратлари, бир идиш тиш тозалашлари ва яна бир идиш сув ичишлари учун». Ибн Можжа ривояти.

• Росулulloҳ ﷺ шахсий фойдаланиш пайтида, яъни уй ичкарасида сувни сақлашга буюрганларидан ташқари, уй ташқарисида атроф-муҳит булғанишини келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракатлардан ҳам огоҳлантирдилар. Ҳатто атроф-муҳит булғаниши бирор кишининг ўз идиши ёки кийимини жамоатчилик йўлида ювишидан келиб чиққан бўлса ҳам, бундай ишни қилган кишини Аллоҳ, фаришталар ва бутун инсонлар лаънатига ҳақли бўлган киши деб ҳисобладилар. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ غَسَلَ سَخِيمَتَهُ عَلَى طَرِيقٍ مِنْ طَرِيقِ الْمُسْلِمِينَ، فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ»

«Ким ифлос нарсасини мусулмонлар йўлларидан бўлган бир йўл устида ювса, унга Аллоҳ, фаришталар ва бутун инсонлар лаънати бўлсин». Бу ҳадисни Мунзирий Тарғиб ва Тарҳибда ривоят қилган.

- Муслим ўзининг саҳиҳида ривоят қилади:

«لِكُلِّ دَاءٍ دَوَاءٌ، فَإِذَا أُصِيبَ دَوَاءُ الدَّاءِ بَرَأَ بِإِذْنِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ»

«**Ҳар бир касаллик учун даво бор. Агар бирор касалликнинг давоси топилса Аллоҳ Азза ва Жалланинг изни ила у шифо топади**».

• Ибн Молик Муваттода Зайд ибн Асламдан ривоят қилган мурсал ҳадисда келишича, Росулulloҳ ﷺ замонларида бир кишига жароҳат етиб, жароҳатга қон уйиб қолади. У киши Бани Анмордан икки кишини чақириб, улар унга қарашади. Уларнинг тасдиқлашича, Росулulloҳ ﷺ уларга: **Қайси бирингиз табибликда моҳирроқсиз, дейдилар.** Улар: Эй Росулulloҳ табибликда ҳам яхшилик борми? – дейишади. Зайднинг тасдиқлашича, Росулulloҳ ﷺ

«أَنْزَلَ الدَّوَاءَ الَّذِي أَنْزَلَ الْأَدْوَاءَ»

«**Касалликни туширган зот давони ҳам туширган**», деб айтадилар.

• Имом Аҳмад ўзининг Муснадида Оиша رضي الله عنهاнинг бундай деганини ривоят қилади: «**Росулulloҳ ﷺ умрларининг охири олдидан ёки умрларининг охирида касал бўлар эдилар. У зотга ҳар тарафдан арабларнинг вакиллари келиб, ҳар хил ташхис қўйишар эди ва мен у зотни даволар эдим**». Бу ҳадисни Ҳамза Аҳмад Зайн ҳасан деган.

• Аҳмад ўзининг Муснадида ривоят қилган ва Ҳамза Аҳмад Зайн саҳиҳ деган ҳадисда келишича, Росулulloҳ ﷺ жароҳат етган бир кишини бориб кўриб: «**Унга Баний фалон (фалон қабила) табибини чақиринглар**» – деб айтадилар. Улар табибни чақиринган эди у келди. Улар: Эй Росулulloҳ даволаш унга бирор фойда берадими, деб сўрашган эди, Росулulloҳ ﷺ бундай жавоб қилдилар:

«سُبْحَانَ اللَّهِ، وَهَلْ أَنْزَلَ اللَّهُ مِنْ دَاءٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا جَعَلَ لَهُ شِفَاءً»

«**Субҳаналлоҳ, Аллоҳ ер юзига бирор касаллик туширган бўлса, унинг давосини ҳам туширган эмасми?**». □

## ШАВВОЛ ОЙИ АЖР ВА МУКОФОТ БОРАСИДА РАМАЗОН ОЙИНИ ТЎЛДИРАДИ

– Шаввол ойида олти кун рўза тутиш борасидаги шаръий асос  
Пайғамбаримиз ﷺ куйидаги ҳадисидир:

«مَنْ صَامَ رَمَضَانَ، ثُمَّ أَتْبَعَهُ سِتًّا مِنْ شَوَّالٍ، كَانَ كَصِيَامِ الدَّهْرِ»

«Ким рамазон рўзасини тутса ва ортидан шавволда олти кун  
рўза тутса, бир аср рўза тутганнинг савобини олади». Ушбу  
ҳадисни Муслим Абу Айюб Ансорийдан ривоят қилган. Ушбу  
ҳадис Росулulloҳ ﷺнинг қули Савбондан ривоят қилинган бошқа  
ҳадиснинг шарҳидир. Росулulloҳ ﷺ у ҳадисда шундай дейдилар:

«مَنْ صَامَ سِتَّةَ أَيَّامٍ بَعْدَ الْفِطْرِ كَانَ تَمَامَ السَّنَةِ، مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا»

«Ким рамазондан кейин олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза  
тутганнинг савобини олади. Ким битта яхшилик қилса, унга  
ўн баробар бўлиб қайтади». Ибн Можжа ривояти. Бошқа  
ривоятда шундай келади:

«مَنْ صَامَ رَمَضَانَ فَشَهْرٌ بَعَشْرَةَ أَشْهُرٍ، وَصِيَامُ سِتَّةِ أَيَّامٍ بَعْدَ الْفِطْرِ فَذَلِكَ تَمَامُ صِيَامِ السَّنَةِ»

«Ким рамазон рўзасини тутса, бир ой ўн ойга тенг, ортидан яна  
олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутганнинг савобини  
олади». Имом Аҳмад ва Насойлар чиқарган. Бундан келиб  
чиқадики, рамазондан кейин шаввол ойида олти кун рўза тутишда  
бир асрлик ажр савоб бордир.

– Маълумки, мусулмонларнинг тадбирлари ҳам ибодатдир,  
уларнинг хайит байрамлари ибодатларга киради. Ғарбда эса, бунга  
зид ўлароқ байрамларни фисқу фуҷур билан ўтказадилар. Шунинг  
учун улар мусулмонлар орасида шу нарсани тарқатиш ва  
мусулмонларнинг байрамларини ҳаром қилинган ўйин кулгига  
айлантиришга ҳаракат қилишади. Лекин рамазон рўза ва Қуръон  
ойидир, унинг мукофоти эса, рамазон хайити байрамидир.  
Зулҳижжа ойи ҳаж ойи, унинг мукофоти эса, қурбон хайитидир.  
Аллоҳ Таоло мусулмоннинг рўзадаги савоби тўла бўлиши учун  
ортидан шаввол ойида олти кун рўза тутишни белгилади.  
Зулҳижжа ойида эса, ҳажга бормаган мусулмонлар учун тўққиз  
кун рўза тутишни белгилади... Демак, динимизнинг барчаси  
яхшилик, ундаги ибодатларнинг аввали ҳам, охири ҳам  
яхшиликдир...

– Ибн Қоййим (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин) «Баланд  
чироқ» номли китобида шундай дейди: «Шаввол ойида ажиб бир  
сир бор, чунки у рамазонни тўлдиради ва рўзанинг  
камчиликларини кетказди. Бу худди фарз намозларидан кейин

суннат намози ўқилгани ва намоздаги хато учун саждаи сахв қилинганига ўхшайди. Шунинг учун у: «Рамазон ортидан шавволнинг олти кунда рўза тутишни буюрди» деб айтган. Демак, шаввол ва шаъбон ойлари фарз намозлар олдидан ва ортидан ўқиладиган суннат намозлари кабидир. Чунки улар орқали фарз ибодатларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўғриланади. Пайғамбаримиз ﷺнинг бир неча ҳадисларида келганидек, қиёмат кунда нафллар фарзларни тўлдиради. Чунки кўп одамлар рўзада хато ва камчиликка йўл қўяди ва уларни тўлдирадиган нарсага муҳтож бўлади.

– Аллоҳ Таоло шаввол ойининг олти кунда рўза тутишни насиб айласин. Чунки барча шериклардан пок Аллоҳ ўз карами ва афви орқали мусулмонни тўла ажрга эга бўлишини хоҳлайди... Бу эса, агар банда шавволнинг олти кунда рўза тутса Аллоҳ ундан рози бўлишига далилдир... Шунингдек, шавволнинг рўзасини тутишда Ҳабибимиз Мустафо ﷺнинг суннатини рўёбга чиқариш ва буйруғига итоат этиш бордир. Бундан ташқари, унда суннат рўзанинг тўлиқ ажри ва рамазон рўзасидаги камчиликларни тўлдириш бордир.

– Аллоҳ Таоло рамазон ойининг фазилатлари тугамасдан мусулмонлардан санокни тўлиқ қилиб қўйишлари ва ундан кейинги яъни шаввол ойини такбирлар билан кутиб олишларини талаб қиляпти. Аллоҳ Таоло бу ҳақида шундай дейди:

﴿يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمْ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَيْتُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

**«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу санокни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуглашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз»**

[Бақара 185]

Суннатда эса, шаввол ойининг биринчи тонгги отиши билан фитр садақасини беришга буюриляпти. Шунингдек куёш чиққанидан кейин ҳайит намозини ўқиш учун кенг майдонга чиқиш ҳамда Роббиларининг кенг марҳаматига эга бўлиш учун шавволнинг олти кунда рўза тутишга буюриляпти. Ибн Жарир ибн Аббосдан шундай ривоят қилган: «Рўзадорлар шаввол ойини кўрган пайт ҳайитдан бўшагунларича такбир айтишлари вожибдир». Чунки Аллоҳ Таоло:

﴿وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَيْتُمْ﴾



**«Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учундир»** [Бақара 185]

дейди. Саид ибн Мансур ибн Абу Шайбадан Ибн Масъуднинг шундай деб такбир айтганини ривоят қилган: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳу Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд». Ибн Абу Шайба ва Байҳақий ўзининг сунанида Ибн Аббоснинг шундай такбир айтганини ривоят қилган: Аллоҳу акбар кабийро, Аллоҳу акбар кабийро, Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамду ва ажаллу, Аллоҳу акбар ала ма ҳадана. Имом Шавканий ўзининг тафсирида худди шу матнни келтирган.

– Фитр садақасиги келсак, бу ҳақда Бухорий ва Муслимлар Ибн Умардан шундай ривоят қилишган: Росулulloҳ ﷺ фитр садақасини мусулмонлардан кулга, хурга, эркак, аёл, ёш, қарига хурмодан бир соъ, арпадан бир соъ қилиб белгилаганлар. Шунингдек, уни одамлар ҳайит намозига чиқмасдан олдин беришларига буюрганлар. Абу Довуд, Ибн Можжа, Дорикутний ва Ҳокимлар Ибн Аббосдан ривоят қилиб саҳиҳ деган ҳадисда у киши шундай дейди: Росулulloҳ ﷺ рўзадорни бекорчи сўзлардан поклаш ва мискинларни тўйдиришдан халос этиш учун фитр садақасини фарз қилган. Ким уни намоздан олдин адо этса, мақбул закот бўлади. Ким намоздан кейин адо этса, бошқа садақалар каби садақа бўлади.

– Ҳайит намозини кенг майдонда ўқиш борасида айтадиган бўлсак, Бухорий Умму Атийядан шундай ривоят қилган: «Росулulloҳ ﷺ ёш қизлар ва ҳижобли қизларни ҳайит намозига чиқишга буюрар эдилар. Бошқа ривоятда бокира ва ҳайз кўрган қизларни ҳайит намозига чиқишга буюрар эдилар. Шунингдек, одамлар ортида туриб, улар билан бирга такбир айтиш ва дуо қилишга ҳамда ушбу кун баракаси ва гуноҳлардан тозалашидан баҳраманд бўлишга буюрар эдилар. Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда у киши айтадики: Росулulloҳ ﷺ намоз ўқиладиган жойга қўлида анза билан борар эдилар. (Анза таёқдан узунроқ, найзадан қисқароқ бўлиб пастки қисмида найзанинг нишидек ниши бор эди. Кексалар унга таяниб юришар эди) Росулulloҳ ﷺ анзани намоз ўқиладиган жойнинг олдига тиклаб, ўша томонга қараб намоз ўқир эдилар. Демак, икки ҳайит кунида эркаклар, аёллар ва болаларнинг барчаси намоз ўқиш учун саҳрога чиқишлари Росулulloҳ ﷺнинг суннатларидандир. □

## УҚБА ИБН АБУ МУАЙТНИНГ ҚИЗИ УММУ ГУЛСУМ: МУҲОЖИР МУМИНА АЁЛЛАР ИЧИДА БИРИНЧИ ИМТИҲОН ҚИЛИНГАН АЁЛДИР

### Насаби:

Уқба ибн Абу Муайт ибн Абу Амр ибн Умайя ибн Абдушшамс ибн Абду Манноф ибн Қусайнинг қизи Умму Гулсум, унинг онаси Арво Курайз ибн Робиа ибн Ҳабиб ибн Абдушшамс ибн Абду Манноф ибн Қусайнинг қизи. У Усмон ибн Аффоннинг она бир синглиси.

### Исломи:

Умму Гулсум Маккада Исломга кирди ва хижратдан олдин байъат берди. У Росулulloҳ ﷺ Мадинага хижрат қилгандан кейин биринчилардан бўлиб хижрат қилган аёлдир. Шунингдек, у Қурайшлик аёллар ичида биринчилардан бўлиб Аллоҳ ва Росулининг йўлида ота ва онасининг бағридан кечиб муслима ҳолда хижрат қилиб чиқди. Умму Гулсум Исломга ва Набий ﷺга адовати кучли бўлган хонадонда ўсди. Унинг отаси хижратдан олдин Росулulloҳ ﷺга кўп озор берар, ҳатто Росулulloҳ ﷺни кўли билан бўғишликка ҳам уришиб кўрган эди. Бундан ташқари, Исломга қарши уришиш учун қўшин йиғди. Лекин Аллоҳ Умму Гулсумни хонадонда Ислом учун қалби очилган ёлғиз аёл бўлишлигини хоҳлади. У биринчилардан бўлиб Исломга кирган ва икки қиблага қараб намоз ўқиган ёлғиз муслима эди. (Мусулмонлар аввал Қуддусга қараб, кейин Каъбага қараб намоз ўқиганлар).

### Хижрати:

«Умму Гулсум» аввалига Исломини яширди. Лекин кунлар ўтиб Исломини сақлаган ҳолда ҳаётни давом эттириш унга қийинчилик туғдирди. Курайш кофирлари унга азият етказишлари ва динидан воз кечишга мажбурлашлари мумкинлигидан унда кўрқув кучайди. Натижада, у оғир ишга, яъни мусулмонлар сафига қўшилиш учун Мадинаи Мунавварага кетишга қарор қилди.

Умму Гулсумнинг (хижратнинг еттинчи йилида бўлган) қарори химоячи ва шериксиз Маккадан Мадинагача бўлган узун йўлни босиб ўтиш учун йўлга чиққани учунгина оғир бўлмади. Балки у кетиш учун қарор қилган даврнинг ўзи оғир давр эди. Чунки бундан олдинроқ, яъни хижратнинг олтинчи йилида Ҳудайбия сулҳи тузилган эди. Сулҳда муҳожир мусулмонлар учун адолатсиз шарт қўйилди. Яъни Қурайш ичидан, унинг изнисиз бирор киши мусулмонларга келса, у қайтариб юборилади, лекин Қурайшга келган мусулмонлар қайтарилмайди.

«Умму Гулсум» бу шартномани билар эди, шундай бўлса-да Аллоҳга таваккал қилди ва сафар қилиш фикридан қайтмади. Сўнг ҳижрат қилди, ва у ўзи қилаётган ишини биладиган даражада фаросатли ҳамда ўқиш ва ёзишни биладиган қиз эди. Бундай ишни ўша замоннинг камдан кам эркаклари қилишга қодир эди. У юсак акл эгаси учун, дунё ва унинг зийнатларини орқага ташлади ва Исломини маҳкам ушлаган ҳолда Аллоҳга юзланди. «Умму Гулсум» ўзининг ҳижрат қиссасини мана шундай ривоят қилади: «Мен қариндошларим яшайдиган саҳрога бориб, у ерда уч ёки тўрт кун турар, сўнгра уйга қайтар эдим. Менинг у ерга боришимга ҳеч ким тўсқинлик қилмас эди. Мен шундан фойдаланиб йўлга чиқишга қарор қилдим. Бир куни саҳрога чиққандек уйдан чиқдим ва Ҳузоза қабиласидан бўлган бир кишининг қарвонига йўлиқдим. У мендан қаерга кетяпсан? – деб сўради. Мен: Нима учун сўраяпсан? Сен кимсан? – деган эдим, у : Мен Ҳузоза қабиласиданман деди. Мана шундан кейин қалбим хотиржам бўлди, чунки Ҳузоза Росулulloҳ ﷺ билан битим тузган қабилла эди. Мен унга: Мен қурайшлик бир аёлман ва Росулulloҳ ﷺ билан учрашишни хоҳлайман, лекин йўлни билмайман деган эдим у: Мен Мадинага етгунча сенга ҳамроҳ бўламан деди. Сўнг бир туя келтирган эди, унга миндим. Шундай қилиб Мадинага бирга келдик, у жуда яхши ҳамроҳ бўлди, Аллоҳ уни яхшилик билан мукофотласин.

### **Мадинага келиб, Росулulloҳ ﷺ га шикоят қилиши:**

«Умму Гулсум»нинг яқинлари уни кеч қолаётгани ва ғойиб бўлганини билганларидан кейин уни излаб чиқишди ва ҳижрат қилганини билишди. Улар шу ондаёқ Ҳудайбия сулҳи шартномасини эслаб: «Зарари йўқ, биз билан Муҳаммад ўртасида аҳд ва сулҳ бор. Инсонларни орасида Муҳаммаддан кўра аҳдига вафо қилувчироғи йўқ, унинг олдига бориб, аҳдига вафо қилишини сўраймиз» дейишди. Унинг «Аммора» ва «Валид» исмли акалари бўлиб, улар синглисини қайтариш учун Мадинага келишди. Айти пайтда Умму Гулсум нубувват уйида яшар эди. Бир куни у онамиз «Умму Салама» ﷺ олдига кириб ўзини таништирди ва Росулulloҳ ﷺ шартномага мувофиқ уни оиласига қайтаришидан қўрқаётганлигини айтди. Росулulloҳ ﷺ онамиз Умму Салама ﷺ ни олдига киргач шу ҳақида хабар берди. Росулulloҳ ﷺ уни хуш келибсан эй Умму Гулсум дея кутиб олган эди, у шундай деди: «Эй Росулulloҳ ﷺ диним учун сизнинг олдингизга қочиб келдим, менга диним борасида фитна қилишлари учун уларга

қайтариб берманг, чунки менда сабр йўқ ва заифликдаги аёлларни ҳолатини биламан.

### Акаларининг Мадинага етиб келиши:

Эртаси куни акалари Мадинага етиб келишди ва Росулulloҳ ﷺ дан синглисини қайтаришни талаб қилишди. Лекин Аллоҳ Азза ва Жалла унга нажот берди, чунки мумтахана сурасининг куйидаги ўнинчи оятини нозил қилди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا جَاءَكُمْ الْمُؤْمِنَاتُ مُهَاجِرَاتٍ فَاِمْتَحِنُوهُنَّ ۗ اللَّهُ اَعْلَمُ بِاِيْمَانِهِنَّ ۗ فَاِن عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ اِلَى الْكُفَّارِ لَا هُنَّ حِلٌّ لَّهُمْ وَلَا هُمْ يَحِلُّونَ لَهُنَّ وَاَتُوهُم مَّا اَنفَقُوا وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ اَن تَنكِحُوهُنَّ اِذَا ءَاتَيْتُمُوهُنَّ اُجُورَهُنَّ وَلَا تُمْسِكُوْا بِعِصَمِ الْكُوَافِرِ وَاَسْأَلُوْا مَّا اَنفَقْتُمْ وَلَيْسَ لَكُمْ اَن تَسْأَلُوْا مَّا اَنفَقُوْا ۗ ذٰلِكُمْ حُكْمُ اللّٰهِ يَحْكُمُ بَيْنَكُمْ ۗ وَاللّٰهُ عَلِيْمٌ حَكِيْمٌ﴾

**«Эй мўминлар, қачон сизларга (Макка кофирларининг қўли остида қолган) мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, сизлар улар(нинг имонлари)ни имтиҳон қилиб кўринглар (яъни улар ўз эрларини ёмон кўриб ёки сизлардан биронтангизга ишқи тушиб қолгани учун эмас, балки фақат дини Ислом учун ҳижрат қилганлари ҳақида сизларга қасам ичсинлар). Аллоҳ уларнинг (дилларидаги) имонларини (ҳам) жуда яхши билгувчидир. Бас, агар сизлар уларнинг (ҳақиқий) мўмина эканликларини билсангизлар, у ҳолда уларни кофирларга қайтарманглар! У мўминалар (кофирлар) учун ҳам ҳалол эмас ва у (кофир)лар (мўмина)лар учун ҳалол эмасдир, ва уларга (яъни сизларнинг олдингизда қолган мўминаларнинг Маккада қолган кофир эрларига мана шу хотинлари учун) сарфлаган маҳрларини (қайтариб) беринглар. Қачон сизлар у (мўминаларнинг эр)ларига маҳрларини берсангизлар, сизларга уларни никоҳларингизга олишда бирон гуноҳ йўқдир. (Шунингдек), сизлар ҳам кофираларнинг билак-қўлларидан ушламанглар (яъни, сизларнинг хотинларингиз кофира бўлган ҳолларида кофирлар билан қолишни истаса, сизлар уларнинг йўлларини тўсиб никоҳларингизда сақламанглар, балки уларга уйланмоқчи бўлган кофирлардан) ўзларингиз сарфлаган маҳрни талаб қилинглар ва улар ҳам (ўзларининг никоҳидан чиққан ва мусулмонларнинг олдига ҳижрат қилиб кетган мўминаларга) талаб қилсинлар. Бу Аллоҳнинг ҳукмидир. У сизларнинг ўртангизда ҳукм қилур. Аллоҳ билгувчи ва ҳикмат соҳибидир»**

[Мумтахина 10]

Ибн Жарир роҳимахуллоҳ Абу Наср Асадийдан ривоят қилиб айтади: Ибн Аббос رضي الله عنهдан Росулulloҳ ﷺ аёлларни қандай имтиҳон қилиши ҳақида сўрашди. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«الله ما أخرجكن إلا حب الله ورسوله والإسلام! ما خرجتن لزواج ولا مال؟»

**«Мол учун, эр топиш учун эмас, Аллоҳнинг ва Росулининг розилиги учун хижрат қилиб келдим. Аллоҳга қасамки, хижратдан мақсадим шудир»**, десалар ортларига қайтариб юборилмайдилар, дедилар.

Умму Гулсум ҳам худди шу сўзни айтган эди, Росулulloҳ ﷺ Валид ва Амморага қараб:

«قَدْ أَبْطَلَ اللَّهُ الْعَهْدَ فِي النِّسَاءِ بِمَا قَدْ عَلِمْتُمَاهُ»

**«Аллоҳ сизлар билган аҳдни аёллар борасида бекор қилди»**, деди. Ибн Исҳоқнинг айтишича, Росулulloҳ ﷺ Умму Гулсумни акаларига қайтариб беришдан бош тортганидан кейин, улар ортга қайтишди. Шундай қилиб, Умму Гулсум биринчи имтиҳон қилинган аёллардан бўлди. Дарҳақиқат, у эр топиш ва мол дунё учун эмас, балки Аллоҳ ва Росулини яхши кўрганидан ва Исломни излаб келган эди.

Шу сабабли Умму Гулсумнинг хижрати ундан кейин хижрат қилган аёлларга хайрли ва барокатли бўлди. Аллоҳ ва Росулига имон келтирган ҳар қандай аёл Худайбия сулҳи сабабли Пайғамбаримизнинг аёлларни кофирларга қайтаришидан кўркмайдиган бўлди. Уқба қизи Умму Гулсумдан кейин кўп аёллар Исломга кирдилар ва Маккани тарк этиб, кофирларни озорларидан Мадинага хижрат қилдилар.

### **Турмушга чиқиши:**

Умму Гулсум Мадинада яшар экан, хануз турмушга чиқмаган ёш қиз эди. Унинг мустаҳкам имонига аксарият саҳобалар ажабланишган эди. Унга Зубайр ибн Аввом, Зайд ибн Ҳориса, Абдурраҳмон ибн Авф, Амр ибн Ослар совчи қўйишди. У тоғаси Усмон ибн Аффондан маслаҳат сўради, Усмон эса, унга Росулulloҳ ﷺнинг олдига боришга маслаҳат берди. Росул ﷺ Зайд ибн Ҳорисага ишора қилди. У Зайдга турмушга чиқди ва бахтли ҳаёт кечирди ва ундан бир ўғил ва бир қиз кўрди. Лекин улар ёшлигида вафот этишди. Сўнг унинг эри Зайд Мўъта ғазоти кунда қатл қилинди. Шундан кейин уни Зубайр ибн Авом никоҳига олди ва ундан Зайнаб туғилди. Зубайр уни талок қилгандан кейин Абдурраҳмон ибн Авф уни никоҳига олди. Унга кўп болаларни ҳадя қилди. Абдурраҳмон ибн Авф вафот этгандан

кейин уни Амр ибн Ос никоҳига олди. Лекин у Амр ибн Ос билан турмуш қурганига бир ой бўлганда вафот этди. Бу воқеа Али عليه السلامнинг даврида бўлган эди.

**Ҳадис ривоят қилувчиси:**

Умму Гулсум болалари ва эрлари билан машғул бўлиши уни Росулulloҳ ﷺнинг ҳадисларини ёдлаш бўлган иштиёқдан тўсмади. Умму Гулсум ёдлаган ҳадислардан бирида Росул ﷺ айтадилар:

«لَيْسَ بِالْكَاذِبِ مَنْ أَصْلَحَ بَيْنَ النَّاسِ فَقَالَ خَيْرًا أَوْ نَمَى خَيْرًا»

**«Инсонларнинг ораларини ислоҳ қилган ва яхши сўз айтган ёки яхшиликни кенгайтирган киши ёлғончи эмас».** Яхшиликни кенгайтирган дегани одамлар ўртасини ислоҳ қилиш мақсадида икки хусуматчига фақат ширин ва тотли гапларни етказган киши маъносидадир. □

## КОРОНАВИРУСДАН КЕЙИН... ХИТОЙ ҒАРБНИНГ ЯНГИ ДУШМАНИ СИФАТИДА ИСЛОМНИНГ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАЙДИМИ?

Британиялик журналист Питер Оберн Middle East Eye газетаси «Хитой Ғарбнинг янги душмани сифатида Исломнинг ўрнини эгаллайдими?» сарлавҳаси остида нашр қилган мақоласида башорат қилишича, коронавирус эпидемиясининг тарқалиши Исломга душманликнинг пасайишига, глобал сиёсий географиянинг ўзгаришига олиб келади ва сиёсий географиянинг ўзгарган бу шаклида Хитой Ғарбнинг биринчи душмани бўлади. Журналистга кўра, Ғарбнинг Исломга биринчи душман сифатида қарши Ғарб билан Совет Иттифоқи ўртасидаги совуқ урушдан, шунингдек, Хантингтоннинг «Ҳазоратлар тўқнашувининг муқаррарлиги»ни даъво қилган машҳур назарияси билан Исломга қарши бошланган ҳужумдан кейин пайдо бўлди. Хантингтон ўз назариясида икки бирига зид кучлар ўртасида, яъни Ислом ва Ғарб ўртасида янги кураш бошланишини башорат қилган. Жорж Буш ва Тони Блэрга ўхшаган Ғарб сиёсатчилари бу назарияга эргашишди. Ундан кейин Ғарб оммавий ахборот воситалари мусулмонларни қонундан четга чиққан экстремистлар ва дунё учун экзистенциал душман сифатида тасвирлашда ғайрат кўрсатишди. Журналистга кўра, экстремистик ўнгчи сиёсий партиялар пайдо бўлиши билан Ғарбда Исломга қарши душманлик туйғулари (исломофобия) кучайди.

Журналистнинг айтишича, ушбу ғаразли душманлик коронавирус эпидемияси тарқалиши ортидан яқин келажақда бир неча омиллар туфайли, жумладан, вирусга қарши курашда мусулмонлар кўрсатган фидокорликлар туфайли пасайиши мумкин... У яна шундай дейди: «Ғарб душманга муҳтож бўлганлиги сабабли, кейинги пайтларда Хитой унинг нишонига айланди. Бундан йигирма йил олдин Ислом душман сифатида тасвирланганидек, бугун Хитой Ғарбнинг янги вужудий (экзистенциал) душмани сифатида тасвирланмоқда. Бу айтиши ўша шахслар, газета шарҳловчилари, тахлилий институтлар, сиёсий партиялар ва разведка агентликлари орқали амалга оширилмоқда. Журналист ўз мақоласида бунга мисоллар келтиради. Унинг айтишича, АҚШ президенти Доналд Трамп 2016 йилги сайлов кампанияси пайтида Хитойни ўзининг мамлакати иқтисодини босиб олганликда айблаган. Шунингдек, у Хитойни вирусни яширганликда ва ўлганлар сони ҳақида ёлғон маълумот берганликда айблаган. Мақолада Британия расмийлари ва разведка агентликлари томонидан чиқарилган бир қатор баёнотлар келтирилади. Бу баёнотларда вируснинг тарқалиши жавобгарлиги Хитойга юкланади ва баъзи баёнотларда Хитой билан муносабатлар эпидемия тарқалишидан олдингидек бўлмаслигига ишора қилинади.

Мақола қуйидаги сўзлар билан якунланади: «Биз бугун, Ислом унда асосий душман бўлган узун даврнинг ниҳоясига етган бўлишимиз ҳам мумкин. Ғарб ўзи учун янги душман топган бўлиши ва бу мусулмонларга эркин нафас олиш имконини бериши ҳам мумкин».

**Ал-Ваъй:** Афтидан, Америка ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида мусулмонларга қарши халқаро курашни қандай уюштирган бўлса, Хитойга қарши халқаро курашни айти шу услубда уюштирадиганга ўхшайди. Уни бунга ундаган омил, ўзига нисбатан вужудий душманни ҳис қилишидир. У ўзининг устунлигини, манфаатларини сақлаб қолишни ва Хитойни ўзига рақобатчи бўлишига йўл қўймасликни истайди. Америка Исломга душманлик қилиш билан машғул бўлиш Хитойга қарши курашни кечиктиради, деб билмоқда. Шундай экан, у бир саҳифани ёпиб, бошқа саҳифа очадими? □

## «СОҒЛОМ ИПАК ЙЎЛИ» РЕЖАСИ

Хитой 2017 йил «Соғлом ипак йўли» дея танилган ташаббусни илгари сурган эди. Коронавирус тарқалиши ортидан соғлиқни сақлаш бўйича ўзининг дунёда биринчи давлатлик мақомини янада мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари доирасида бу ташаббусни яна қайта илгари сурди. Ҳозирги кунда коронавирусга қарши курашиш ва уни енгиб ўтишда Американинг саросимага тушиб қолиши унга фойда келтирмоқда. Хитой раҳбари 2017 йили Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкilotи билан ўзаро англашув меморандумини имзолаган эди. Уни имзолаш чоғида ўз мамлакати «Бир камар ва бир йўл» бўйлаб жойлашган юртларда аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган «Соғлом ипак йўли»ни барпо қилиш мажбуриятини олишини маълум қилди. («Бир камар ва бир йўл» Хитой таянадиган режа бўлиб, у иқтисодни кучайтириш, глобал миқёсда катта бозорларни эгаллаш ҳамда Америка ҳукмронлик қилаётган глобал иқтисод шаклини плюрализмга асосланган шаклга ўзгартириш учун манбаларни ва қитъа давлатлари билан муносабатларни диверсификация (хилма-хилликнинг умумий ўлчови) қилиш стратегиясига асосланади).

Бунга эришиш учун Хитой бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан: «Ниқоб дипломатияси» деб номланган тадбир доирасида дунёдаги 98та давлатга экспертлар ва тиббий ёрдамларни жўнатди. Бу ёрдамлар бевосита дунёдаги Хитой элчихоналари томонидан тақдим этилди... Шунингдек, Хитойнинг коронавирус тарқалишига қарши курашиш услуги тарғиб қилинди. Айни шу нуқтаи назарда, Хитой раҳбари G20 раҳбарларининг виртуал йиғилишида нутқ сўзлаб, унда «Инсониятнинг муштарак тақдири ҳамжамияти»ни кучайтиришга эҳтиёж борлигини ёритди. Хитой, шунингдек, Asean ҳамжамияти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкilotи ва Европа 17+1 мамлакатлари билан ҳамкорлик қилди. Бу билан Хитой катта олқишга сазовор бўлди... Шундай қилиб, Хитой ўзини халқаро сахнада дунёдаги бошқа давлатларга ёрдам қўлини чўзаётган давлат сифатида тақдим этди ва «Хитой, Америкадан фарқли ўлароқ, жавобгар ва ишончли ҳамкор», деган мазмунда нома йўллади.

Хитой бир қанча мақсадларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан: Коронавирус эпидемияси пайтида соғлиқни сақлаш соҳасида дунёнинг жавобгар етакчиси сифатида ўзининг мавқеини кучайтириш мақсади; иқтисодий ютуқларни қўлга киритиш мақсади (чунки у ичкарида вирусни назорат қилишда ютуққа эришганидан кейин, бутун дунёда ниқоблар, респираторлар ва химоя костюмларининг асосий манбасига айланди); Хитой коммунистик партиясини қўллаб-қувватлаш ва Хитой бошқарув моделига қонунийлик тусини бериш мақсадида маҳаллий доирада шу партияни ишга солиш мақсади каби. Хитойнинг ушбу уринишларидан кўришиб турибдики, бу давлат коронавирусга қарши глобал урушга ёлғиз ўзи кирмоқда. Айниқса, бугун коронавирус Хитой билан Америка ўртасидаги қарама-қаршилиқ учун янги майдонга айланмоқда.

Ушбу ташаббус келажаги асосан бир қатор ўзгаришларга, жумладан: Вашингтоннинг вирусни тўхтатиб қолишга қодир бўлиши ва бугунги кундаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги глобал инқирозни бошқаришга алоқадор ишларда ташаббус тизгинини қўлга олиши... инқирозни енгиб ўтишда Европа давлатларининг ютуққа эришиши каби ўзгаришларга боғлиқ.

**Ал-Ваъй:** Афтидан, халқаро сахнада дунё етакчилиги учун Америка ва Хитой ўртасидаги кескин рақобат муҳим ўринни эгаллайди... Шунингдек, янги халқаро рақобат бошланишига Исломга қарши урушнинг тўхтатилиши ёки унга босим ўтказишни юмшатиш ҳамроҳлик қилиши кутилади. □